

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МИРДАВИДОВА САОДАТ

***Қаламтасвир
ва рангтасвир асослари***

5150900 – Дизайн, 5341000 - “Архитектура”
ва 5340100 - “Қишлоқ ҳудудларининг архитектура –
лойиҳавий ташкил этиш” ўқув йўналишлари учун
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2017

Муаллиф: Мирдавидова С.М.

“Қаламтасвир, рангтасвир асослари” ўқув қўлланма.

Ўқув қўллама “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фанининг назарий ва амалий ўқитиш методлари асосида тузилган. Ўқув қўлланманинг асосий мақсад ва вазифаси, бўлажак архитектор-дизайнер шаклланишида архитектуравий лойиҳалашнинг ижодий жараёни санъат, техника ва фан билан боғланган ҳолда содир бўлишини ҳисобга олиб, муайян мисоллар таҳлилида қаламтасвир ва рангтасвир ўқитиш усуллариининг ишланмаларини яратишдир.

Ўқув қўлланма 515090 – Дизайн, 5341000 - “Архитектура” ва 5340100 - “Қишлоқ ҳудудларининг архитектура – лойиҳавий ташкил этиш” ўқув йўналишининг бакалавр-талабалари учун мўлжалланган. Ушбу ўқув қўлланма билан шу соҳа мутахассислари ҳамда бошқа бадий соҳа йўналишда таҳсил олаётган талабалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланмада хорижий тажрибани ўрганиб чиқилган ҳолда одам қоматини ва интерьер тасвирларини бажарилиши бўйича методик тавсиялар келтирилган.

Қўлланмада штрих чизигини тушириш хусусиятлари, ҳажимларни етказиш, ранг ва тўндан келиб чиққан ҳолда ранглари тўғри қўшиш каби схема ва тасвирлар мисол қилиб келтирилган. Бу ерда тасвирни тўғри вароққа жойлаштириш, бадий асарни тузиш, шуниндек фазовий ва ранг перспективасини етказиш қонун қоидалари кўриб чиқилган.

Қўлланма кўргазмали материал сифатида “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” кафедрасининг талабалари томонидан бажарилган ижодий ишларини ўз ичига олган.

Такризчилар:

Архитектура фанлари доктори, профессор

Д.А.Назилов

Низомий номли ТДПУ “Тасвирий санъат ва кафедрасининг мудири, доцент

Р.Ш.Халилов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил, 24-августдаги 603-сонли буйруғига асосан ўқув қўлланмасифатида нашр этишга рухсат берилди (гр.№ 603-070).

© **TAQI-2017**

КИРИШ

Устувор аҳамият касб этган маънавий қадриятлар жамият тараққиётининг равон йўлидир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишида ижобий натижалар бермоқда. Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” муҳим тарихий ҳужжат бўлиб, унда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу тизимни дунёнинг илғор, демократик давлатлари даражасига етказиш ва ёш кадрларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда, чуқур билим эгаси қилиб тарбиялаш мақсади қўйилган.

Маълумки, замонавий жамият, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларининг кенгайиши натижасида таълим оммавийлигини ўсиши билан характерланади.

Таълим оммавийлигини ўсиши педагог касбини оммавийлигини ўсишига олиб келади. Аммо маълумки, педагог касби энг мураккаб касблардан бири ҳисобланади. Ҳақиқий педагог бўлиш учун бундан ташқари педагогик қобилият ҳам зарурдир. Педагогик қобилиятли кишиларнинг сони чекланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим тизимига, бу қобилиятга тўла эга бўлмаган кўп сонли кишилар қамраб олинаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Юқори суръатларда ривожланаётган фан, техника ва технологиялар шароитида, замонавий жамиятда, педагог касбининг янада мураккаблашувини қайд этиш зарурдир. Илмий техник тараққиётнинг жадаллашуви, илмий-техник ахборотларнинг жадал ўсишига ва янгиланишига олиб келди, бу эса ўз навбатида кўчкисимон кўринишга эга бўлади. Дунёда ҳар йили юз минглаб китоблар журналлар чоп этилади, юз минглаб диссертациялар ҳимоя қилинади, Интернет глобал тармоғидаги ахборотлар оқимини амалда ўлчаб бўлмайди.

Оммавий таълимнинг бундай шароитида, қандай қилиб замонавий талабларга, таълим стандартлари талабларига мос мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш мумкин?

Кейинги вақтда бошқа соҳаларда бўлгани каби, олий таълим тизимида ҳам кўпгина амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёшларни баркамол этиб тарбиялашда тасвирий санъат, хусусан “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фани алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, олий ўқув юртларида ўқиётган махсус фанларнинг чуқур ва асосли бўлишини тақозо этади, педагог, олим ва рассомлар зиммасига юксак масъулият юкланади.

Жамият ва давлат ўзлигини англаган, ватанпарварлик туйғуси билан миллат, халқ манфаатлари, ижтимоий, иқтисодий, маданий равнақи учун масъулиятли, илмий билим, меҳнат ва касб-кор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллаган, руҳий соғлом, жисмонан етук, умуминсоний ва миллий хулқ-атвор нормаларини ўз онги ва фаолиятида мужассам этган маънавий маданиятли шахсни тарбиялаб етиштиришдан манфаатдордир.

“Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” таълимини янгилаш, Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик фанларида содир бўлган ўзгаришлар моҳиятини англаган ҳолда, уларга хос хусусиятларни ҳисобга олиб амалга ошириш кутилган натижаларни беради. Ҳозирги замон талаби аввало, мустақиллик миллатимиз “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик фанига” хос бўлган етакчи йўналишларни белгилаб, бу фаннинг тараққиёт тенденцияларини бадиий ижодий жиҳатдан асослаб берди. Янгиланган тафаккур меваси бўлган “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фани, фанлар орасида қандай ўрин тутди ва уни йўлга қўйишнинг бадиий ижодий асослари нималардан иборат бўлиши керак деган саволга шундагина тўғри жавоб топиш мумкин бўлади. Чунки ижтимоий ўзгаришларнинг “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фанидаги янгиланишлар таълимни ташкил этишида тўлиқ акс этиши аниқ.

Янгиланган педагогик тафаккур ва олий таълим муассасаларида “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фанини ўқитишнинг бадиий ижодий асослари янгиланаётган миллий “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фанининг талаблари асосида таълим жараёнида рўй берган, бераётган ва бўлиши муқаррар ўзгаришларнинг асосий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштиришга эҳтиёж туғилади. Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик фанининг ўзак масалаларини ҳал этмай туриб, унинг хусусий муаммоларини тўғри ечиб бўлмайди-ки, айнан мазкур жараён орқали шахс маънавияти шакллантирилади.

Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик фанларини ўқитишнинг асосларини белгилаш, фаннинг мақсади, вазифалари ва мазмуни тушунчаларини янгича педагогик тафаккур нуқтаи назаридан изоҳлаш, таълим жараёнида ўқувчи ўқитувчи муносабати характерини кўрсатиш, Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик дарслари талаба-ўқувчилар маънавиятини шакллантириш воситаси эканини асослашга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Янгиланаётган “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фани миллий асосларга таяниши, ўзига хос руҳият соҳиби бўлмиш халқ вакилари билан, алоҳида қадриятлар тизимига мувофиқ яшаётган кишилар қатлами билан иш кўраётганини ҳамиша ёдда тутиши лозим. Бу нарса асосий тушунчаларни белгилаш ва бадиий таълим-тарбиянинг мазмунини талқин этишда ҳам, тажрибаларга муносабатда ҳам, меросга ёндашишда ҳам, тарбиявий тадбирларнинг ижодий, руҳий-жисмоний асосларини тайин қилиш, назарий қарашларни амалиётга тадбиқ этишда ҳам беистисно ҳисобга олиниши керак бўлади. Конкрет адресати бўлмаган педагогика яқин ўтмишда бўлгани сингари муваффақиятсизликка маҳкумдир. Педагогик тадбирлар, тарбияшуносликка доир қарашлар фақат миллий асосларга таянилгандагина, таълим-тарбия объектлари ва субъектларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўра билгандагина ўз олдига қўйган натижаларга эришмоғи мумкин.

Чунки педагогик тадбир умуман одамларга эмас, балки муайян миллатга мансуб конкрет одамларга тадбиқ этилади. Муайян миллат дунёга бугун келгани йўқ ва ўзининг тарихий умри давомида ўзига хос ижтимоий тажриба тўплаган, маънавий қадриятлари, жойлашган ўрни, иқтисодий, сиёсий ва маданий шароитга мувофиқ руҳиятлар тизимига эга. Педагогика ўзи сингдирмоқчи бўлган сифатларни ана шу тажрибалар, қадриятлар, психологиядаги ўзига хосликлар устига курсагина бирор ижобий натижага эришади.

Ушбу қўлланманинг концептуал асослари “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” ўқув курсини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур курснинг тузилмаси келтирилган ҳамда курс бўйича ўқитишнинг мазмуни очиқ берилган.



ІБОВ

ҚАЛАМТАСВИР БҰЙЫЧА ИШЛАНМА ВА АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАР

*«Ёшлар ўзларини илм-фан,
тасвирий санъатда синамоқчи
бўлсалар, аввало расм чизишни
мукаммал билмоқлари лозимдир».*

Леонардо да Винчи.

§1.1. Архитектурaviй таълимда қаламтасвири ўқитиш мақсадлари

Қаламтасвир – барча тасвирий санъат турларининг асоси ҳисобланади. Инсон санъатнинг қайси турининг бирида ижод қилишидан қатъий назар, қаламтасвирга асосланади. У ўзининг кузатишлари, катта асар композициялари устидаги изланишларини аввал қаламда дастлабки чизгилар билан ифодалайди. Шу каби архитектор-дизайнер ҳам ўз лойиҳасини бажаришдан олдин, ғоясини авваланбор варағга тушириб олади, ушбу бажарилган чизгилар унга ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, қаламтасвирсиз ҳеч бир ижодкор инсон ўз асарини етук ҳолга келтира олмайди.

Қаламтасвир бошқа санъат турлари орасида мустақил равишда тугалланган дастгоҳли санъат асари ҳам бўлиши мумкин. тушь, сангина, пастель, соус, қалам билан бажарилган кўплаб картиналар жаҳоннинг турли санъат музейи ва кўргазмаларидан жой олган.

Қаламтасвир машғулотлари кўриб-кузатиб, тўғри тасвирлаш, борлиқни идрок этиш, кўл, онг ва сезги оргинларини шакллантиришда нафақат бўлажак архитекторга, балки турли касб соҳасидаги кишиларга зарурдир.

С.В.Тихонов ўзининг меъморчилик ОТМ учун мўлжалланган “Қаламтасвир” дарслигида шундай ёзиб ўтган: «Қаламтасвир техникасига эга бўлган архитектор атроф муҳитни бепоён бойлигини англаб этиш билан бирга уларни амалга оширишни бадий-меъморий, илмий, техник йулларини ҳам ҳам ихтиро қилади”. Борлиқни реалистик тасвирлаш талабаларга нафақат амалий билимларни берибгина қолмай, балки уларнинг умумий дунёқарашларини ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Реалистик тасвирлаш санъати, шунингдек ёшларда борлиқни ҳаққоний образларда ифода этиш маҳоратларини ривожлантиради.

Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг ҳажмини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга, уларнинг эстетик дидларини ҳам ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш принципида қурилгандир. Табиатга муҳаббат ва кузатувчанлик, буюмларни тўғри тасвирлаш каби фазилатлар ҳар бир тасвирий санъат билан шуғулланадиган талабаларга хос бўлмоғи керак.

Бу кўникма ва малакалар талабанинг олий ўқув юртининг барча босқичлари давомида билим олиш вақтида ўқув машқларини бажариш орқали ривожланади ва такомиллашиб боради. Шунингдек, ушбу билимлар бўлажак архитектор-дизайнер олийгоҳни тугатгандан сўнг, ижодий иш жараёнида ҳам муҳимдир.

§1.2. Қаламтасвир бажарганда қўлланиладиган жихозлар

Қаламтасвирда ашёвий восталар қоғоз, қаламлар, резинка (ўчирғич), кўмир, пастель, перо ва бошқа асбоб ускуналар ёрдамида тасвир амалга оширилади.

Қоғоз танлаш.

Бажарилаётган ишга қараб қоғоз танлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қоғоз турлари ҳар хил бўлиб, ҳар хил мақсадларга мўлжалланган. Қоғозлар сифати ва вазифасига қараб қуйидаги маркаларда ишлаб чиқарилади: В, Ф, А, О, турларидир.

В - бадиий ишлар кўргазмаси учун.

Ф - гравюра тайёрлаш ва тушда ишлаш учун.

А - акварель бўёқда ишлаш учун.

О - у мумий ишлар учун.

Қоғозлар рулонларда ва бўлақларга қирқилган ҳолларда (210x297; 240x287; 420x594; 594x841; 640x878 миллиметрларда) ишлаб чиқарилади.

Рулон қоғозлари буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи билан келишилган ҳолда ғадир-будирли ёки силлиқ ишлаб чиқарилиши мумкин. Чизмачилик қоғозидан ташқари, эскиз қоғози ишлаб чиқарилиб, акварель бўёқда, қаламда ва кўмир қаламда ҳам ишлаш мумкин.

Эскиз қоғози чизмачилик қоғозига ўхшаш бўлиб 130x190 ва 190x270 миллиметр ўлчамларида тайёрланади.

1. Қоғозларга қўйилган талаблар:
2. Сувланган қоғоз қуриганидан кейин деформация бўлмаслиги;
3. Қоғоз ранги оқ бўлиши ва кўп йиллар давомида рангини ўзгартирмаслиги;
4. Қоғоз юзаси хира бўлиб; майда, ўрта, йирик ғадир - будирли ва силлиқ бўлиши;
5. Қоғоз қаламда ишлаб ўчирғич билан ўчирганда думалок шаклда титилмаслиги керак;

Қаламтасвир учун қаламлар:
Қачонлардир қалам ўрнида кўргошин, кумуш таёқчалари бўлиб, етарли даражада қоғозда аниқ штрих излари қолдирган. Бундай қаламлар билан хомаки аламтасвирлар ажарилиб, Уйғониш давридан бизга етиб келган.



Шунинг билан бирга Италия қалами куйдирилган суяк ва ўсимлик елими билан аралаштириб тайёрланган. Бугунги кунда ҳам замонавий рассомлар италия қаламидан фойдаланиб келмоқдалар. Қурғошинли ва кумушли қаламлар XIX асргача ишлатилиб келинган. Сангина ва пастель таёқчасини ҳам қалам дейдилар.

Графитли қалам. Графит қалами ҳақида 1564 йилда минерал ҳақидаги кўлёзмаларда ёзиб қолдирилган. Шу вақтга келиб Англияда, Кемберленда графит конлари очилиши билан боғлиқ бўлиб, графитни қаламчаларга кесиб ишлата бошлаганлар. Графит қаламчалари кўлни ифлос қилиб, тез синиб қолиши каби камчилиги бўлган. Шундан кейин графит қаламчаларини тасмалар билан ўраб, тугагунча ишлатилган.

XVIII аср хирид чех И.Гартмурт графитга лой аралашмасини кўшиб куйдириш йўли билан қалам учун тержен (ўзак) тайёрлаган. Шу ҳолда бугунги кунда ишлатилаётган замонавий графит стерженларнинг ҳар хил каттиқликдагилари тайёрланган.

Француз олими Н.Контъе бир вақтнинг ўзида графит стерженини такомиллаштириш билан бирга уни ёғоч ғилофга солиб елимлашни таклиф этади. Тез орада Европа мамлакатларида қалам ишлаб чиқариш фабрикаси пайдо бўла бошлади. Стерженли қалам 18 см унликдагиси 55см ёки 45000 сўз ёзишини ҳисоблаб чиқишган. 1846 йили ўн етти каттиқлик даражасидаги такомиллашган қалам ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги пайтда қалам уч асосий гуруҳи: қора графитли, сиёҳ қалам ва рангли қаламлар ишлаб чиқарилади. Улар қаттиқ ва юмшоқ; Т, МТ, М, чет элда -Н, НВ, В ҳарфларда, олдинга рақам кўрсатгичи билан жами 15 гуруҳда белгиланади.

Қаламларни мақсадли ишлатилишига қараб мактаб ўқувчилари учун, девонхона, чизмачилик ва чизматасвир турлари (дунё бўйича 370 га яқин турда ва 70 дан ортиқ рангли қаламлар) ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги вақтда Россияда «Конструктор», «Орион», «Маяк», «Светокогия», «Люмограф», «Архитектор», «Смена», «Комсомолец» номларда қаламлар ишлаб чиқарилади.

Қалам юмшоқлик даражаси М (мягкий) ҳарфи билан белгиланиб, 2М, 3М ва бошқа турларда. Катта М ҳарфидан олдинги сон қаламни қаттиқ, юмшоқлигини бмлдиради.

Қаттиқ қаламлар Т (твёрдый) ҳарфи билан белгиланади, 2Т, Т га нисбатан қаттиқроқ, 3Т 2Т га нисбатан янада қаттиқроқ ва шу кабиларда.

Одатда қаламтасвир ўртача юмшоқликдаги қалам билан (ТМ ёки М) бошланиб, кейинчалик 2М ва 3М номерли юмшоқроқ қаламда давом эттирилади.

Қалам танлаш қоғоз сифатига қараб ва рассомнинг ўз олдига қўйган ижодий вазифасига боғлиқ. Масалан, тез ишланадиган ҳомаки қаламтасвир учун юмшоқ қалам ўнғай, узоқ муддатли қаламтасвир ярим ватман қоғозга Т ёки ТМ қалам билан штрихлашни бошлаш мумкин. Силлиқ қоғозга юмшоқ қалам, ғадир - будирлироқ қоғозга ўртача юмшоқликдаги 2М қалами ишлаш учун ўнғай бўлади.

Оддий қаламлардан ташқари «Ретуш» қалами ҳам ишлаб чиқарилиб, Италия қаламини эслатади. «Ретуш» қалами тўрт номерда: №1 - жуда юмшоқ, №2 - юмшоқ, №3 - ўртача қаттиқ, №4 - қаттиқ турлари мавжуд.

«Ретуш» қалами стержени майдаланган қайин дарахти кўмири, лой ва унча кўп бўлмаган газ қуруми аралашмасидан тайёрланади. «Ретуш» ёғли

Қаламтасвир кўмири таёқчалари



Прессланган қаламтасвир кўмир қаламчаси



“Ретуш” қалами

қора ранг беради ва яхши қорайтириш хусуиятига эга. Бу қаламлар узок муддатли қаламтасвир учун яроқсиз бўлиб, ўчирғичда ўчирилган жойини ретуш билан ишлаб бўлмайди. «Ретуш» қаламида бажарилган қаламтасвирни фиксатив билан мустаҳкамлаш шарт эмас. «Ретуш» қора қаламидан ташқари яна «Живопись» 2Т, 4М маркали рангли қаламлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Рассомлик амалиётида картон ишлашда (композиция учун ёрдамчи чизматасвир) «Маркировочный», «Столярный» қалами графити узунлиги билан ўнғайлидир.


Қаламтасвир қумири

Россияда пўсти олинган мажнун тол шохчаларини қуришиб, ҳавосиз куйдирилиб прессланган кўмир тайёрланади. Куйдириш 300 градус темпиратурада 3-5 соат давомида этади.

Қаламтасвир кўмирини ўзингиз ҳам тайёрлашингиз мумкин. Бунинг учун майда шохча таёқчаларини баландроқ консерва банкасига тик жойлаштириб ҳавосини камайтириш мақсадида кум билан тўлғазилади ва оловда куйдирилади. Куйдириш жараёни 3-5 соат давом этади ва кейин баякани бир сутка давомида очмасдан совутилади. Яхши куйдирилмаган таёқча кулранг из қолдириб қоғозни тирнаши мумкин. Қаламтасвир кўмири илиқ қорамтир рангда бўлиб, холстга, қоғозга, картонга енгил ётади. У тўқ қорадан оч кулранг тусгача из қолдиради. Қаламтасвир кўмири таёқчалари узунлиги 10 мм ва диаметри 4 мм, 50 донадан қутичага жойлаштириб ишлаб чиқарилади.

Прессланган қаламтасвир кўмир қаламчаси..

Россия корхонаси томонидан прессланган қаламтасвир кўмир қаламчаси ҳам ишлаб чиқарилади. Уни қайин дарахтини куйдириб жуда майда кукуни (кули) (50% дан 72%), қолгани лой (26% дан 50%) газ куруми (3-8%) ва бироз ултрамарин (3-5%) аралаштириб тайёрланади. Куйдириш эса 500-800 градусда 2-4 соат давом эттирилиб, ҳар хил қаттиқликда тайёрлаш мумкин. Туси таркибига қараб ўзгаради.



Прессланган кўмир табиий кўмирга нисбатан қорамтир тус беради.


Прессланга кўмирни бир томонлама 45 градус бурчак остида ўткирланиб, нозик ва йўғон чизиклар чизиш мумкин. Прессланган кўмир таёқчаси узунлиги 110мм, диаметри 8мм бўлиб, қутичада 10 донадан ишлаб чиқарилади.

Иш жараёнида махсус ўчирғичда қоғоз юзида думалатиб ўчириш мумкин. Кўмирни қоғозга ишқалаш мумкин эмас. Вақт ўтиши билан прессланган кўмирда бажарилган қаламтасвир қораяди. Кўмир билан ишлишда ғадир-будирли қоғоздан фойдаланганда кўмирни яхши ушлаб қолади.

Ўчирғич.

Ўчирғич юмшоқ хили (қалам учун) графит қалам штрихларини ўчириш учун ва каттиғи сиёҳни ўчириш учун турлари бўлади.

Қалам ўчирғичи юмшоқ бўлиб, 6М ва 5М юмшоқ графит штрихларни ва кўмирда бажарилган қаламтасвирни ўчириш учун ишлатилади. Ўртача юмшоқликдаги ўчирғич қолган графит қалам изларини ўчиришга хизмат қилади. Ўчирғич бир тусли рангда ва икки қатламли: шакли - тўғри бурчакли, учбурчакли, ромб шаклида, думалоқ ва бошқа турларда бўлади. Ўчирғични бир томонини





қия кесиб, нозик жойларни ўчиришга қулай қилинади.

Ўчирғич бир неча номерда ишлаб чиқарилиб ўлчамлари билан фарк қилади. Тўғри бурчакли резинкалар №1 ва №2 оқ ва тўқ кулрангдагилари мактаб ўқувчилари учун.

Корхона томонидан ишлаб чиқилган резинкалар орасида қаттиқлари ҳам учраб туради. Бундай ўчирғичлар сифатини яхшилаш учун уни 1-2 суткага бензинга ёки 3-4 суткага керосинга ёки №2 эритма(разбавитель)га солиб қўйилади. Кейин резинкани эритмадан чиқариб тозаланади ва иссиқ сувга 1-2 соат солиб қўйилади, ана шунда бензин ва керосин ҳиди йўқолади. Резинка бироз вақт ўтгандан кейин яна қаттиқ бўлса, уни алмаштириш лозим.

§1.2.1 Графит қаламни қўллаш, Штрих чизиқни тушириш машқлари



Ёзиш ва чизиш ҳаракатлари ўхшаш бўлгани сабабли, кўпчилик қаламни ручка каби катта, кўрсаткич ва ўртанча бармоғларини орасида мустаҳкам шлаб олишни оддий ҳолат деб ҳисоблашади. Бундай ҳолат штрихлашда майда ва аниқ чизиқларни

бажариш учун жуда қулай бўлсада, натижада яратилган тасвир тиғиз ва зеркарли бўлиб қолиш эҳтимоли бор. Қаламни ушлашда турли хил усулларидан фойдаланиш мукин. Мисол учун: қаламни учидан узоқроқ ушлаш, тасвирни жонли чиқишига ёрдамлашади. Бундай усул чўзилган қўлда ишлаш учун энг қулай усулдир. Тўқ, кескин ва ғайратли чизиқ чизиш учун кўрсаткич бармоғни қаламни устига қўйиб уни зич қоғозга босиб чизинг.

Шундай чизикни чизиш учун қаламни ушлаш яна бир усули катта бармоқ билан вароққа босиб ишлашдир.

Штрих чизик.

Штрихлашни мустаҳкам кўникмаларини ортириш мақсадида уларни турли ҳил йуналишларда туширишни машқ килиш лозим. Бунда қўл ҳаракати тезлигига эришишга шошилиш керак эмас.

Аввал бир меъёрда туширилган штрих чизикларини шошмасдан тушириш керак, кўникма мустаҳкамлангандан сўнг тезликни ошириб бориш мумкун. Штрих чизикларини тепадан пастга тушириб бориш лозим. Бунда улар, кўйилга вазифадан келиб чиқган ҳолда, текиз, қия, оч, ва тўқ бўлиши мумкин. Масалан: ёруғлик-соя нисбатларни олдинга чиқариш мақсадида штрих чизикларини аник ва тўқ килиб тушириш керак. Бунда чизикни бошланиши тўқ бўлиб, уни якунланиши ингичка ва очроқ бўлиб кетади.

Бундай чизиклар ҳар ҳил бурчакларда бажарилади. Штрих чизикларни устма-уст тушириб ҳам тонни кучайтириш мумкин. Машқ давомида штрих чизикларини орасидаги масофани ўзгаритириб бажариш мумкин.

§1.3. Ўқув фанининг вазифалари

“Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фани дастурида қаламтасвир бўйича вазифаларини берлиши архитектор ва дизайнерлар учун ҳар ҳил. Архитекторлар учун фаннинг қаламтасвир бўлими биринчи семестр дастурини ташкил этиб ва шу билан бошқа ўқитилмайди, дизайнерлар учун тўрт йил давомида қаламтасвир ва рангтасвир вазифалари ўзаро алмашиб келади. Албатта ушбу жараёнда вазифалар ҳар машғулот мурракаблашиб, талабалардан доимий равишда ўтган мавзунини мустаҳкамлаб боришни талаб этади. Бошланишида дастур содда геометрик шаклларни конструктив қурилишини ўз ичига олди ва дизайнерлар учун интерердаги мурракаб икки фигурали композиция, архитекторлар учун интерьерни турли ҳил график жиҳозларда бажариш билан якун топади.

Икки йўналиш учун умумий бўлган баъзи бир қаламтасвир вазифаларини бажариш босқичларини кўриб чиқамиз.


§1.3.1 2-3 геометрик шакллардан иборат натюрмортни ёруғлик-соя тасвири

Перспективанинг умумий қоидалари.

Перспектива қўлланган тасвирларни қадимги Юнон ва Рим санъатида учратса бўлади, лекин у даврлар илмий асосланган перспектива қоидаларининг тизими бўлмаган ва бу тасвирлар анча ноаниқликларга эга бўлганлар. Фақат Уйғониш даврида илк перспектива назарияси Брунеллески, Леонардо да Винчи, Альберти, Гиберти, Дюрер каби шу давр буюк аллома, муссавир ва архитекторларнинг меҳнати натижасида вужудга келди. Шу даврдан бошлаб ҳозирги пайтгача перспектива тасвирий санъат ва меъморчилик амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда ва одам анатомияси каби бадий таълимотининг дахилсиз қисми бўлиб қолган.

Қаламтасвирда перспектива.

Перспектив тасвир марказий проекцияга асосланган. Бундай проекциялашни мазмуни фазодаги бирон-бир нуқта (қараш нуқтаси ёки проекция маркази) фазодаги буюмнинг нуқталари билан проекция чизиқлари (ўқлари) орқали боғланади.



Ушбу тараф картина текислиги билан кесишиб буюмнинг проекциясини ҳосил қилади. Бу перспектив тасвир деб номланади. Агар буюм тўғрибурчак шаклга эга бўлса, проекциялаш нурлари пирамида шакли, агар айлана бўлса, конус шаклини ҳосил қилади.

Перспективанинг умумий қоидалари:

1. Катталиги бир ҳил бўлган буюмлар перспектив тасвирда кузатувчидан қанчали узоқ ёки яқин бўлганига нисбатан ҳар ҳил катталида бўлади. Кузатувчига яқинроқ жойлашган буюм каттароқ, узоқроқдаги буюм кичикроқ кўринади.

2. Кузатувидан узқашаётган параллел чизиқлар уфқ чизиғида жойлашган туташи нуктасида туташади. Рис.4

3. Перспектив тасвирда вертикал чизиқлар вертикал ва бир-бирига параллел бўлиб қолади. Фақат бу чизиқлар учун қўшимча туташи нуктаси бўлсагина улар шу нуктага интилиб туташиб ҳаракат қилади.

Асосий термин ва тушунчалар:

Қараш нуктаси (S) – кузатувчини кўзларида бўлиб тасвирланаётган буюмлардан чиққан нурлар туташган жойи.


Кўриш бурчаги (α) – Буюмдан келаётган иккита энг четки проекцион нурлар орасидаги бурчак. Агар картинада иккита ва ундан ортиқ буюмлар бўлса бу бурчак энг четдаги буюмларнинг четидан келаётган нурлар орасидаги бурчак. Қараш бурчаги 28° - 37° орасида бўлиши керак.

Уфқ (И) – Кузатувчининг кўзини қаршида жойлашган тасаввурдаги горизонтал текислик.

Картина текислиги (К) – Тасвирланаётган буюм ва қараш нуктасини орасидаги текислик,

Уфқ чизиғи (НН) – Уфқ текислиги ва картина текислиги туташган чизиқ.


Туташ нуқтаси (тс) – горизонтал текисликда жойлашган параллел чизиқлар туташган уфқ чизиқидаги нуқта.



Перспектив тасвирлаш усули бошқа тасвирлаш усуллариغا қараганда инсон томонидан буюмларни реал идрок этишга яқиндир, лекин аниқ тўғри келмайди. Ташқи дунё буюмлари инсон кўзида ботиқ текисликга проекцияланади, расм текислиги эса текис. Бундан ташқари, кўз буюмларни доимий ҳаракатда, икки қараш нуқтасидан қабул қилади, перспектива назариясида таъкидлангандек битта нуқтадан эмас. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, қараш жараёнида нафақат кўзлар балки бутун мия унинг яхшилаш қобилияти билан иштирок этади.

Перспективани икки кўриниши: фронтал ва бурчакли.

Перспективани иккала тури буюмларни тасвирлашда ҳам, қурилишида ҳам ўзига хос хислатларга эга. Агар тасвирланаётган буюмларнинг текисликлари картина текслигига параллел бўлса фронтал перспектива, агар тасвирланаётган вертикал текисликлар тасодифий бурчак орқали картинага нисбатан жойлашган бўлса бурчакли перспектива қўлланилади. Фронтал перспективани бажариш осонроқ, аммо унда сезирарли ўзгаришлар мавжуд, айниқса тасвирни чека томонларида. Бурчакли перспектива мураккаброқ,



лекин унда кескин ўзгаришлар сезилмайди шунинг учун айнан шу усул архитектуравий қаламтасвирда кенг қўлланилади.

Перспективали тасвирда чизиқ.

Перспективали тасвирда асосий тасвирлаш воситаси бўлиб чизиқ хизмат қилади. Чизиқни бош вазифаси бу тасвирга аниқ ва тушунарли қилиб, буюмларни конструктив қурилиши ва уни фазода жойлашишини кўрсатиб бериш. Бу вазифани тўғри бажаришга нафақат геометрик шаклларни қурилишини тушуниш, балки бу жараёнда чизиқни имкониятларини қўллай

олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Уни ёғонлиги ва тўқлиги тасвирдаги ўрнidan келиб чиқган ҳолда ўзгариши лозим.

Масалан, кўринадиган текисликларни чегараларида чизик тўқроқ, кўринмас қирраларда, қурилиш чизиклар очроқ бўлиши керак. Тасвирда ҳаво перспективасини етказиш мақсадида узоқлашган буюмланги оч ва енгил чизикларда чизиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Перспектив тасвирда композиция.

Композиция «compositio» латинча сўзи бўлиб, қўшиш ва таққослаш, яхлитликка олиб келиш маъносини англатади. Ижодий томондан – бу асосий ғояни ифодалайдиган асарни туркуми, техник томондан – бўлакларни ўзаро жойлашиши ва уларни уйғунликда боғлиқлиги.

Қаламтасвир бошқа санъат турлари сингари ҳам композиция қонунларига бўсунади, аммо фақат қаламтасвирга хос қоидалар ҳам бор. Табиат ва архитектурада пропорциялар ҳақида таълимот, симметрия, ритм, статика ва динамика, ҳамда перспектива қонунлари ушбу қоидаларни ташкил этиди. Тафаккур бу қоидаларни амалиётда, композиция тузиш жараёнида қандай ижодий қўллаш йулини кўрсатиб боради.

Композиция қоидалари.

1 Қисм ва яхлит шакли, пропорциялар уйғунлигини белгилайдиган, одам гавдаси ва бошқа турли ҳил табиий шакллардан келиб чиқган симметрия қоидалари.

2. Мувозанат қойдаси – тасвирни қарамақарши, оғирлиги бўйича бир ҳил бўлган томонларни бирлиги.

3. Композицияни пластик ечимида статика ва динамика (ҳаракат ва ҳаракатсизлик) қоидалари.

4. Ритм қоидалари – ёруғлик ва соя, жарангдор ва жарангсиз, катта ва кичик шаклларни алмашувининг қонунияти.

5. Турли ҳил композицион ечимларга мувофиқ перспектива қоидалари.

7. Масштаб - асл катталигига мувофиқ катталаштириш ва кичиклаштириш чора йўллари.

9 Барча йўналишларга дахлдор доимий вертикали ва горизонтал чизиклар.

Вароққа жойлаштириш.


Тасвирни вароққа тўғри жойлаштириш барча композиция учун муҳимдир. Хатто жуда яхши бажарилган тасвир, вароққа нотўғри жойлашган. бўлса у ўсининг кадр қийматини йўқотади.

Вароққа бирон бир нарсани (геометрик шакл, ёки гипс каллани) тасвирлашдан аввал уни ўлчамларини тўғри танлаб олиш керак, сўнг тасвир вароқни ўртасидан бир оз баландроқга жойлаштирилади, бунда пастдан қолган масофа каттарок, тепадан кичикроқ бўлади.





Тасвирланаётган нарсаларни сонини кўпайиши, ҳамда вароқ четидаги хомаки тасвирлар композицияни мураккабланишига олиб келади ва рассом олдида яна бир масалани – асосий ва иккинчи даражали бўлакларни ўзаро боғлаш. Тасвирда муҳим бўлган нарсалар марказий ўринни эгаллаши, вароқ бир меъёردа тўлдирилиши, тасвир вароқ четига келиб қолмаслиги лозим. Ишнинг бошида вароққа жойлашадиган композицияни пухта ўйлаб олиш керак. Агар келажак тасвирни катта вароққа жойлаштириш сизда қийинчилик уйғотган бўлса, аввал эскиз қилиб олинг. Эскиз жуда кичик бўлмасин, акс ҳолда уни катта вароққа хатосиз кўчириш қийин бўлади. Эскизда келажак расмни умумий пропорцияларини, алоҳида бўлакларини катталигини ва вароқда жойини топиш, уфқ чизигини, асосий горизонтал чизигларини йуналишини, туташ нуқтасини аниқлаш каби асосий композицион масалаларни ечиш мумкин.

Келажак расмни элементларини кичик масштабда тасвирланг ва сўнг уни катта вароқ пропорцияларига мувофиқ рамкага ичига олинг. Тўғри композиция излаш жараёнида сиз бу рамкани, пропорцияларини сақлаган ҳолда суришингиз, кичиклаштиришингиз ёки катталаштиришингиз мумкун.

Эскизни катта варокқа кучирганда, варокни диагонал чизиклари туташган марказий нуқтасидан фойдаланинг. Бу нуқта алохида тасвир элементларининг ўрни ва ўлчамларини аниқлашга ёрдам беради.



РАСМ



2-3 геометрик шакллардан иборат натюрмортни ёруғлик-соя тасвирини яратиш босқичлари.

1. Фазони чуқурлигига узоқлашаётган буюмларни ўзаро жойлашишини, пропорцияларини аниқлашга ёрдам берадиган композицияни эскизини яратинг. Унда умумийлашган, перспектив қисқаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир геометрик шакилни чизинг.

Шу босқичда композицияни вароқдаги катталигига ва эгаллаган жойига алоҳида эътибор беринг. Теккисликда турган нарсалар гуруҳининг тасвири бўлгани учун тасвирдан вароқни тепасигача масофа бир оз каттароқ, чап ва ўнг томондаги баравар бўлиши керак.

2. Қуришни бошлашдан аввал, бажарилган эскизни катта вароққа кўчиринг. Натюрмортни компоновка қилиш жараёнида яна бир мартда уни бўйи энига нисбатан пропорцияларини аниқланг. Агар эни бўйига нисбатан каттароқ бўлса унда вароқни горизонтал, агар бўйи энига нисбатан каттароқ бўлса унда вароқни вертикал олиш керак. Агар композициянинг жойлашиши квадрат шаклида бўлса, унда вароқни горизонтал ҳам, вертикал ҳам олиш мумкун.



3. Сўнг композицияни ташкил қиладиган геометрик шаклларнинг пропорцияларини аниқлаб, уларни фазовий планларга жойлаштириб чиқинг. Олдинги нарсалар бир оз пастроқ, узоқдаги нарсалар тепароқ жойлашади. Нрсаларни пропорцияларини ва уларни орасидаги масофаларни тўғри топиш учун, бирон бир нарсани томонини ўлчам бирлиги қилиб олинг. Шу ўлчам бирлиги билан сиз тасвирни қуриш жараёнини охирига қадар фойдаланишиз мумкун.




4. Уш босқичда сиз шаклларнинг перспективада бўлган кўринишини тасвирлайсиз. Геометрик шаклларни босқичма босқич бир гуруҳ қилиб тасвирлаш лозим: катта умумий шаклдан, композицияни ташкил этувчи барча буюмларни индивидуал хусусиятларигача. Ишни бошидан буюмларни жойлашишини белгилайдиган асосий ўқ чизикларни белгилаб олинг. Шар,

конус, цилиндрларни тасвирлашда қиррали шакллардан, айланма жисмларгча усулни ўлланг. Қурилиш чизиқлари ингичка бўлиши лозим.

5. Буюмларни боғликлиги кўрсатилганми, уларни ўзининг ва ўзаро пропорциялари сақланиб келинганми, шу каби композицияни муҳим жиҳатлари тасвирда тўғри бажарилганлигини яна бир мартда текшириб ўтинг. Буюмларни конструкциясини кўсатиш мақсадида зарур бўлган кесимларни кўрсатинг. Яқиндаги нарсаларни контурларини ёғонроқ қилиб чизиб чиқинг.

6. Композициянинг ёруғлик-соясини кўрсатишга ўтинг. Штрихлашни композициянинг энг тоқ сояларидан бошланг, сўнг ярим сояларга ўтинг. Бу жараёнда буюмларни устидаги ва буюмлар аро сояларни сояга, ярим сояларни ярим сояга таққослаб бординг. Ёруғликни йўналишига қараб тушаётган сояларни кўрсатинг. Ишнинг давомида рефлекс ва бликларни аниқлаб олинг. Олдинги пландаги ёруғ-соя нисбатларини кучайтириб унга урғу беринг. Орқа пландаги нисбатларни юмшатиб бординг.








§1.3.2 Геометрик шакллардан иботат мурракаб композиция


Геометрик шакллардан иборат композицияни тузишдан аввал уни эскизини чизинг. Эскизда шаклларни пропорцияларини сақлаб боришни унутманг. Тасвирда горизонт чизиғини аниқлагандан сўнг, геометрик шаклларнинг горизонтал қирраларини қуриб олинг. Геометрик шакллар кесишган жойларида алохида эскизлар қилиб кесишган жойларини конструктив тахлил қилинг. Бу жараёнда айлана юзага эга шакллар (шар, конус, цилиндр) ва қиррали шаклларни (призма, пирамида) кесишмалари мурракаб бўлиб, рассомдан анча билим ва маҳоратни талаб қилади. Композицияни бажариш вақти чекланганлиги учун бундай кесишмаларни қўлламаганингиз маъқул. Ўрнига содда горизонтал ёки вертикал текисликлар ёрдамида тузилган кесишмаларни конструктив тўғри бажариб бориш мақсадлидир. Кичик масшдабдаги эскизда майда деталларни чизманг, бари бир унда барча композицион масалаларни ечимини топиш мушкул. Майда ва деталлашган эскизни катта вароққа аниқ кўчириб бўлмайди. Иккиламчи ва муҳим бўлмаган деталларга бари-бир жиддий ўзгаришлар киритилади, шунинг учун ҳам уларга эскиз бажариш босқичида катта эътибор беришингиз шарт эмас.

Эскизни рамкага олиб, уни катта вароққа кўчиринг. Кўчиришда муҳими эскиздаги асосий ғояни, катта ҳажмларнинг ҳаракатини йўқотмаслик. Композицияни устида ишни давом этиш жараёнида геометрик шаклларни пропорция ва ўлчамларини аниқлаб, горизонтал чизиқларни перспективада тўғри чизилганлигини яна бир мартда текшириб чиқиш лозим. Эътибор билан кўринмас чизиқларни тушириб геометрик шаклларни кесишган жойларини қуриб чиқинг. Композициянинг элементларини устида ишлаганда уларни катта ҳажмларга боғлаб яхлитлик ва уйғунликни йўқотиб қўйманг.

Тасвир аниқ, жонли чизиқлар ёрдамида енгил ёруғлик-соя ҳажмлари етказилган бўлиши керак.







§1.3.3 Гипс капительнинг ёруғлик-соя тасвири

Гипс капительни ўзига қараб чизиш жараёни кейинги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Шаклни ва унинг алоҳида элементларининг конструктив тахлили.
2. Тасвирни вароққа жойлашишини ва уфқ чизиқини ҳисобга олиб қараш нуқтасини танлаш.
3. Шаклни характери, перспектива ва пропорцияларни ҳисобга олиб шаклни конструкциясини қуриш.
4. Ёруғлик-соя ёрдамида буюмни ҳажмини аниқлаш.
5. Тасвирни умумийлаштириш, натижани келтириш.


Капительнинг тасвирлашдан олдин натурани ҳар томонлама кузатиб вароққа жойлаштириш учун энг қулай кўринишини аниқлаб олиш керак. Кўриш нуқтаси қанчалик тўғри топилган бўлса, шунча тасвирни композицион ечими муваффақиятли бўлади.

Классик ордерларни тасвирлашда унинг асосий пропорцияларини бошидан тўғри аниқлаш ўта зарур. Капительнинг катта пропорциялари қанчалик тўғри аниқлангани, унинг қолган элементлари ўзаро нисбатларига боғлиқ. Пропорцияларни тўғри сақлашдан ташқари капительнинг ҳажмий-фазовий конструкциясини тўғри қуриш ҳам катта аҳамиятга эга.

Капительнинг конструкциясини қуришни абаканинг квадрат асосидан, ёки тепадаги асосининг айлана қисмидан бошласа бўлади. Бу ерда муҳими перспектива ракурсида икки боғловчи элементни тўғри қуришдир. Нотўғри қурилган квадратга айланани элипсини мослаб чизишга йул қўмаслик керак. Бу кейинчалик барча элементларнинг умумий шаклни нотўғри қурилишига олиб келади. Модельни ракурсидан келиб чиққан ҳолда унинг перспектива қонунларига таяниш керак. Агар капитель горизонт чизигидан баландроқ жойлашган бўлса, бу ҳолда баланддаги элипслар пастдагиларга қараганда каттароқ бўладилар. Катта қисмларни деталларга нисбатан пропорцияларини аниқлаганда, уларни ўзаро жойлашишига ҳам этибор беринг.


Сўнг енгил чизиқлар билан зарур бўлган эллипсларни кўриб чиқинг. Уларни кўришда нафақат кўринадиган балки кўринмайдиган томонларни тўла чизиш, капительни тўғри хажмий конструкциясини топиш учун муҳимдир.

Капител асосий учта қисмдан иборат. Тепа қисми квадрат шаклда бўлиб “абака” деб номланади. Уни тагида “каналис”. “Каналиснинг” капитель ордерига қараб турли шаклда бўлиши мумкун. Капител ва устунни боғлаб турувчи қисм “эхин” деб номланади.




Капителларнинг учта асосий ордерлари мавжуд: дорий, ионик ва коринф ордерлари. Улар ҳилма хилигига қарамай асосида тўғри геометрик шакллардан иборат. Кўпинча – бу айланиш жисмлардир. Турли ҳил юзаларни кесишмалари мураккаб шаклларни ҳосил қиладилар, шу сабабли ўқув жараёнида капительни чизиш муҳим вазифа деб ҳисобланади.




Капительни тўғри тасвирлаш учун унинг безак элементларининг конструкциясини ва уларни катта хажимлар (“абака” ва устун цилиндри) билан боғлиқлигини тушуниш зарур. Агар безак элементларни хаёлан олиб ташласак фақат содда “абака” ва устунни цилиндри қолади. Бундай усул капительни конструктив асосларини тунушга ёрдам беради. Қўшимча деталлари кейинчалик аниқланади. Капительни вароққа жойлаштиганда аввал унга “абака” ва устун цилиндри жойлаштирилади, сўнг унга “воллюта” конструкциясини қўшиб қўйиш керак.



Капительни тасвирлашнинг якуний босқичида унга масофадан назар ташлаш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи бир композицион ва конструктив ечимидаги ҳатолар фақат узқдаги масофадан кўринади.

Бунда алоҳида эътиборни пропорциялар, перспектива, буюмнинг характери, ҳажмий-фазовий шакллар ва расмни умумий ҳолатига қаратиш керак. Барча аниқланган хатолар бартараф этилгандан сўнг капительни ёруғлик-сояси кўрсатилади. Аввал ингичка чизиқ билан тушган ва капительни ўзининг сояси аниқланади ва оч тонда штрихлаб олинади. Ишнинг давомида зарур бўлган соялар тўқлаштирилади ва деталларга ишлов берилади Шу йўл билан иш якунига етади.






§1.3.4. Одам черепини икки кўринишда чизиш

Пластик анатомия одамнинг боши ва юз шаклини тушиниш ва таҳлил этишга имкон беради. Одам бошининг расмини чизиш учун, даставал бош суягини ўрганиб чиқиш ва расмини чизишни шундай бажариш зарурки, ундаги суякларнинг анатомик тузилиши унинг шаклини, бошнинг характери, ёшга оид хусусиятларини, жинсий фарқларини ва бош суяк профили бурчагининг кенгайиши мансуб хусусиятларини қандай белгилаб берса айнан ўша тарзда чизиш зарур.

Муайян бир аниқ одамнинг индивидуал қирраларидан қатъий назар бошнинг ташқи шакли хаддан ташқари турли хиллиги, унинг тузилиши барча учун бир хил бўлган бош суяк анатомик тузилмасига асосланади.

Калла суягини таҳлил қилишда чакка суяги, жағ суяги шакилларининг характериға, жағ суяги ўсимтасига, пастки жағ ва энсаларға алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, катта энса, чуқурчаси ва эллипсоид шаклидаги иккита бўртиб чиққан қисмиға (улар ёрдамида гардан суяги атлант, бўйин суягининг юқори умуртқаси билан туташади) эътибор қаратиш керак. Бу суякларнинг ҳаммаси калла суягининг умумий характери қаби ҳар хил томондан ўрганилиши керак. Рассом учун энг асосийси эса, бу ўрганишларнинг ҳаммаси қўлда қалам ва қоғоз тутган ҳолда ўтиши лозим. Шунинг учун олий ўқув юртларида тирик бош расмини чизишда биринчи топшириқ калла суягини уч бурилишда чизиш топширилади.


Шундай қилиб калла суягини чизишда шу нарсани эсда сақлаб қолиш керакки, калла суяги икки қисмидан-калла суяги қути (энса, гардан томон) ва олд қисимлардан иборат бўлади, улар турли шакл ва ўлчамли жуда кўп сўнгалардан ташкил топган.



Калла скелети.

Олд томонидан кўриниши.

1 – тожсимон чоки, 2 – тепа суяги, 3 – пешона суяги кўз косасининг қисми, 4 – понасимон суяги катта қанотининг кўз юзаси, 5 – ёноқ суяги, 6 – буруннинг пастки чиғаноғи, 7 – юқори жағ, 8 – пастки жағнинг ияги, 9 – бурун бўшлиғи, 10 – димоғ суяги, 11 – ғалвир суягининг перпендикуляр пластинкаси, 12 – юқори жағнинг кўз косасининг юзаси, 13 – кўзнинг пастки ёриғи, 14 – кўз ёши суяги, 15 – ғалвир суягининг кўз косасининг пластинкаси, 16 – кўзнинг юқorigи ёриғи, 17 – чакка суягининг палла қисми, 18 – пешона суягининг ёноқ ўсимтаси, 19 – курув канали, 20 – бурун суяги, 21 – пешона суягининг дўмбоғи.



Калла скелети.

Ён томондан кўриниши:

1 – тепа суяги, 2 – тожсимон чок, 3 – пешона дўнглиги, 4 – понасимон суякнинг катта қанотининг чакка юзаси, 5 – ғалвир суягининг кўз косасининг пластинкаси, 6 – кўз ёши суяги, 7 – бурун суяги, 8 – чакка суягининг чуқурчаси, 9 – олдинги бурун қилтаноғи, 10 – юқори жағнинг танаси, 11 – пастки жағ, 12 – ёноқ суяги, 13 – ёноқ равоғи, 14 – бигизсимон ўсимтаси, 15 – пастки жағнинг бўғим ўсиғи, 16 – сўрғичсимон ўсимтаси, 17 – ташки эшитув тешиги, 18 – лямбдасимон чоки, 19 – энса суягининг палласи, 20 – юқorigи чакка чизиги, 21 – чакка суягининг палла қисми.

Калла суяги қутиси олтита суякдан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро тишсимон чоклар билан бириктирилган (энса, орқа), пешона (олд), иккита томон тепа суяги ва иккита чакка (ён) суяклар.

Олд қисми икката кўз косаси (чаноғи, ноксимон шаклдаги бурун косаси, кўз косасининг остидан жағ суяги (жағ суяги ўсимтаси билан), устидан қош усти ва чакка суяклари қопланган. Бурун косаси (чуқурчаси) дан юқorigи жағ суяги, пастдан эса калла суягининг олд қисмига иккита симметрик бўлақлар -ўнг ва чап бўлақлардан иборат пастки жағ туташади.

Бу суяклар шаклининг характери ва уларнинг қурилиш хусусиятларига ва умуман бош шаклининг характеристикасига боғлиқдир. Шунинг учун натурадан калла суягини чизар экансиз, ҳар бир суякнинг умумий шаклини эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Чунки улар ҳар бир кишининг тирик бошини тасвирлаётганингизда зарур бўлади.

Жағ суяги ва жағ суяги ўсимтаси шаклининг характери эслаб қолар экансиз, тирик бош расмини чизишда ёноклар шаклининг тугри моделланишига ваз у жойнинг ўзида қулоқ супрасини тасвирлашда сизга ёрдам беришлигини назарда тутиш керак. Жағ суяги ўсимтасининг катталиги тахминан тўрт энли келади ва жағ суяги ўсимтасининг учи доимо қулоқ супраси ва (букри) уртасига жойлашган бўлади. Буни ҳар Ким ўзида текшириб қуриши мумкин. Жағ суяги ўсимтасини ушлаб кўриб, ҳамма ҳам у қулоқ супраси ўртасига кириб боришлигини ўсимтани пайпаслаётган бармоқ эса (букрига) тақалаётганлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бу нарсани билмай туриб ўқувчи одатда қулоқни ё ёнокда, ё энсада акс эттириб қўяди.

Энса (гардан) суягининг сўрғичсимон ўсимтаси ҳар қандай кишида яхши кўринади, у бошни елка суяги билан турувчи кўкрак-ўмров мушакларининг бирлаштирувчисидир. Сўрғичсимон ўсимталарининг жойлашишига мушаклар шаклининг характери ва умуман бўйин характерига боғлиқдир. Асоси тақасимон шаклга эга бўлган пастки жағ ўз шохчалари билан ёнок ўсимтасига кириб боради ва ёноклар устида ўзига хос характердаги чуқурча ҳосил қилади.

Калла суяги қутисининг чакка олди юзалари ҳам ичкарига, ёнок суяги ўсимтаси ичига тортган бўлади, буни тирик бош расмини тасвирлашда ҳисобга олиш керак.





Пешона суяги учта катта юзалардан ташкил топган бўлади: биттаси-пешона бугрилари билан пешона ўртаси ва пешона бугриларидан чакка суякларга тортилган иккита ён. Вертикалига кўра пешона суяги қисмга ажрайди: юқори қисми-пешона бугрилари, пастки-қош усти чизиқлари.

Калла суяги умумий қонуниятларини урганиб олиб, унинг ёшига кура ўзгаришларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Калла суяги курилишнинг умумий қонуниятларини ўрганиб олиб, унинг ёшига кўра ўзгаришларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Калла суягининг ёшига кўра ўзгаришларини бешта даврга ажратиш мумкин: биринчиси – тугилишдан етти ёшгача; иккинчиси – етти жинсий етуклик ёшгача (16 ёш); учунчиси – ун олти ёшдан 30 ёшгача (тўлиқ ўсиш ва ривожланиш ёшгача); тўртинчиси – 30 ёшдан 60 ёшгача ва бешинчиси – 60 ёшдан катта ёшгача. Ёш гўдақларда калла қутисининг мия қисми олд қисмига қараганда анча катта бўлади. Иккинчи даврда суякларнинг ўсиш жараёни секинлашади ва олд гардан суякларининг ўлчамлари ўртасидаги фарқ унча бўлмайди. Учунчи даврда пешона суяги тез ривожланади, калла суягининг мия қисми кенгаяди ва юқорига қараб ўсади. Олд қисми узунлашади, ёноқ суяги ёйлари кескин ёзила бошлайди. Калла суяги узил-кесил, яъни катта кишиларга хос равишда шаклланади. Тўртинчи даврда суяклар ўсишдан тўхтайтиди ва ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Бешинчи даврда олд қисми ўзгара бошлайди, яъни кичраяди, тишлар тўкила бошлайди. Бунинг натижасида пастки жағ кўтарилади, даҳан кескин олд томонга туртиб чиқади, юз қисқаради; Калла суягининг чоклари қотади **40-расм.**

Тажрибали рассомлар бу хусусиятларини ҳисобга оладилар ва уларни расмда ишонч билан акс эттирадилар. Масалан, бола бошининг тасвирларини берувчи машхур Ребенс расмида бола бош суягининг ўзига хос жиҳатини кўрамиз: калла суяги қутисининг катта юқори қисми кичик олд қисмига нисбатан фарқи сезилади. Анна шу муносабат билан Рубенс ўз ўтмишдошлари каби санъатни аниқ фанларга қиёслаб илмий идрок этиш усулига амал қилган ва одам боши жумладан, гудак бошининг доимий шаклланиш қонунини илмий-назарий жиҳатдан асослашга ва тасвирлашнинг ўзига хос услубини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Ушбу мисол яна бир карра шуни тасдиқламоқдаки, реалистик йўналишда расм чизувчи учун ҳақиқий илмий билимлар жуда зарур.

Унинг бу ҳаракати санъат қоида ва қонунларнинг кераги йўқ, улар ижодий имкониятларни тор доирага солиб чеклаб қўяди, деган фикрдаги кишиларга жавоб бўлади. Табиат ва санъат қонуниятларини билмай туриб формалист рассом одам тасвирини реал борлиққа мувофиқ тасвирлай олмайди.

Одамнинг тирик бошини тасвирлашда калла суяги қурилиши ҳақидаги билимлардан ташқари рассом бошнинг елка кенглиги билан тугашиш қонуниятларини ҳам билиши керак. Калла суяги қутиси елка кенглиги билан еттита бўйин умуртқалари ёрдамида туташади. Бу умуртқалар бирининг устига бири жойлашган бўлади, лекин улар орасида букилувчан тоғайлар бўладик, бир томондан уларни бирлаштириб турса, иккинчи томондан уларнинг ҳаракатланишига имкон туғдиради. Биринчи умуртқа юқорида бўлиб, унда калла ўрнашган бўлади ва атлант деб номланади (осмону фалакни тутиб турган афсонавий девкомат Атлантга ўхшатиш ўртасида юмалоқ тешик бўлиб, гардан (энса) суяги бўғин (ўсимта) билан бирикади. Бош ҳаракатга келганда атлант фақат бош орқага ва олдинга эгилгандагина иштирок этади. Иккинчи бўйин умуртқаси эпистропей (ўк) аталади. Унинг юқориги ўсимтаси Тиш кўринишида вертикал равишда юқorigа кўтарилади ва атлант тешигига кириб боради ҳамда унда ўк (ўзак) ролини ўйнайди. Унинг атрофида эса бош ўнг ва чап томонга ҳаракат қилади. Еттинчи бўйин умуртқаси биз учун унинг туртиб чиққан қисми яхши кўриниши ва одамнинг белдан юқори ва қоматни чизишда мўлжал бўлиб хизмат қилиши учун ҳам муҳимдир. Кейинчалик сиз яланғоч одам қоматини чизиш машқларида еттинчи бўйин умуртқаси ва бўйинтирик чуқурчаси сизга одамнинг тик турган қомати мувозанатининг ўқини аниқлашингизда доимо мўлжал бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда қуйидагиларни эслаб қолиш керакки, еттинчи бўйин умуртқаси елканинг юқори четидан ўтувчи горизонтал чизикда жойлашади. Бу қонуниятни билиш бўйин расмини тўғри чизиш ва бошни елка кенглиги билан уйғунлаштиришга ёрдам беради.






1



2



3



4



5



6

§1.3.5. Антик гипс ҳайкалининг ёруғлик бош қисмини чизиш

Қаламтасвирга ўрганиш оддийдан мураккабга ўтиш методик жиҳатдан ўринли талаб ҳисобланади. Шунинг учун пастки курсларда одам тузилишини ўрганишда ҳайкаллардан кенг фойдаланилади. Антик гипсли ҳайкаллар аниқ ишланган қисмларини ўрганиш пастки курс талабалари учун услубий қўлланма сифатида қимматли аҳамиятга эгадир. Шакл тузилиши ва уларни бир-бири билан боғланиши, мураккаб ҳажм қурилиши муносабатларини қаламтасвирда ўрганиш талабаларга катта ёрдам беради.

Гипсли ҳайкаллар қаламтасвирини ўрганиш бошланғич амалиёти кейнги курсларда одам қиёфасини ўрганишга катта замин яратади.

Бу жараён аниқ тасвирлашни, кўзни чиниқтиришни, рассомни интизомга ва эстетик дидини оширишга хизмат қилади, тарбиялайди. Тасвирлаш жараёнида гипсли ҳайкалларда жонли одамларни ишлашга нисбатан, яъни кўз, соч, тана ранг тусини кўрсатиш каби мураккаб талаблар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам иш бошида рассомлар учун жуда қулай. Жонли одам бошини чизишда талаба бир қанча мураккаб шакллар тузилмасидан энг муҳимини ажратиб олиш вазифаси туради, гипсли ҳайкалда эса ҳайкалтарош томонидан олдиндан ҳал қилинган.

Гипсли ҳайкал шароитида постановкасни деворга яқин жойда ва чироқни юқоридан қиялаштириб ёритиш ҳайкал қисмларини кўришга яхши имкон яратади. Суний ёритилишда ҳайкал ёруғ ва соялари, яримсоя, рефлекслар ўзгармайди, бу эса узоқ муддатли ишлашни осонлаштиради. Табиий ёруғликда ҳайкал кам контрастда, соялар ҳаракатда бўлиб, узоқ муддат ишлашни қийинлаштиради. Ҳамма томондан яхши кўриниши учун ўртага ва горизонт чизиғидан юқорироққа жойлаштириш лозим.

Асосий вазифани бажаришдан олдин хомаки чизгилар ишлаш яхши натижа беради. Натурадан ишлаш жараёни алоҳида босқичлардан иборат: биринчи босқичда бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши, ён томонга эгилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштириш.

Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари; жағдан пешона дўнглигигача, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, кулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради. Буларни натурада синчиклаб кузатганимизда биринчи ва орқа пландагиларни чизиқлар ёрдамида аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса; бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамыз.

Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, кўзнинг юқори қисми горизонтал текислиги катталашади.

Бош пастга эгилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз. Бошнинг ракурс ҳолатини таёргарликсиз чизматасвирини ишлаш қийинчилик тўғдиради. Чунки шакл текисликлари қисқаради ва томошабинга яқинлашган ўлчамлари катталашади.

Бош гавда билан бўйин орқали гармоник боғланган. Бўйин цилиндр шаклга эга бўлиб, гавда бўйин йўгонлигида чегарасининг иккита паралел чизиқ чизиб аниқлаш орқали боғланади. Бундан ташқари бош чап ёки ўнга бурилган бўлса кекирдак ва бўйин мускуллар ҳолати ҳам шунга яраша ўзгаради.

Талаба иш жараёнида масштабни ўрганиб, кўзни чиниқтиради, қўшимча усулларини, қалам ёрдамида тўғри чизиқни аниқлайди. Иш жараёнининг бошидан охиригача натурадаги катта ҳажм ўқини, мутаносибликни сезишга кўзни чиниқтиради.

Бошнинг узоқлашувида асосий қисмлари қисқаришини умумий ҳажмда кузатиб куруш жараёнида қайта - қайта текшириб, аниқлаб бориш лозим. Натурани яққол тассавур қилиш кўзни машқ қилиш натижасида эришиш мумкин.

Ишнинг иккинчи босқичида бошни чизикли қуришдан кейин шакллarga тус берилади. Тус беришда энг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узокдагилари эса бироз хирароқ кўринишда бўлади.

Бошнинг ёритилган қисмида анатомик жиҳатлари аниқроқ кўринишдадир. Шаклдан шаклга ўтиб уларни бир-бири билан боғлашни билиш учун бош суяклари ва мушакларини яхши тассавур қилмоқ керак. Бусиз натурани мазмунини тасвирлаш асосини ҳал қилиш мумкин эмас.

Антик ҳайкаллардан ишлаш пайтида унинг ёнига анатомик бошни кўйиш (Гудон ҳайкалини) яхши натижа беради. Бошнинг суяк ва мускуллари орасидаги боғлиқликни билиб олиш учун уларни чизмоқ зарур. Бошнинг қурулмасини чизиб ўрганиш фақат ўқув дарсларида эмас, балки узок муддатли қаламтасвирда ҳам пластик ва конструктив тузилишини амалда ишлаб бориш зарур.


Бошнинг думалоқ шаклини ва унинг алоҳида қисмларини ишлашда шуни эсда тутиш керакки, шакл беришда ортиқча қорайтиришлардан холи бўлиш лозим. Бошнинг қурулмасида характер ва ҳаракатни аниқлаб, қисмларини умумлаштириб тугатилади. Тасвирда бошнинг қурилишини қайта-қайта текшириб яққол кўриниш шаклини тасвирланади.

Тасвирдаги шаклнинг образини, мукаммал гўзаллигини, унинг бадий кимматини бера олиш керак. Шу мақсадда Давиднинг бошини тасвирлаш машқи жуда фойдали. Гипсли бош постановкасини оддийдан мураккаб принципи асосида ишлаш (масалан, олдин Гера, Зевс, кейин Геракл ва Лаокоон ҳайкали) мақсадга мувофиқ.


Антик ҳайкаллардан узок муддатли қаламтасвир ишлашдан ташқари бир қоғоз текислигида 2-3 бурилишдаги бош тасвирини ишлаш мумкин. Қисқа муддатли қаламтасвир (10- 12 соат ҳар бир бош учун) композиция вазибалари учун ҳам муҳим. Бошнинг фазодаги ҳолатлари олдин эскизда ишлаб, кейин эса асосий қоғоз текислигида ишланади.

Ҳар 25-30 дақиқадан кейин кўриш нуқтаси ва горизонт чизиғини аниқлаб, навбатма-навбат тасвир натурадан ишланади.

Ҳар хил нуқтадан бошнинг қурилмаси ташқи шакллар қисқариши, эгилиши ва бурилиши конструктив асосига боғлиқ бўлиб қаламтасвирда моҳирлик ва ҳис қилган ҳолда ифодаланади. Уч бошни бир текислик юзасида тасвирлашда композицияни яхши жойлаштириш зарур, ҳар биттаси яхши қурилган, шунинг билан бирга тугалланиш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин.



Бир бош тасвирини текисликда ажратиб, қолганлари эса унга ёрдамчи сифатида умумлаштирилиб ифодаланади. Қаламтавир топширигини бажаришда графит ва кўмирли ўртача капиқликдаги қаламлардан; ТМ, В, юмшоқ 2М, 2В, ретуш №2 ва оддий қаламтавир қоғози ёки ярим ватман ва бошқалардан фойдаланиш тавсия этилади. Ўрганишнинг бошидан ҳар ҳил ашёларда ҳомаки чизиғиларда қаламтавирнинг кўп техник имкониятларини эгаллаб бориш зарур. Натураларда ҳайкаллар, ёдгорликлардан фойдаланиб альбомларни ёддан ва тасаввур орқали тўлдириб бориш кўзни чиниқтиради ва кузатувчанликни ривожлантиради.



Антинойнинг гипсли калласини босқичма-босқич курилиши.

§1.3.6. Одам калласининг юмишқ материалда бажариши

Бошни чизиш, шаклларни такомиллаштиришга асосланган. Бош тасвирини чизишдан мақсад шундан иборатки, ишонарли ва ҳақиқатга яқин бошни тасвирлаш учун калла суягининг ҳар бир қисмини яхши билиш лозим. Ушбу билимлар натурадан портрет чизишда кенг қўлланилади.


Бош шаклини чизишда унга ишлов бериш, баъзи жойларини бўрттириб тасвирлаш ҳар хил тоифадаги одамларни чизишда уларни характерини бўрттириб кўрсатишда қўл келади. Кейинги жараёнда бошни оддий сфера шаклидан босқичма босқич одам бошининг шаклига келитиришни кўриб чиқамиз.

1 БОСҚИЧ: Сфера

Сфера қаттиқ масса ҳисобланиб, калла суягининг 2/3 қисмини ташкил этади. Чизишни бошлашда шаклнинг умумий икки ўлчамли ҳолатини, йўналиш ва жойлашувини аниқланг. Сўнг шакл перспективасини топинг ҳамда шаклни қуришнинг сўнгида унинг юзасида жойлашган майда қисмларига ишлов беринг. Мазкур жараёнлар одам қоматини қуришнинг кетма-кетлиги қонуниятларини тушунишга йўналтирилганлиги сабабли китобнинг қолган бобларида ҳам қайтарилади.

2 БОСҚИЧ: Эгилиш ва оғиш

Иккинчи босқич сферани эгилган ҳолатини тасвирлашни англатади. Сфера марказидан ўтказилган тўғри чизиқ бошни икки ўлчамда тасвирлашга йўналтирилган.



Чап тарафтдаги биринчи тасвир бошни вертикал ҳолатда турганини кўрсатмоқда. Ўртадаги тасвирда бошни эгилган ҳолати кўрсатилган. Горизонтал чизиқли сўнгги тасвир бошни ётган ҳолатини тасвирлайди. Ушбу тасвирлар бош ҳолатини тўғри тасвирлашда ўта муҳим ҳисобланади (58 бет).


3 БОСҚИЧ: Жағни қўшиш

Мазкур босқич бошга жағ шаклини қўшишни англатади.

Жағ суяги шакли калла суягини пастга қараб тухумсимон давом

эйтириш

ҳисобига



топилади.

Чап тарафдаги расмларда жағни тўғридан, ёндан ва $2/3$ бурилишдаги ҳолати кўрсатилган. Бу ерда сиз, қандай қилиб биргина шакл ҳолатини ўзгартириш орқали жағ фазода 3 ўлчамли ҳажмга эга бўлганини кўряпсиз.

Юзнинг “Т” ҳолати (тепа қатордаги биринчи расм) кейинчалик бошнинг бошқа ҳолатларини тасвирлашда асос ҳисобланади. “Т” юзнинг тўғрига қараган ҳолатидаги симметрияни кўрсатади.

Вертикал чизик юзни тенг икки қисмга ажратади, горизонтал чизик эса юзнинг кўз жойлашган қисмини англатади.

Юз ўз ҳолатини ўзгартирганида “Т” юзнинг бир қисмига кўпроқ ёндошишига эътиборингизни қаратинг. Масалан, агар юз ўнг томонга бурилса бунда “Т” марказий чизиғи юзнинг ўнг қисмида ифодаланади. Агар юз ён тарафдан (профиль) ифодаланса унда “Т” ёқолади.


“Т” ҳолатини аниқ топиш юзнинг фақатгина фронтал кўринишда ифодалашда муҳим бўлмай, у инсон характерини тўғри топиш ва ифодалаш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Мазкур босқичда сиз диққат эътиборингизни жағни чизишда даҳанни пастки горизонтал текислигининг бурилишдаги йўналишини аниқлаб олишга қаратишингиз даркор. Бу сизга юзнинг симметриясини бурилишдаги ўзгаришини намоён этади. Расмдаги сариқ чизик даҳан текислиги чизиғини ифодалаб, ушбу чизик орқали сиз бошни ўнг ёки чапга бўрилганда жағ қандай ҳолатда ифодаланишини кўрсатади.

Юздаги “Т” чизиклари ва дахан текислигини эгиш орқали сиз бошни перспектив қисқаришини кўрсатишингиз мумкин.

4 БОСҚИЧ: Перспектива

Бошни перспектив ҳолатда тасвирлашнинг биринчи босқичида, сиз бош жойлашувига нисбатан паст нуқтадан қараяпсизми (“А” намуна) ёки аксинча сизнинг қараш нуқтангиз бош жойлашувига нисбатан тепада жойлашганми (“В” намуна) шуни аниқлаштириб олишингиз даркор.




“А” намунада қараш нуқтаси бошга нисбатан паст ракурсда жойлашганини кўрамиз. Бунда “Т” чизиклари ҳам бош ҳолатига мутаносиб равишда ўзгарганлигини кўришимиз мумкин.

“А” намунанинг иккинчи чизмасида бошни эгилган ҳолати цилиндр шакли орқали намоиш этилган. Цилиндр мисолида шаклнинг эгилишдаги перспектив қисқариш тасвири аниқ кўрсатилган. Учинчи чизмада шар тасвири мисолида горизонтал чизик шар юзасида ифода этилган бўлиб, бунда шарнинг орқа қисмида горизонтал чизик штрихлар билан кўрсатилган.

Мазкур жараёнда асосийси ушбу чизик шарни экваторик марказидан ўтиши ва шарни тенг иккига ажратиши лозим.

Марказдаги икки расм қандай қилиб “Т” ва кўз чизиқларини



дақиқада амалга ошириладиган эскиз расмлар

жойлаштиришни кўрсатади. Кулоқнинг тепа қисми ҳамда қошни кўз чизиғига нисбатан жойлаштириш жараёнида сиз қараш нуқтангизни янада мукаммал ўзлаштириб оласиз.

“В” намуна бошга нисбатан қараш нуқтаси тепада жойлашганини кўрсатади. “В” намунадаги цилиндр юқорида кўриб ўтилганидек бошнинг перспектив ҳолатини кўрсатади.

Бу ерда 5 дақиқада амалга ошириладиган эскиз расмлар кўрсатилган. Ушбу расмлар орқали сиз кўриб ўтилган бош тасвирини чизишдаги 4 босқичли таҳлилни амалга ошира оласизми. Ишни биринчи навбатда бошни ҳолатини, яъни эгилган ҳолатини топишдан бошланг.


Кейин эса жағни аниқланг.

Сўнгги босқичда кўз чизиғига нисбатан бошнинг қолган қисмларини перспектив ҳолатни аниқланади.

Ушбу тўрт босқичли чизиш жараёни фазода бошни жойлашувини тўғри амалга ошириш учун асосий амаллар ҳисобланади.

5 БОСҚИЧ: Низбатлар

Юз қисмларини бир бирига нисбатан тўғри жойлашувини топиш, калла суягининг энг бўртган қисмини топишга асосланган. Қисмлар нисбати доим ҳам бир хилда эмас. Улар қайси нуқтадан қарашингизга қараб перспектив ўзгаришларни намоён этади. Юз қисмлари ўлчамларини қўйишдан аввал қош жойлашган чизик ҳамда жағнинг пастки қисмини топинг.



■ Буруннинг пастки чегараси қош ва даҳан орасидаги масофанинг ўртасида жойлашади.

Буруннинг пастки асосидан қошнинг тепа қисмигача бўлган оралиқ масофа яна иккига бўлинади:

■ Кўзнинг пастки чегараси буруннинг асосидан қошгача бўлган масофанинг ўртасида жойлашган.

■ Кўз чуқурлигининг пастки чегарасидан қошгача бўлган масофанинг тенг ярмида кўзнинг маркази жойлашади. Қошдан бурунга ўтиш қисми кўк


рангдаги трапеция билан ифодаланган. Ушбу трапеция иккита кўзни бир биридан ажратиб турувчи суяк ҳисобланади. Портрет яратишда ушбу қисмни синчиковлик билан ўрганиш лозим.

Буруннинг пастки қисми билан жағ оралиғи учта тенг қисмга бўлинади. Ушбу қисмлар қуйидагиларни билдиради:

- Лабнинг тепа ва пастки қисмлари туташган чизик
- Жағнинг тепа қисмини чегараси

Сўнгги иш бу сочнинг бошланиш жойини аниқлаш. Сочнинг пешонадан бошланиш жойини белгилашнинг аниқ қонунияти мавжуд эмас. Чунки ҳар бир инсон индивидуал кўринишга ва характерга эга.


6 БОСҚИЧ: Қулоқ



Мазкур босқич қулоқни жойлаштириш билан бошланади. Бошнинг ён қисмида чизилган эллипснинг 1/4 қисмида жойлашади, яъни эллипснинг пастки чап қисмида. Тўқ кўк ранг билан қулоқнинг шакли, яъни “С” шаклга эгаллиги кўрсатилган. Қулоқ буруннинг пастки қисмидан қошнинг баландлигигача бўлган ораликда жойлашади.

Мазкур босқичнинг иккинчи вазифаси юз текислигини топишга бағишланган. Тўқ кўк ранг билан белгиланишича, юзнинг ёноқ суяклари кулоқнинг тепа қисмидан кейшиқ “С” шакли билан даҳаннинг чап бурчагига бирикади. Намунадаги одам калласининг ён қисмида кўк ранг билан белгиланган майдон жағнинг ён текислигини англатади. Расмни куришнинг мазкур жараёнига эътиборингизни қаратинг. Бу ерда олдинги босқичларда амалга оширилган жараёнлар қайтарилмайди. Масалан, шаклларни тасвирлашда ёрдамчи чизиклардан фойдаланишга бошқа эҳтиёж сезилмайди. Чунки эндиликда шакллар кўпроқ аниқликка эга бўлмоқда.

Ушбу чизмалар кулоқни турли хил бурчакдан кўринишини намоиш этади. Чизмаларингизни имконият даражасида кўпроқ содда шаклда ифода этинг. Ўнг тарафдаги А, В, ва С чизмаларида кулоқнинг оддий кўриниши (А), тўғридан қаралгандаги кулоқнинг 3/4 қисми (В), ҳамда кулоқнинг орқадан кўринишлари (С) намуналари.




7 БОСҚИЧ: Кўз ва бурун

Мазкур босқич кўз чуқурликлари учун рецессив текисликни излашдан бошланади (оловранг нукталар билан кўрсатилган). Ушбу жараёнда кўрсатиш керак бўлган асосий нарса, бу кўз жойлашган қисмнинг калла суяги ичкарасига бурчак остида кирганлигини кўрсатишдир. Шунингдек,

барча нукталар биргина текисликни кўрсатиш учун бирлаштирилганлигига эътиборингизни қаратинг. Бунда ушбу текислик қошлар жойлашган чизикдан кўз чуқурлигининг пастки чизиғида тугалланган. Ушбу текислик бошнинг ён текислиги билан тугалланади.

Кўз чуқурлигини текислигини ўрнатиб бўлгач, бурун тузилишини қуриш мумкин. Биринчи бўлиб буруннинг учи ҳамда бурун асосини қуриш амалга оширилади. Чап томондаги намунада бурун учи (кўк чизик) бурун асоси устида чизилади. Бу сизнинг муносабатингизни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади. Агарда сиз бурун учини бурун асосининг тагида тасвирлашингиз керак бўлганида, бу ҳолда кузатувчи чизилаётган бошга нисбатан юқоридан қараётган бўлади.





Буруннинг икки бурчагидан пастга томон икки чизик уни бурун асоси билан бирлаштириш учун чизилади. Энди сиз буруннинг таг қисмини кўрсатувчи текисликка эгасиз. Кейинги босқичда (юқорида ўнгда) сиз буруннинг учи (пушти ранг нукталар) билан тепадаги трапеция шаклининг асосини (оловранг нукталар) икки тўғри чизиклар ёрдамида бирлаштираёсиз. Ҳосил бўлган шакл буруннинг олд текислигини англатади.

Мазкур структурани тугаллаш учун олов ранг нуқталардан кўз чуқурлиги томон (яшил нуқта) эгри чизик тушурилади. Бу буруннинг асосини чизишда қўлланилган чизик каби эгриликка эга бўлиши керак. Ушбу яшил нуқтани бурун асосидаги пушти ранг нуқталар билан бирлаштириш натижасида буруннинг ён текислиги ҳаққоний перспективага асосланган шаклда топилади.

Мазкур саҳифада буруннинг турли хил кўриниши ва турли хил шакли намоиш этилган. Бу ерда кўрсатилган қизил чизикларга эътиборингизни қаратинг. Улар сизга юзда бурунни тўғри жойлашиши ва перспективасини тасвирлашда қанчалар қути тасвири, унинг турли ҳолатларини билиш ёрдам беришини кўрсатган. Турли хил нуқталарда бурун кўринишини чизиш қанчалар сиз қутининг фазодаги жойлашувини мукамал билишингизга боғлиқ.

Бурун расмини чизишда унинг ўзига хос ҳажми ва пластикасида келиб чиққан ҳолда тўғри чизиклар ўз шаклини ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари мазкур намуналарда буруннинг таг қисмидаги икки тешиклар ўртасидаги тўсиқ турли нуқталардан қаралганда қандай ўзгаришини кўришингиз мумкин.




Ушбу саҳифада кўзнинг шакли ва жойлашувини тўғри тасвирлашни кўрсатувчи намуна чизмалар келтирилган. Кўзни чизиш жараёнида энг аввало кўз жойлашган муҳитни тўғри кўрсатиш лозим. Бу, кўзнинг келгусидаги ўзига хос характериини тасвирлашда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Кўз тепасидаги қовоқни тасвирлашда унинг ҳаракатчанлигини инобатга олинг. Қовоқ кўз ҳаракатига мос равишда ҳаракатланишини ҳис этинг.

Кўзнинг қовоқлари конструкцияси ассиметрик шаклга эга эканлигига эътиборингизни қаратинг. Кўз тепасидаги қовоқ кўз остидагига нисбатан юқори эгриликка эга .

8 БОСҚИЧ: Оғиз қисми

Ушбу босқич юзнинг пастки қисми, яъни тишлар жойлашган қисмини чизишни ўрганишга йўналтирилган. Тишлар бириктирилган юзнинг ушбу қисми юз текислигидан бир оз олдинга чиққан кўринишга эга. Шу сабабли у ўзига хос характеристикага эга бўлиб, лаб чизилгунига қадар чизмада тўғри топилиши лозим.




Юзнинг тишлар жойлашган қисми овал шаклга эга. Ушбу овал шакли даҳаннинг тепа қисмидан буруннинг паски қисмигача бўлган ораликда жойлашади (буни сиз кейинги саҳифанинг пастки чап тарафида кўрсатилган расмда кўришингиз мумкин).

Лаблар ушбу шакл устида жойлаштирилиб юзнинг бошқа қисмлари каби перспектив ўзгаришларга эга бўлиши мумкин.

Пастки ва юқоридаги расм намуналаридаги лабларнинг фарқиға этиборингизни қаратинг. Бошни юқоридан ёки пастдан тасвирланишиға қараб лаблар шартли “М” ҳамда “W” харфлари шаклиға эға. Лабни тасвирлашда ҳеч қачон ушбу “М” ва “W” шаклини бир чизикда ифодаламаңг. “М” юқоридаги лаб шакли, “W” паски лаб шакли фақатгина бошнинг перспектив жойлашувиға мос равишда тасвирланади.

Расмни якунловчи чизиклар

Ушбу расмларда тугалланган расм қандай кўринишға эға бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Бош тасвирининг характерини кўрсатувчи майда деталларини чизишға ўтишдан аввал бошнинг фундаментал шакллари тўғри топилганиға ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Ушбу барча шакллар тасвирлаётган расмингизға ҳаққонийлик, табиийлик ва ҳажмни кўрсатишға ёрдам беради. Бошнинг харктерли жиҳатлари чизишнинг ушбу бошланғич босқичларида топилиши лозим.






Юмшоқ материалда одам тасвирини ўзига қараб бажариш техникаси

Ретушь ва кўмир қаламда мисолида

Юмшоқ материал билан ишлаш жараёнида қоғоз бироз тонда ва ғадир-будир булиши лозим. Шунда қоғозни тони портретни яқунлаш босқичида бликларни оқда бериб керакли урғулар яратишга имкон беради, қоғозни ғадир-будирлиги юмшоқ материални уни юзасида сақланиб иш жараёнида тўкилиб кетилишига йўл қўймайди.

Портрет қора қалам ёрдамида чизилиб олганидан сўнг ретуш билан унинг асосий контур чизиклари юрғазиб чиқилади. Тасвирни хажмини чиқариш мақсадида у ретушда енгил, форманинг шаклига мос йўналишда штрихланади, бунда штрих чизиклари бироз суркалиб (растушовка) юборилиши ҳам мумкин. Катта ҳажимлар берилгандан сўнг қаламни кум қоғозда ёрдамида учини чиқариб олиш керак. Қаламни учи билан, унга бироз босим кўрсатиб майда деталлар ишлаб чиқилади. Катта штрих чизиклар билан кийими тасвирланилади.

Тасвирни яқунлаш жараёнида оқ пастел қаламда унинг энг ёрқин жойлари ва бликлари кўрсатилади. Юмшоқ жиҳозда бажарилган қаламтасвир, сақланиш жараёнида суркалиб кетмаслиги ва кейинчалик ҳира бўлиб қолмаслиги учун уни соч лаки билан, 40 см узоклигида сачратиб, мустаҳкамлаб олиш мумкин.



Ушбу жиҳозда ҳам тасвир бажарилганида қоғозни ранги катта аҳамиятга эга, чунки унинг ранги нафақат портретни фонини балки тана рангининг чуқурлигини яратишга ҳам таъсир кўрсатади.


Келтирилган мисолда қоғозни ранги иссиқ жигарранг бўлгани тасвирдаги аёлни кузининг рангига тўғри келади.

Биринчи босқичда портрет қора қалам ёрдамида чизилиб олганидан сўнг уни оқ пастел ёрдамида оч жойлари, пастель таёқчасининг олди томони билан очартириб олинади. Бунда олдиндаги деталлар (бурун, яноқлар) бироз очроқ ва ёрқинроқ кўрсатилади.

Кейинги босқичда қора пастел қалами ёкт қора пастел таёқчаси ёрдамида соя жойлари ва сочларига тон берилади. Қаламга босим бериш ёрдамида тасвирдаги зарур урғулар аниқланади. Масалан кўзлар, бурундан тушаётган соялар).


Ўчирғич ёрдамида зарур бўлган жойларда қоғозни ранги тикланиб олиниши тасвирни бўғилиб қолишига йўл қоймайди.

Якуний босқичда пушти ранги лаб ва лунжларига берилганидан сўнг портрет табиий куруниш эга бўлди. Шу билан бирга кўзларига ҳам ишлов берилди: блик ва соялар янада аниқланди. Бу усул фонга ишлов берилмаганлиги унда қоғозни ранги мустақил аҳамиятга эгалиги билан венъерирование деб номланади.



Пастел мисолида






§1.3.7. Одам скелетини чизиш

Инсон қомати расмини чизиш скелет ва унинг асосий қисмлари тузилишини ўрганиш билан чамбарчас боўлиқ. Шунинг учун скелет тузилиши бўйича дарс машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Скелет тирик одам (ёки анатомик модель) позасига яқин позада, тик турган ҳолатда, иккала қўли пастда турган ҳолатда ва иккала оёғига бир хил таяниб турган ҳолатида жойлаштирилади.

Скелет инсон танасининг конструктив ва динамик кўриниши бўлиб ҳисобланади ва у ҳаракатланувчи асос вазифасини ўтайди.



Одамнинг ҳаракатланиши, юриши, югуриши, меҳнат қилиши, спорт билан шуғулланиши ва шу кабилар ушбу конструкциясининг тузилишига боғлиқ.

Суякларнинг бирлашган жойи (бўғим ва бирикмалар) ўзаро ҳаракати мушакларга бошни буриш, тана асосини эгиш ва букиш, қўлни кўтариш ва тушириш, кафтни муштум ҳолатига келтириш, ҳамда ҳар бир бармоқни алоҳида ҳаракатга келтириш имконини беради. Расм чизиш чоғида ўқувчилар эътибори торс (тана асоси), бош ва қўл-оёқларни ҳаракатга келтирувчи бўғимларнинг турли-туманлигига қаратилади. Ҳаракат давомида бўғимларнинг аҳамиятини амалий жиҳатдан тирик одам мисолида кўрсатиш машғулотни яхши ўзлаштирилишига тurtки бўлади. Бу рассомлар учун скелет ва тирик инсон танаси ўртасида узвий боўлиқлик мавжудлигини яхшироқ англаб етиш имконини беради.

Тасвирий санъатнинг барча турларида бўлгани каби, инсон скелети ҳам маълум кетма-кетлик асосида чизилиши керак. Аввало қоғозга тасвирнинг умумий ҳолати ва жойлашадиган ўрнини кўрсатувчи енгил штрихлар чизилади. Скелет баландлиги вертикаль бўйича ўмров суягидан (тўш суяги тутқичидан) товонгача бўлган оралиқ ҳисобланади ва у белгилаб қўйилади. Оёқлар жойлашувчи юзада горизонтал текисликдаги оёқ ўрнини кўрсатувчи перспектив тўғри чизиклар чизилади.

Сўнгра скелет баландлигини оёқ суякларини бирлаштирувчи чизик орқали иккига бўлинади, ўмров суяклари бирлашган жойдан эса икки елка суягини бирлаштирувчи чизик тортилади.

Вертикал чизикнинг юқори учидан пастга томон бутун тана баландлигини ҳисобга олган ҳолда Бош баландлиги аниқланади ва шундан сўнг бутун скелетнинг баландлиги келиб чиқади. Сон суякларининг дўмбоқлари ўртасидаги оралиқ масофа ва ўмров суяклари ҳолати ўзаро ва бутун скелетга нисбатан солиштириб аниқланади.

Аниқланган сон суяклари чизиқлари учидан пастга, оёқнинг тизза бўғимлари томон йўналган тўғри чизиқлар ўтказилади. Тизза бўғимларидан эса товонгача чизиқ тортилади.

Шундан сўнг скелетнинг юқори қисмини шакллари ишлашга ўтилади. Сон чизиғи асосида тос суяги, унинг баландлиги ва умумий шакли (трапеция) аниқланади. Думўзадан (тос суягининг энг пастки қисмида жойлашувчи қисмдан) бошланувчи ва Бош суягигача давом этувчи умуртқа поғонаси йўналишини кўрсатувчи чизиқ чизилади. Юқорида аниқланган Бош суяги баландлиги бутун Бош суягини чизишда асос бўлиб хизмат қилади. Шундан сўнг Бош суягининг бурилиш бурчагини кўрсатувчи бўйин суяги чизилади.

Кўкрак қафаси шакли ва ўлчамлари умумий белгиланади –умуртқа поғонасидан юқори қисмидан елка суяклари ўтувчи тўш суягигача.

Расмда орқа тарафдан кўкрак қафаси устида ётувчи курак суякларининг умумий кўриниши енгил чизиқларда белгилаб олинади. Шундан сўнг қўл суякларига мос келувчи схема чизиқлари - елка чизиқлари охиридан кафтгача, кафтдан кафт усти суяларигача чизиқ чизилади.

Скелет чизишдаги кетма-кетликни педагог скелетдаги суяк ва бирикмалар асосида тушунтириб беради. Бунда у қуйидаги асосий нисбат муносабатларини эслатиб ўтиши керак: одатда пастга туширилган қўл сон суягининг ўртасигача чўзилади, сон суяги узунлиги жиҳатидан болдир суяги билан деярли бир хил, елка ва тирсак суяклари ҳам бир бирига тенг деб оlinиши мумкин. Бош суягининг бутун скелетга нисбати эса 1:7 ёки 1:7,5 нисбатда бўлиши мумкин.

Расм чизишдаги кетма-кетлик ва тизимлилик расмда ташкилийлик ва ихчамлилик хусусиятларини шакллантиради ва келажакда инсоннинг турли ҳолатларининг тасвирини чизишда санъат асарлари яратишда ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришда мустахкам асос бўлиб хизмат қилади.

Скелет схемаси чизилганидан кейин, суяк шакли ва суякларнинг бирлашиш характерини аниқлаштирувчи чизиқлар чизилади.

Асосий суякларнинг ўлчамини аниқлашда схема ва натура чизиқлари мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги босқичда скелетнинг штрихли тасвири, ёруғ-соялик тушиши натижасида унинг ҳажми кўрсатилганида. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилар скелетнинг схематик шаклларини тўғридан, ён томондан ва алоҳида бўлакларини қисқа тасвирлар орқали мустақил бажаришлари мақсадга мувофиқ.

§1.3.8. Гудоннинг анатомик одам коматини тасвири

Маълумки тасвирий санъатда, хусусан қаламтасвир бажаришда машғулотлар тизими соддадан мураккабга тартибда тузилиши керак. Шунинг учун ўқувчи биринчи бор натурадан кийимдаги инсон тасвирини чизишдан олдин унинг гипсдан ишланган намунасини тасвирлаб ўз малакаларини ошириши керак. Бунда ўқувчига инсон скелетини чизиш даврида олган билим ва малакалари кўл келади. Шунингдек у турли қийинчиликлар дуч келмаслиги учун натурадан инсоннинг турли ҳолатларини тасаввур ёки хотирага асосланиб машқлар бажарса кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Инсоннинг анатомик тузилишини тирик, ҳаракатдаги инсон мисолида ўрганиш мушкул бўлгани сабабли мазкур вазифани бажаришда машҳур француз ҳайкалтароши Жан Антуан Гудоннинг “Экорше” гипс моделидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Гипсдан ишланган ушбу анатомик модель ўзида инсон танасининг терисиз ҳолатини акс эттиради. Уни чизиш орқали одам танасининг пластик асоси бўлиб ҳисобланувчи мускуллар тузилишини ўрганиш имконини беради.

Модель олд томони билан биров баландликка ўрнатилади. Бунда жисм ёритилганлик даражасига эътибор берилади ва ёруғлик юқори-ён томондан тушиши ва ҳосил бўлган сояда модель шакли яхши англашилиши керак. Шунингдек, рассомнинг ён тарафига узоқроққа скелетни худди шундай ҳолатда жойлаштириш бир-бири билан бўғим ва пайлар орқали бириккан

алоҳида суяклардан ташкил топган каркас модельни аниқ тасаввур этиш имконини беради. Скелет суяклари инсон танасининг пластик ва нисбий тузилишини намоён этади. Чунки суякларнинг ўлчами тана қисмлари ўлчами ва нисбатларини белгилаб беради. Уларнинг ўзаро бирлашган жойи эса тана ҳаракатини кўрсатади. Бундан ташқари суяклар қаттиқ ва уларнинг шакли ўзгармас, мушаклар эса ҳаракат даврида кичрайиб ёки катталашиб туради, бу эса энди ижодга кираётган ёш рассомларни жалб этиши мумкин.

Расм чизувчилар бир-бирларидан энг камида бир-икки анатомик модель узунлигига тенг масофада жойлашадилар. Шунда модель ва унинг марказий чизиғи барчага кўринади. Марказий чизиқ жуфт (симметрик) шаклларни ишлаш чоғида ориентир вазифасини ўтайди.

Ёш рассомлар модельни ён тарафдан, марказ чизиғи тос суяги билан аралашиб кетган кўринишидан расм қаламслиги керак. Чунки бу ерда рассом учун симметрик жуфт шаклларни солиштириш имкони бўлмайди.

Анатомик модель расмини ишлашнинг бошланғич босқичи бошқа жисмлар расмини ишлашдан фарқ қилмайди. Бунда жисм синчковлик билан таҳлил қилинади. Рассом моделни ўрганади ва кўриш нуқтасини танлайди. Рассом тасвир воситаларини тайёрлаб ишга киришади. Модель берилган форматдаги қоғозга тўлиқ сиғиши учун, авваламбор модельнинг энг юқори ва энг пастки нуқталарини аниқлаш керак. Расм ишлаш жараёнида тасвир қоғознинг марказида жойлашиши керак. Расмни бир кўриш нуқтасидан чизиш катта аҳамиятга эга, аммо жисмнинг турли томонларини билиш ва кузатиш керак. Шунинг учун тажрибали рассомлар айтганидек жисмни олд томонидан чизаётганда, унинг ён томонлари ва орқа қисмини ҳам тасаввур этиш лозим. Одам расмини ишлаш вақтида доимо шуни ёдда тутиш керакки, ҳажмли шакллар расм чизишнинг асоси бўлиб ҳисобланади, расм чизиш кетма-кетлиги эса умумийдан алоҳида қисмларга ва қисмлардан бойитилган умумий тасвирга ўтиш тартибида амалга оширилиши керак. Натурадан расм чизиш тартибига амал қилмаслик натижасида, ишланган тасвир нотабиий кўриниш касб этади.

Ҳар бир иш ўз бошланиши, давом этиши ва якунланишига эга бўлганидек, расм чизиш жараёни ҳам ушбу тўртта босқич асосида амалга оширилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, умумийдан қисмларга, оддийдан мураккабга ўтиш тартиби – расм чизиш жараёнидаги асосий босқичлари бўлиб ҳисобланади. Иш бошлаш аввалида рассом расмнинг умумий кўриниши белгилаб олинади. Бу ерда у шаклнинг жойлашуви, ҳаракати ва характерини ҳисобга олиши лозим.

Расм чизишда модельни ушбу модель жойлашган горизонтал юзага нисбатан кенгликда тик ҳолатда тўғри жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун авваламбор бўйин чуқурчасидан тос суяги томон чўзилган ва дум суяги билан якунланган марказий ўқчизиғи ҳолатини аниқлаш зарур. Инсон танаси симметрик ва унинг марказий ўқ чизиғи торс (тана асоси) ҳаракатини аниқ кўрсатиб беради.

Кўпинча ёш рассомлар томонидан ишланган тик ҳолатдаги модель йиқилаётган кўриниш касб этади. Бунинг асосий сабаби марказий оўирлик чизиғи бўйлаб туширилган вертикаль тасвирланаётган инсон оёқларига ёки тана оўирлиги тушаётган оёққа тўғри келмайди. Рассом тананинг асосий қисмлари бир-бирига нисбатан қандай ҳолатда жойлашганини аниқлаши муҳимдир (қайси оёққа тана тиралган, тос суяги оёқларга нисбатан қандай ҳолатда жойлашган ва у қай даражада эгилган, бош ва қўлларнинг бурилганлиги ва ҳ.к. Модель ҳаракати расмда тўғри ифодаланиши учун эса ўқувчи унинг ҳаракатини ва жойлашувини тўғри таҳлил қилиши муҳимдир.

Шакл ҳолатини аниқлаш учун оўирлик тушиш маркази ва унинг йўналишини аниқлаш зарур. Оўирлик тушиш марказига кўра тана қисмлари шундай жойлашиши керакки, бунда тана мувозанатда йиқилмай туриши керак. Қуйидаги 95-расмда инсон тасвирини чизиш вақтида таянч ўқ ҳолатини тўғри белгилаб олиш схематик тарзда кўрсатилган. Мукамал тузилган одам танасининг оўирлик тушиш маркази билан, тик турган ҳолатда оўирлик тушиш марказининг ўртасида анча фарқ бор.

Ёш рассомлар ишидаги асосий камчилик кўп ҳолларда қуйидаги асосий нисбатларни аниқлаш билан боғлиқ бўлади: бош бутун тана узунлигига нисбатан ҳаддан ташқари катта ёки кичик, оёқлар қисқа, қўллар узун ва ҳок. Модель тасвирини тўғри ишлаш учун доимий равишда асосий нисбатларни эътиборда тутиш керак. Бунинг учун ўлчов воситаси сифатида, масалан, бош баландлигини олиш мумкин.

“Экорше” гипс модели расмини ишлашнинг дастлабки босқичида рассом бутун модельнинг умумий кўринишини белгилаб олиш лозим 96-расм. Модель қоғозда белгилаб олинганидан кейин, чизишни кўрсатилган кетма-кетлик бўйича қуйидаги суяклар бирлашган жойини топишдан бошланади. Бунинг учун қуйидагиларни англаб олиш керак:

модельдаги оёқларнинг ҳолатини аниқлаш учун тос ва сон суяклари бирлашган жойини аниқлаш;

тизза бўғими ва қопқоғи ҳолатини топиш учун сон ва болдир суяклари бирлашган жойини аниқлаш;

ички ва ташқи товон юқорисидаги дўмбоқлар ҳолатини аниқлаш учун болдир суякларининг товон билан бирлашган жойини аниқлаш;

икки ўмров суягининг курак ва елка суяклари билан бирлашган жойини аниқлаш;

тирсак бўғими жойлашувини аниқлаш учун елка суягининг билак ва тирсак суяклари билан бирлашган жойини аниқлаш;

билак ва тирсак суякларининг қўл кафти билан бирлашган жойини аниқлаш лозим.

Расм чизишда ушбу жойлар мўлжал вазифасини ўтайди. Анатомик модель расмини чизишни оёқдан ҳам бошлаш мумкин. Оёқни тосдан бошлаб қисмларга бўлиб чизилади. Бунда қисмлар жуфт-жуфт (иккита оёқдаги мушакларни бир-бири билан солиштирган ҳолда) чизилади.

Аввалабор соннинг тиззагача бўлган қисми, сўнгра тиззадан болдиргача бўлган қисм ва энг охирида товон шакли аниқланади.

Сон шакли тери остида жойлашган мушаклар тузилишига бевосита боўлиқ. Дастлаб расмда тос суягидан пастга тушувчи соннинг тўғри мушаги енгил чизгилар билан белгилаб олинади. Шундан сўнг соннинг устки қисмини шакллантирувчи устки ташқи сербар мушаги ва ички кенг мушак чизилади. Кўрсатиб ўтилган мушакларнинг пастки қисми тизза қопқоўи ҳисобланади.

Чизишда қулайликка эришиш учун сербар фацияни таранглаштирувчи мушакни, ҳамда ундан бироз юқорироқдаги ўрта думба мушагини белгилаб олиш керак. Соннинг юқори-ички қисмидан яқинлатувчи узун мушакни аниқлаш керак.

Болдир суяги тузилишига ўтиш давомида авваламбор катта болдир суягининг қирраси йўналишини тўғри аниқланади ва у тизза бўғимидан ички товон дўмбоўигача белгиланади.

Шундан сўнг ички ва ташқи товон ҳолати ва шакли аниқланади. Болдирнинг бутун устки юзаси бўйлаб, кичик болдир суягининг бошчасидан тортиб кичик болдир мушакларини белгилаб чиқиш керак. Болдирнинг ички тарафидан болдир мушакнинг латерал бошчаси ва камбалсимон мушак белгиланади. Шу йўл билан расмда болдирнинг олд ва ён тарафдаги юзалари аниқлаб олинади.

Товоннинг умумий шаклини чизишда болдир ва товон суяқларини бирлаштирувчи болдир-товон бўғимини эътиборга олиш муҳимдир.

Болдир-товон бирикмаси бирлаштирувчи (шарнир) вазифасини ўтайди. Унинг кўндаланг ўқи товоннинг товон усти суяги блокидан ўтади. Болдир суяқларининг пастки қисми товоннинг ошиқва ошиқбошчаси қисми билан ички ва ташқи томондан бирикиб болдир-товон бўғимини ҳосил қилади. Расмнинг умумий тасвирини ишлаш учун ўқувчи схематик тарзда товоннинг ёйсимон тузилишини тушуниб олишлари лозим. Бунда товоннинг кафт суяги ва оёқ кафт усти суяги ёй ҳосил қилиб бир-бирига тиралишини кўрсатиб бериш керак.

Ёйлар пружинасимон хусусиятга эга бўлиб, улар оёқнинг амортизацияси бўлиб ҳисобланади. Бармоқ фалангалари ҳам товоннинг баъзи ҳолатларида оўирлик тушиш маркази бўлиб хизмат қилади.

Рассом товон расмини чизишни оёқнинг таг қисми ҳолати, таянч қисмлар ва бармоқларнинг шаклини аниқлашдан бошлаш керак. Товондаги оёқкафт суягига бош бармоқнинг бирлашган қисми, ҳамда бош бармоқнинг шаклини енгил штрихлар билан белгилаб олиб, товоннинг ички ёйсимон қисми ва қолган тўртта бармоқнинг умумлашган шакли аниқланади. Шунингдек, ташқи ёй шакли ҳам белгилаб олинади.

Товон расмининг умумий кўринишини чизиш сўнгида товон пайининг ҳолати ва шакллариининг орқа томондан кўриниши аниқланади, ҳар бир бармоқ шакли ва товоннинг ёйсимон қисми (олд ва ён томондан кўриниши) алоҳида белгилаб олинади.

“Экорше” гипс модели оёғини чизиб бўлинганидан сўнг тананинг тос қисми шакли ва тана асосини (торсни) аниқлашга киришилади. Бунда дастлаб тос суягининг ёнбош суяги ҳолати ва шакли аниқланиши керак.

Тос расми ишланганидан кейин ёнбош суякдан бошланувчи қориннинг ўрта чизигидан мўлжал чизик сифатида фойдаланиш мумкин. Ўрта чизик жуфт шаклларни чизишда мўлжал вазифасини ўтайди. Тана асоси (торсни) куйидаги икки қисмдан ташкил топган деб тасаввур қилишимиз мумкин: пастки қисм – тоснинг ёнбош суяги ҳамда жинс ва киндик оралиғидан бошланувчи, ён томондан қорин мушаклари ва юқорисида қовурға ёйигача бўлган қисм; юқори қисм - қовурға ёйидан бошланувчи ва кўкрак қафасини ҳосил қилган қисм.

Кўкрак қафаси расмини чизиш давомида, авваламбор, ўмров суяги, тўш суяги ва юқоридаги бешта қовурға ва уларнинг юқори қисмига бирикувчи елка суягидан бошланувчи катта кўкрак мушакларининг ҳолати ва умумий шаклини аниқлаш керак. Катта кўкрак мушаклари орасида тўш суяги юзаси ва унинг пастки учини (ханжарсимон ўсиқни) белгилаб қўйиш керак.

Шундан сўнг ўнг қўл юқорига кўтарилганда кўкрак қафасининг ён тарафида тиш шаклини эслатувчи ва шунинг учун ҳам олдинги тишли мушаклар деб ном олган мушакларнинг умумий шакли аниқаланди. Бунда белнинг энг кенг мушагининг бир қисми ҳам кўринади. Ушбу мушакни ҳам расмда белгилаш керак. Қориннинг ташқи эгри мускуллари шаклини аниқлаш ва чизиш билан рассом тана асоси (торсни) ён томони юзасини чизишни тугаллайди.

Тана асоси (торсни)нинг олдинги пастки қисми энг охирги ўринда чизилади. Бунда асосий эътибор шартли ўрта чизикқа мос келувчи қориннинг мушаклари яхши ривожланган одамларда яққол кўзга ташланувчи қориннинг тўғри мускуллари ва пайларига қаратилади.


Расмда кўкрак қафасининг олдинги томонидан тоснинг олдинги томонигача чўзилган қориннинг тўғри мускуллари ҳолатини тасвирлаб, кўприксимон пай шакли характери ва киндикни белгилаш керак. Елка камари расмини ишлашга киришиш олдидан ёш рассомларга ўмров суягининг ички бошчаси тўш-ўмров бўғими ёрдамида бирикиши ва ўмров суягининг уч йўналиш бўйича ҳаракатланишини тушунтириб бериш зарур. Шундан сўнг ўмров суягининг иккинчи учи елка камари ва кўкрак билан бирикиши кўрсатиб берилади, елка камари ва қўлнинг ҳаракатланишида мускулларнинг (дельтасимон мускул, катта кўкрак мускули, трапециясимон мускул ва ҳок.) аҳамияти ҳақида тушунча берилади. Ярем чуқурчаси аниқланади ва елка камарининг тасвири жуфт ҳолда тасвирланади. Бош расми умумий чизгиларда ҳаракат характери мужассамлаштирган ҳолда, елка камари ва бўйин ҳолатига мослаб бажарилади.

Қўллар тасвирини ишлашга ўтишдан олдин, елка кенглигини тос кенглиги билан солиштириш керак. Қўлларнинг умумий шакли илк чизгиларда белгилаб олинган эди. Шаклни аниқлаштиришда алоҳида бўлақлар ҳолда ишланади: дастлаб елка бўғимидан тирсак бўғимигача, кейин тирсак бўғимидан билак-кафт бўғимигача, охирида эса кафт расми чизилади.

Бутун тана расмини ишлашда бўлгани каби қўлларни ҳам жуфт, параллел ҳолатда ишланади. Бу жуда ҳам қулай ва фойдалидир, чунки бундай ҳолатларда чап ва ўнг қўлнинг турли кўринишда бўлганида шаклдаги ўзгаришларни кузатиш имкони туғилади.

Дельтасимон мускулнинг ҳолати ва шакли текширилганидан сўнг, ушбу мускул елканинг икки бошли мускули ва унинг тагидан чиқувчи елка мускули орасидан чиқадиган жой белгилаб қўйилади. Куракдан бошланувчи елканинг икки бошли мускули дельтасимон мускул остидан чиқади ва пастга йўналади, тирсак чуқурчасида билак суягининг юқори қисмига бирлашган пай билан бирикади. Елка суягидан тирсак суяги бошчасигача давом этган елка мускули тери остида қисман икки бошли мускул олдидан ўтади. Икки бошли мускулнинг икки томонида чуқурчалар мавжуд ва улар рассомга елка ва икки бошли мускул чегараларини аниқ белгилаш имконини беради. Қўлнинг ён юзаси елка суягининг ички томонидан елка мускуллари билан чегараланади. Билак юзасининг умумий шакли бир гуруҳ мускулларнинг ташқи кўриниши асосида аниқланади: булар кафтни ҳаракатлантирувчи узун ва қисқа елка-билак мускуллардир.

Модель расмини чизиш якунланганидан сўнг, уни узоқроққа қўйилиб, узоқлаштирилади ва тасвирни натура билан тез-тез назар ташлаш йўли билан солиштирилади ҳамда юқоридан пастга томон нисбатлар аниқлиги текшириб чиқилади. Модель расмини чизишда, аввал ёруғлик-соя муносабатларини ҳисобга олган ҳолда, штрихлар ёрдамида умумий чизгилар чизилади. Модель умумий ҳажмга эга бўлиши учун шаклларнинг бир юзадан иккинчи юзага ўтишини штрихлар билан ажратиб кўрсатиш лозим.



Гудоннинг анатомик одам коматини тасвири (талабалар ишларидан намуна).

Шундан сўнг модельнинг алоҳида қисмлари тасвирини ишлашга ва ҳар бир детални аниқлаштиришга ўтиш мумкин.

Шаклни ҳосил қилиш учун фақатгина модель тузилиши тамойилларини умумий тарзда ўрганиш вазифаси қўйилгани учун, моделнинг майда бўлақларини ишлашга унчалик ҳожат йўқ. Масалан, қулоқ ўоваги, бурун, бармоқ бўғимлари ва ҳоказолар чегараланган вақт давомида ишланаётган расмда ифодаланмайди. Чизиқли-конструктив расмларда рассом моделнинг катта ва кичик қисмларини умумийлаштириб бир шакл кўринишида тасвирлай олиши, ҳамда шаклнинг конструктив тузилишидан фойдаланиб, ушбу моделнинг табиий шаклини кўрсата олиши етарлидир.

Шундай қилиб гипсдан ишланган анатомик модель расмини чизиш босқичларини кўрсатиб ўтамиз:

1. Модель чизиш аввалида енгил чизиқлар ва штрихлар билан композиция жиҳатидан қуриб, чизиқли конструктив асосида чизилади.
2. Чизиқ шакл ажралиб чиққунича босқичма-босқич доимий равишда қалинлаштириб борилади;
3. Модель шаклини симметрик қилиб чизиш керак, бунда жуфт шакллар ва уларнинг перспектив ўзгариши солиштириб борилади;
4. Модельга тез-тез қараб гоҳида расмнинг тузилиши, гоҳида эса қисмлари ва умумий шакли текшириб борилади;
5. Вазифани бажаришда рассомни чалўитувчи кичик деталлар тасвирига расм сўнгида, умумий тасвир ҳосил қилингандан сўнггина эътибор берилиши керак.

§1.3.9. Одам қоматини ўзига қараб чизиш

Маълумки инсон тасвирини чизишни ўрганиш аввал қисмларга бўлиб олиб борилади . У худди суяклар мажмуини: бош, гавда ва ҳаракат - таянч қисмларга бўлиб ўрганиб чиқилгани кабидир. Мускуллар ҳам худди шу тарзда ўрганилган ва чизиб машқ қилингани буни яна бир бора тасдиқлайди.

Одамнинг қиёфасини чизиш ва ҳаққоний тасвирлаш масаласи ўқув жараёнида энг мураккаб мавзулардандир десак, асло янглишмаймиз.

Одам қоматининг энг муҳим қисмлари бош, бўйин, елка, гавданинг кўкрак соҳаси, бел-тос ҳамда, юқори ва пастки таянч - ҳаракат аъзоларига бўлинишини таъкидлаб ўтиш лозим. Гавданинг туришига “ҳолат мазмуни”ни бериш, ўз ўрнида тана қисмларининг ўзига хос жойлашуви ҳамда ўзаро муносабатини англатади.

Қомат тасвирини чизишнинг асосий босқичида одам скелетини топиш амаллари бажарилади. Мазкур босқич сиз чизаётган қоматга ташқи кўриниш ҳамда скелет ёрдамида оғирлик ҳиссини бериб, ҳажмни шакллантириш жараёнига ўтувчи босқич ҳисобланади.


Кўкрак қафаси ва тос

Скелет, фигурага нисбатан симметрик қараш учун ишлатилиши мумкин. Олди ёки орқа томондан қараганда марказ чизиғи скелетни тенг иккига бўлади (кейинги бетда А ҳамда Е мисолларида кўрсатилган). Асосий чизиклар бизга ушбу симметрия томондаги чизиклар қовурғани иккита тенг яримга бўлади (қарама-қарши саҳифдаги А ва Е мисоллари). Белгилар бизга симметриядаги ушбу чизикни беради.

Бизга керак бўлган асосий белгиларни аниқлаш осон бўлиши учун чизмада улар рангли берилган. Барча ушбу асосий белгилар суяк соҳаларини намоиш этиб, улар жойлашган қисми этни ташқарига итариб туради. Мазкур ҳолда биз кўкрак қафаси ҳамда тос қисмини асосий белгилари билан шуғулланамиз. Шунинг назарда тутингки, мазкур соддалаштирилган конструкциялар скелет борасидаги билимларга асосланган.

Мазкур қисмларни ёдда сақлаш сиз тасвирлаётган скелетни фаол тарзда ифодалашга кўмаклашади. Гавданинг эгилишини ушбу нуқталар орқали кузатиш жараёнида тана оғирлигини қандай тақсимланишини кўриш мумкин.

Асосий белгилар (қисмлар) одам қоматини тасвирлашда унга ҳажм, перспективани бериш ҳамда анатомик шаклларни жойлаштиришга кўмаклашади



■ Томоқ пастидаги бўйин “чуқурча”си.

■ Ўмров суяклари. Ўмров суяклари велосипеднинг рулига ёки соддалаштирилган камонга ўхшайди. Ушбу иккита суяклар кўлларни кўкрак қафасидан нарига ҳаракатланишига ёрдам берувчи датак сифатида ҳаракатланади. Ўмров суягининг ҳолати кўлларнинг жойлашувига (ҳолатига) қараб ўзгаради.

■ Manubrium кўкрак суяги. Бу суяк икки ўмров суяклари учрашган суяк қисмини англатади

■ Sternum кўкрак суяги. Бу кўкрак қафаси суякларини биргаликда олди томондан бирлаштирувчи суякдир. Кўкрак қафаси суяги шаклининг кўшилиши билан, ушбу иккита суяклар бўйинбоғ (галстук)ка ўхшаб қолади

■ Кўкрак қафаси куббаларининг оирги нуқтаси


■ Киндик

■ Тос суягининг тепа чекка қисмлари

Елка

Юқоридаги чизмалар елка белгиларини кўрсатади. Уларга киради:

В, С ва D намуналарида қомат ҳаракатланишида асосий қисмларни жойлашиши (ҳаракат таъсиридаги ҳолатини) кўрсатилган. Қоматнинг олд ҳамда орқа томанининг учдан бир бурилиши ҳолатида симметрия чизиғини қандай сақланганлигига эътиборингизни қаратинг, аммо бу ерда у қоматнинг бир тарафига яқинроқ жойлашган. Аввал симметрия чизиғи танани тенг иккига ажратган бўлса, эндиликда у қоматнинг асосий қисмлари шаклини ҳамда уларни бурилишини кўрсатишга хизмат қилмоқда. Тўғридан текис кўринишида (юқоридаги расмларда кўрсатилгани каби) кўкрак қафаси ва тос суяги ички бурчак билан кўрсатилган.




- Бош суягига оид кертик асос
- Умуртқа. Умуртқа бош суягининг кертик тагидан тос суяги бўйлаб ўтиб, думғаза билан тугайди
- Думғаза
- Бўйиннинг еттинчи умуртқа суяги. Бу бўйиннинг пастки қисмига қадар бўлган суякнинг энг бўртган қисмидир
- Курак. Курак қўлларнинг ҳаракатланишида ёрдам берувчи ва йўналтирувчи иккита эркин ҳаракатланувчи суяклардир.

Ушбу ички бурчак кўкрак қафаси ва тосни перспективасини кўрсатиш учун ифодаланиб, бунда ушбу қисмлар кути шакли ёрдамида тушунтирилади.

Ҳажм


Ушбу расм сизнинг асосий белгилар борасидаги билимларингизни қўллаган ҳолда қандай қилиб ҳажмни яратиш жараёнини кўрсатади.

Биринчи расм кўкрак қафаси ва тос шаклини ҳаракат босқичида кўрсатади. Иккинчи расм асосий белгиларни тасвирлашни қандай бошланишини кўрсатади. Бу тўлиқ олди томондан кўриниш ҳолати бўлганлиги сабабли, барча белгилар симметрик равишда кўрсатилган. Қоматнинг ушбу кўринишидаги муаммо унинг ўта текислигида, бундай карашда кўкрак қафаси ва тос суяги кути тасвири орқали кўрсатилади. Шакл ва ҳажмни кўрсатувчи расмларни яратаётганда, шаклларга диққатни қаратишдан қочишга ҳаракат қилинг, масалан, ташқи кўринишдан фақатгина иккита нуқтага эга кути каби (ташқаридан ташқарига).



Учинчи чизма асосий белгиларни бир оз бурилган кўринишини кўрсатади. Симметрия чизиғи одам танаси буралаётган йўналиш томон қараган эканлигига эътиборингизни қаратинг (ушбу чизиқ асосий белгиларни жойлаштириш натижасида аниқланади). Масалан, агар одам танаси ўнгга қайрилса симметрия чизиғи ҳам тананинг ўнг томонига яқин жойлашади.

Бешинчи расм олди томон текислигини сақлаган ҳолда асосий белгилар ёрдамида симметрия чизиғини топишни кўрсатади. Ён томон текислиги қоматни фазода айланаётган ҳаракатини кўрсатиш учун қўшилган. Шунинг назарда тутилки, тананинг барча текисликлари асосий белгиларга асосланган. Масалан, қоматнинг олд текислиги тўрт нуқтага асосланган: ҳар бир ўрнов суягининг тугалланган қисмлари ва кўкрак қафаси куббаларининг




иккита тугалланган қисмлари нуқталарига.

Тананинг учдан бир қисм буралган ҳолати тасвири ён текисликларини ифодалашни кўрсатади (чапдан иккинчи расм). Тананинг ёнидан кўриниши кўкрак қафаси ҳамда тосни мувозанатини ифодалайди (чапдан учинчи расм). Орқадан кўриниш, тананинг орқа томонини ифодалайди. Танани орқа кўринишдан тасвирлашда кўкрак қафаси тепадан кўринганлик ҳолатида

ҳамда тос эса пастдан қаралганлик ҳолатида чизилиши лозим.

Мазкур тасвирларда кўкрак қафаси ҳамда тос суягинининг асосий шакллари кўрсатиш учун қутилардан фойдаланилган. Ушбу босқичга қадар муҳокама қилинган изоҳлар ҳамда ғояларни акс эттирувчи чизмаларни ўрганинг. Булар: асосий белгилар нуқталарини топиш, симметрия чизиқларини ўрнатиш ҳамда ҳажмни шакллантириш амалларидир.



■ қўллар елка суягининг бош қисмига, оёқлар эса тос суягига бириктирилган бўлиши даркор;

■ қоматнинг тирсак ва билак қисми ифодаси;

■ оёқнинг тизза ва паст қисми (46 бет).

Мазкур мисолда ҳаракат устидан скелетнинг асосий белгиларини шакллантириш амаллари бажарилаётганида сиз чизаётган тасвир қандай кўринишга эга бўлиши кераклиги кўрсатилган. Кўкрак қафаси ва тос суягининг асосий шакллари, скелетнинг асосий белгиларини аниқлаб, кейинги навбатда ҳаракат тасвирини яратишда оёқдаги суякларнинг эркин тасвири қўшилади. Бу ерда ҳаракат тасвири аввалгидек тушунарли ҳамда аниқ эканлигига эътиборингизни қаратинг.

Қўл ва оёқлар


Кўкрак қафаси ва тосни қоғоз юзасига, бир бирига нисбатан тўғри жойлаштириб олгандан сўнг, қўл ва оёқларни перспектив қонуниятларга асосланган ҳолда тўғри жойлаштириш керак.

Одам қоматини конструктив қуриш устида иш олиб борганда асосий жиҳатни, яъни симметрик шакллар, фигура қисмлари ҳамда мутаносиблигини тўғри сақлашга эътиборни қаратмоқ лозим.

Одам фигурасини конструктив қуришни ўрганиш жараёнида қомат тасвирини тугалланган натижасига эришиш муҳим эмас. Мазкур жараён конструктив

қуриш малакаси ва кўникмасига эришишда жуда муҳим бочқич саналади (расм чизишни ўрганишнинг бошқа босқичлари каби), ҳамда ушбу жараён бошқа турдаги расмларни чизиш жараёнида ҳам қўлланилиши лозим.

Одам скелети тузилишини геометрик шакллар ёрдамида куриш жараёнида уни кўпол ва қаттиқ қилиб ифодалаш муаммосига учраш мумкин. Чизишнинг ҳар бир босқичида сиз ҳаракат ва жараёнларни тезлаштиришни истайсиз. Фигура чизишнинг биринчи босқичида фигуранинг имо ҳаракатларини, қоматнинг фазодаги ҳолатини тасвирлашда одам скелетини кўпроқ реализмга асосланган ҳолда ифода этиш даркор.



Натурани конструктив ечими топилганданг сўнг уни анатомик кўринишини шакллантириш лозим. Бунда Гудоннинг анатомик одам қоматини чизиш жараёнида ўрганилган скелет ва мушак тизимини тузилиши ҳақида олинган билимларга асосланиш керак.


Анатомия ва архитектура

Кўплаб рассомлар тарих давомида қомат борасидаги билимларини меъморий лойиҳалар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бунинг энг кўп афзалликларидан бири бу уларнинг биргаликдаги мустаҳкам перспектива ва маконли принципларнинг қўлланилишидадир.

Бундан ташқари, анатомик шакллар ҳақида фикр юрита туриб, биз кўпроқ геометрияга асосланган эдик. Архитектурага оид маълумотларга эга бўлиш, туганмас дизайнерлик ечимларига ёки кўпроқ эсда қолувчи шакл ва нақшларни билашга олиб келади.

Кейинги чизмада қоматни ўрганишга архитектурани таъсирини кўрсатиш мақсадида перспектива бўрттирилган ҳолда тасвирланган.

Мураккаб планар тузилмалар учун анатомия тадқиқотини қомат беради. Қолган чизмалардан турли анатомик шакллар, уларнинг ҳаракати ва уларнинг перспективага таъсири ҳақидаги фикрларни ўрганиш учун намуна сифатида фойдаланиш мумкин.



ДРАПИРОВКА (одам устидаги кийимини чизиш)

Мато чизишни ўрганишда биз расмда кўрсатилган асосий нуқталардан ҳосил бўлувчи етти асосий бурма турларини кўриб чиқамиз. Таранглик нуқтасининг номланиши мато сифатига қараб, уни маълум бир юзадан итарилиш ёки ёпишиш сифатларига қараб доим ўзгариб туради. Ушбу таранглик нуқтасини қандай ишлашини кўриш учун кўз олдингизга асос (ички скелет) нуқталарни узун ва эгилувчан сим шаклида тасаввур қилинг. Бундай усулда фикр юритиш мато бурмаларини чизишни енгиллаштиради.

Бунда сиз етти хил мато бурмаларини ўша жойнинг ўзида қайтарилишини кўришингиз мумкин.

Биринчи бурма тури “бурма охири” деб номланиб, бунда бурма қандай шаклни ифодалашига қараб унинг (бурманинг) якуни перспектив ўзгаришларни ифода этади. Бошқача айтганда, бурманинг охири ўрама чизиқлар билан ишланиб, перспектив қонуниятларга бўйсунди.

Иккинчи бурма “цилиндрли бурма” деб номланади. Цилиндр бурманинг ўзига хос жиҳати ундаги кескин нуқталарнинг жойлашиш кетма-кетлигида. Ушбу нуқталарнинг кетама-кетлиги натижасида матода худди бир нечта цилиндрлар жойлашганидек кўринишга эга. Намунадаги расмдан ташқари сиз ушбу ҳолни ювиниш хонасидаги пардада, дераза пардасида ёки бошқа жойларда учратишингиз мумкин (мато кетма-кет маҳкамланган холларда). Мато бурмалари статик шаклга эга бўлсада, унинг ҳолати анатомик шакллар каби одам ҳаракати натижасида ўзгариши мумкин. Ушбу бурма бошқа бурмалар каби инсон қоматининг ҳаракатига қараб йиғилади ёки чўзилади.


Учинчи бурма "U" шаклига эга бурмадир. Бунда "U" шаклидаги бурма, мато икки учидан маҳкамланган ҳолатида ҳосил бўлади. Бундан ташқари матода ҳосил бўладиган йиғилган ва чўзилган чизиқларни “С” ҳамда “S” эгри чизиқлари орқали ифодаланишига этиборингизни қаратинг. Бурма маҳкамланган нуқталар орасида пайдо бўлиши мумкин.

Тўртинчи бурма, бир нуқтада йиғилган бурмани англатиб, у бир нуқтага яқин бир нечта бурмаларни жойлашишини англатади. Бунда мато кескин сиқилишни ифодалайди. Масалан, оёқ ва қўлларингизни йиғганингизда, бўйин ва елка оралиғида ёки ўтирган ҳолатда тос ва кўкрак қафаси оралиғида ҳосил бўлади. Бешинчи бурма “S” ёки спирал бурма деб номланади. “S” бурма, матони бураган ҳолда (бир-бирига қарши йўналишда) икки нуқтага маҳкамлаш натижасида ҳосил бўлади. Бундай бурмалар қўллар қисмида ёки бутун қоматни буралган ҳолатида (одам бутун танаси билан ёнга ёки орқага буралган ҳолатида) кийимнинг бўй баробар қисмларида ҳосил бўлиши мумкин.

Асосий бурма шакли аввал икки нуқтани бирлаштирувчи “S” ҳолатга эга бўлиб, сўнг икки ҳажмни ўраб “Т” бирикув билан якунланишига этиборингизни қаратинг.

Олтинчи бурма "Z" шаклига эга бурмадир. "Z" харфи тузилишига асосланган бурма, кийим матосининг ассиметрик бурмасини ифода этиб, у бирон оғирлик ёки матонинг бирор қисмда кўп бўлиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай бурмани шимнинг/оёқнинг куйи қисмида кўрган бўлишингиз мумкин. Ушбу намунада сиз "Z" бурмани якуний бурма билан бирлаштириш натижасида матонинг йиғилишини кўрсатишингиз керак. Таъкидлаш жоиз, ушбу жараёни сиз мато мансуб бўлган шакл перспективасига мос равишда амалга оширишингиз лозим.

Бурмалар бирлашиши мумкинлигини инобатга олинг. Масалан, қўлни чизишда бир вақтнинг ўзида эгилиш ва бурилишни ифодаловчи қўл ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатларда қўлда бир нуқтада йиғилган бурма ҳамда спиралсимон бурмалар ҳосил бўлади.



Охирги, еттинчи бурма бу ёпинчик шаклидаги бурмадир. Бу бурма ҳақиқатдан ҳам ташқи таъсирни кўрсатувчи бурмадир. Ёпинчик шаклидаги бурма одам қоматини югураётган, учаётган, ёки кучли шамол каби ташқи таъсирлар натижасидаги ўзига хос кўриниши, яъни кийим матосидаги эффектларни ифодалайди.


Мато бурмаларини чизишдаги энг хатарли вазият бу биргина бурмага хаддан зиёд этиборни қаратиш, ёки бурмаларга алоҳида қарашдир. Бундай ишлаш натижасида қоматнинг умумий шакли ва ҳаракати бузилиши мумкин



§1.3.10. Хона интерьер кўринишини тасвирлаш

***Перспектива қонун-қоидаларини қаламтасвир чизишда қўллашни
интерерни тасвирлаш жараёнида ўргатиш***


Биласизки, перспектива қонун-қоидалари ҳақидаги билимлар ҳар қандай тасвирни ишлашда зарур бўлади. Жумладан интерерни чизиш машқларида у жуда муқим аҳамият касб этади. Чунки хона ички кўринишини ёки унинг бир қисми бўлагини акс эттириш натюрмортларда ҳам портрет композитсияларида ҳам, мавзули воқеабанд композитсияларда ҳам тез-тез учраб туради.



Маълумки, хона ичида тасвирлаш керак бўлган ҳар бир нарса интерерда унга боғлиқ ҳолда мавжуддир. Шу сабаб хона ички кўринишини қандай ишланиши пухта ўрганиб олишни тақазо этади.

Интерер тасвирини чизиш албатта ўқув-машқ вазифани бажариш учун қулай кўринишга эга бўлган хонада амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ундаги жиҳоз ва нарсалар ҳам аҳамиятли. Чунки дастлабки машқларда хона ичидаги буюмлар кўп

бўлиши ишни қийинлаштиради. Ишни дастлаб кичик-кичик қоралама тасвирлар ишлаб кўришдан бошлеш керак. Перспективага асосланган тасвирни бажариш маълум ўлчамдаги қоғозни белгилаб танлашдан бошлаилади. Шу қоғоз картина текислигн (сатҳи) деб аталади.




Картина текислиги нима эканлипи тасаввур қилиш учун чизиладиган нарсага ойна орқали қараб кўриш кифоя. Агар биз шу ойнада кўринаётган нарсаларни туш билан чизиб чиқсак, уларнинг перспектив ҳолатининг тасвирини оламиз. Бу ҳолатда ойна картина сатҳи ёки картина деб аталади.

Маълумки расмни картина сатҳида акс эттириш учун киришилار экан, унинг координаталарини белгилаб олинади. Сўнгра перспектива кўрилади. Бу координаталардаи бири уфқ чизиғи ҳисобланади. Уфқ чизиғида қараш нуқтаси белгилаб олинади. Чизиш нуқтаси топилади. Асосий перпендикуляр чизиқ тортилади. Картина текислигидаги уфқ чизиғи кўриш нуқтасининг баландлиги ёрдамида белгиланади. Асосий перпендикуляр чизиғи эса кўриш текислигидан ўтади.

Перспективадаги тасвирни кўришда биз бу объектларни фронтал ҳолатда ёки бўлмаса картинага нисбатан бурчак остида кўрамиз. Картинага нисбатан параллел жойлашган сатҳлар фронтал ҳисобланади. Биринчи ҳолатдаги перспективани биз фронтал, иккинчи ҳолатини бурчакли деб атаймиз. Перспектива кўрилиши шу икки йўлдан бирида аниқланади ва тасвирланади.

Интерер қаламатасвирни ҳар турли тасвирлаш воситалари билан ишлаш мумкин. Уни қаламда, сангинада, кўмир таёқчаларда ва ниҳоят соусда ҳам муваффақиятли бажариб юксак натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир материалнинг имкониятларини чамалаб билиб олиш, сўнг тажриба қилиб фойдаланиб кўриш керак. Кичик ҳажмдаги тасвирлар, чизгилар учун албатта оддий қора график қаламдан афзали йўқ. Аммо узоқ муддатли, ҳам чизиқлар, ҳам тус бериб, соя ёруғликларини ишлаб чиқиладиган, фазовий ҳолатларни намоён этадиган ишда соус ва ретуш қаламни, шунингдек кўмир қаламчалзриинг ўрнини ҳеч нима боса олмайди. Асосий ишда аввал ёрдамчи чизиқларнинг енгил излари билан тархлар аниқланиб, сўнгра унинг шакл, ҳажм масалаларига ўтилади. Бунда интерердаги хона деворлари уларнинг қайси қисми кўринса яхши тасвирга, композитсия қурилишига эришиш мумкинлиги ҳисобга олиниши зарур.




Чизилган одамнинг кўз қараши баландлиги катта рол ўйнади. Бу хонадаги буюмларнинг қандай тарзда ифодали акс эттириш масаласида муҳимдир. Интерернинг қандай тарзда ёритилганлиги ҳам эътиборсиз қолдирилмаслиги керак. Чунки у ҳам композитсия яхлитлигини тасвир аниқлиги ва қизиқарни чиқишини белгиловчи омиллардан биридир. Хона ичидаги барча буюмлар ўзаро боғлиқликда яхлитлик тамойилига мувофиқ, шу билан бирга, чизувчига нисбаган қандай масофада турганига қараб аниқлик-тиниқлик изчиллигида тасвирланади.

Интерерни чизиш анча мураккаб эканлиги иш жараёнида сезилиб турсада уни чизиш жуда қизиқарли машғулотлардан биридир. Чунки у орқали тасвирий санъатда муҳим бўлган кўпгина билимларни ҳам назарий ҳам амалий тарзда пухта, атрофлича ўрганиб олиш имконияти бор.

Интерьерни фронтал кўринишини чизиш.

Ушбу кўриниш асосий қисм бўлиб, одатда деворнинг ост қисмидан, перспективанинг қисмларида ва тепадан қаралганда кўринади. Девор перспективаси бузиб кўрсатилмаган, унинг томонлари бир-бирига параллел жойлашган, шунингдек, унинг нисбатлари сақланиб қолган ва уни масштабда фойдаланиш учун танлашимиз мумкин.




Бу тасвирда перспективанинг афзаллик томонлари тўлиқ кўрсатилган. Меъморий чизманинг интерьерида пол, девор томонлари ва уй жиҳозлари (ҳамма элементлари билан) проекциядан кўра реалистик йўл билан кўрсатилади.

Бундан ташқари, агар биз суратга оладиган бўлсак, горизонтал объектнинг ўқ чизиқлари ва унга перпендикуляр деворлар сақланиб қолади, ва биз фронтал (олд) кўринишга эга бўламиз.

Умуман олганда, деворнинг олд кўринишида барча буюмларни тасвирлаш (беркитилган, ўчирилган ва кўриниб турган) муаммо эмас.

Ушбу кўринишда битта муаммо мавжуд: чуқурликни ифодалаш.




Натижа, бир-бирига параллел бўлган деворларнинг олди ёки орқасидаги чизиқларни чизиш имконсиз бўлади.

Улар аниқ масофада, аниқ перспективада бўлганда, биз бу масофани топиб чизишга қодирмиз. Бу саҳифада аниқ метод билан танишасиз. Бу жуда оддий метод, бироқ, геометрияни пухта билмасангиз, тушунча абстрактлигича қолади. Агар, сиз перспективани аниқ тасвирлаш мақсадида бўлсангиз, аниқ ўлчамларга эга бўлишингиз керак бўлади.

Фронтал кўринишида қандай қилиб чуқурликни чизиш мумкинлигини бир кўргазмали мисолда кўрамиз:


Яна бир мисолда ҳосил бўлган кўринишн оқа деворни орқага суриш орқали интерьерни янада мурракаблаштиришни кўриш мумкун.



Қиялик кўриниши


Бу кўринишда ҳам перспектива конун қойдалари кучга кирали ва фронтал кўринишга қараганда у иккита туташ нуқтасига эга. Шунга қарамай, иккала кўриниш бир бирига жуда ўхшаш.

Бу кўринишда, бизнинг эътиборимиз аста-секин чанга томон қаратилади. Бунда, хонанинг чап қўл томонидан марказига томон қаратилган. Бунда кичикроқ кўринган ва чап қўл бурчакдаги вертикал деворларга томон ҳаракатланиши мумкин. Фронтал кўринишда параллел бўлган тепа томон билан пастки томониниг давом чизиқлари PF1 туташ нуқтасида кесишади. Ҳақиқатда эса улар ҳали ҳам параллелдир! Бу перспектива фундаментиинг асоси ҳисобланади. Бизга кичикроқ кўринган нарсалар биздан узоқроқда жойлашган бўлади.



Бурчаклар ва параллел чизиқларни жойлаштириш

Хона ичкарасида ўтирганингизда, энг аниқ чизиқлар бурчакларни белгиловчи вертикал ва тепа ва пастки девор томониниг давом бўлган горизонтал чизиқлар. Ушбу чизиқларнинг туташ нуқтасини кўрмасдан туриб ҳам горизонтал линияларини аниқлик билан 3-5 линияларда акс эттиринг.




Туташ нуктасини жойлаштириш

Эндиги тасвирлаш жараёни чапга ва ўнгга туташ нукталарини жойлаштиришдан иборат. Тўғридан-тўғри уни кўз билан жойлаштириш

осондек кўринади. Бу қараш нотўғри ва хато қилишга олиб келиш эҳтимоли бор. Қуйида сизга туташ нуктасини жойлаштиришнинг энг тўғри йўлини кўрсатилган:

Қаламни олинг ва уни горизонт чизиқига, сиз кўраётган туташ нуктасига параллел қилиб тутинг. Оёғингиз остидаги чизиқлар тўғрисида, пол ёки



гилам, ва ёки жиҳозларнинг биринчи туташ нуктаси тўғрисида ўйланг.


Энди кўзингиздан бир йўналишда тарқалаётган линияни ўйланг. Бу сиз қидираётган туташ нуктаси бўлган чизиқлардан биридир. Агар сиз шу йўналиш бўйлаб қараётган бўлсангиз, демак, сиз танлаган туташ нуктаси мана шу.

Қаламни худди сиз уни туташ нуктасига йўллаётгандай, йўналишни ўзгартирмасдан кўзингизга яқин тутинг. Сиз белгилаётган ушбу нукта туташ нуктасидир.

Нуктанинг узоқдалигидан, сиз ҳали ҳам иккиланаётган бўлишингиз мумкин. Яна тахмин қилиш орқали горизондаги баландликни оламингиз, лекин бироз баландроқ. Умуман олганда, горизонт чизиғини кўринганидан бир мунча баландроқ оламингиз.


Агар туташ нуқтаси қоғозда бўлмаса.

Кўп ҳолларда туташ нуқтаси композициядан, чизмадан ёки қоғознинг асосий қисмидан ташқарига тўғри келади. Лекин, бу сизнинг йўналишингизни ўзгартиришингиз кераклигини англатмайди. Шунга қарамай, сиз жойингизни ва чизмангизни ўзгартиришингизга тўғри келса, сиз туташ нуқтасисиз чизиқларни чиза олишингиз керак. Бу ўринда, тахминий чизишингизга тўғри келади, аммо, барибир чизманинг тартибли чиқиши учун бошқа йўқолиш нуқтасини топиб олишимиз керак.




КУРИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ


1. Φ йўқолиш нуқтаси билан X горизонт нуқтасидан бошланг. A нуқтасидан бошлаб, бошқа йўқолиш нуқтасига қараб, A нуқтасини кесиб ўтадиган вертикал линияни чизинг.




2. Иккинчи вертикал линияни чизинг ва уни чўзинг. Бу формалар перспективада тўртбурчак шаклда намоён бўлади.




3. Диагоналларни чизинг ва вертикал линияни пастга туширинг. Диагонални кесиб ўтувчи тўртбурчакнинг марказидан пастга қараб йўллантинг.




4. Марказий линияни кесувчи AB линиясини чизинг.




5. Ушбу тўртбурчак линиянинг иккинчи диагоналини чизинг.



6. Конструкцияни A ва $A1$ ни бирлаштириш билан якунланг.





Бу ерда ётоқхона деворининг қисмларга ажратилганини кўрсатади. Кейин иккита хонанинг қўшилишидан кенг фазо яратилади. Тўсин иккита шифтнинг ўртасида эски қўшилиш кўриниб туради.

Тепадан кўриниши.


Ҳозиргача биз горизонтал кўринишни, ҳақиқий вертикал линияларни, параллел ва вертикал чизиқларни кўриб чиқдик. Ушбу кўринишда перспективанинг энг оддий кўриниши акс эттирилган. Агар бурчак линиялари кескин ўзгарса, кўтарилса ёки пасайса кўриниш ўзгаради. Бу ҳолатда перспектива кўриниши қуйдагича бўлади.




Чизманинг тепасида горизонт билан пастга томон йўналтирилган горизонтал кўриниш.



Агар чуқурликка урғу берсак, кўринишда вертикал чизиқлар туташ нуқтаси ичига кирилади.



Тепадан кўринишда, вертикал чизиқлар пастга йўналтирилади, горизонтал линиялар горизонтал кўринишни беради.





РАНГТАСВИР БЎЙИЧА ИШЛАНМА ВА АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАР

ИБОБ

“Олий, жиддий рангтасвир санъати илм-фансиз мавжуд бўла олмайди. Илм-фан ўзининг юксак намоёнида санъатга айланади».

П. П. Чистяков.

§2.1. Архитектурaviй таълимда рангтасвир ўқитиш мақсадлари

Лойиҳа яратишда қўлланиладиган рангтасвир восита ва материаллар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, бу архитектор – дизайнер талабаларининг касбий талимини муҳим вазифаларидан бири деб тасдиқлаб ўтсак хато бўлмайди.

Рангтасвир усулларига, рангтасвир материаллари билан ишлаш технологиялари, турли хил техника ва услубларига эга бўлиш, ва уларни амалиётда қўллай билиш архитектор-дизайнернинг касбий маҳоратидан дарак беради.

П.П. Чистяков шундай деган: «Техника – бу рассом тилидир: уни тинимсиз ривожлантириб бориш зарур. Техникасиз сиз одамларга ўзингизни орзуларингизни, кечинмаларингизни, ва дунёдаги кўрган гўзаликни гапириб бераолмайсиз» [1].

Бундай кўникмалар ўқув жараёнида сув бўёқ (акварель), гуаш ва пастел (рангдор юмшоқ қаламлар), рангли қаламлар билан ишлаш амалиётида ҳосил бўлади.

§2.2. Рангтасвир ишларини бажарганда қўлланиладиган жиҳозлар

Акварел бўёқлар ўзининг номланишини латинча “*aqua*” – “*сув*” сўзидан олган. Уларни сувли бўёқлар деб номлашадиям. Акварелларда сув бўёқларни аралаштирувчи сифатида хизмат қилади. Гуаш, темпера ва мойлардан фарқли равишда акварель бўёқ каватининг тиниқлиги, шаффофлигига, ёруғликни ўтказувчанлик хусусиятига эгадир. Шунинг учун акварель – сувда тиниқ, шаффоф бўёқлар билан битилган рангтасвирдир.

Акварел қоғозга қуюқ қаватлар билан эмас, балки суюқ, сув билан аралаштирилган ҳолда сурилади. Қисман, сувга ивиган қоғозга сингиб, у намланган юза-сирт бўйича оқа бошлайди.

Сув қуриганидан кейин қоғозда юпқа бўёқ қавати қолади. Ёруғлик нурлари шу қават орқали ўтади ва оқ қоғоздан аксланиб, рангни ҳудди ичкаридан ёритаётгандек бўлади. Акварелда рангни тоза, бўёқ қаватини эса юпқа, тиниқ ва мустаҳкам ҳолда сақлаш муҳимдир. Битта жойни кўп маротаба чизавериш, қуюқ, қалин қатламли бўёқлар акварелнинг кадр-қимматини йўқотишга олиб келади, у “ёпиқ”, оғир, кўпол ва кир ҳолга келади.

Акварел сувни яхши кўради, сувнинг ортиқчалиги уни хира ва ноаниқ бўлишига олиб келади.

Акварель жудаям кўзғалувчандир. Намланган қоғозда у тезгина эрийди, ивийди, предметнинг контурларидан ташқарига чиқиб кетади ва шаклсизланади.


Сувни тўғри фойдалана олиш акварел техникасидаги энг қийин вазифа саналади.

Акварель текислик планларидаги масалаларни ечишда айниқса кенг имкониятларга эга бўлиб, у тонал-рангдор ўтишларда ўзининг нозиклигига эгадир.

Бирок акварелда тонал имкониятларнинг диапазони кам. Шундай бўлса ҳам акварелда тоннинг зичлик ва қалинлик кучига яқинлашиш жудаям зарур эмас. Зичлик, қалинлик гуашда, темперада, мойда муҳим ўрин тутати.

Акварелда муҳими қоғоз бўёқни ўзига яхши сингдириб олишига имкон беришдир. Қоғозни вертикал ҳолатда ушлаб бу нарсани амалга ошириш кийин, бўёқ тезгина пастга қараб оқа бошлайди, чизувчи кўп марталаб бўёқ қавати оқимининг олдини қирқиб туриши зарур, бу эса ишнинг булғанишига олиб келади. Бирок қоғознинг горизонтал ҳолати ҳам баъзида бўёқнинг нотекис ҳолатларда туриб қолишига олиб келади ва қора, куюқ чизикларни пайдо қилади. Демакки, қоғоз қўйилган планшет меҳёрий нишабликда, чизувчи бошқара оладиган ҳолатда жойлашиши зарур.

Акварелли расм қаламнинг енгилгина ингичка чизиклари билан амалга оширилиши зарур, акс ҳолда графитнинг чанглари (қирлари) рангтасвирни булғаши мумкин.



Акварель бўёқлар

Акварель бўёқлар уч хилда бўлади:

1. Қаттиқ плиткаларда;
2. Яримюмшоқ чашкачаларда;
3. Юмшоқ тюбикларда

Улар юпқа, нозик қирилган пигментлардан тайёрланган бўлиб, сувда енгилгина эрийди. Бундай талабларга “Белые ночи” ёки “Оқ тун”, “Нева” деб номланувчи бадий (рассомлик) акварели жавоб беради.

Пигмент ўсимлик, хайвонот ва сунъий келиб чиқишга эга бўлиши мумкин ёки турли хил тупроқ ва лойлардан ишлаб чиқарилади.

Бўёқнинг ёруғлик бардошлиги тюбикларнинг этикетикасида юлдузчалар билан белгиланади: юлдузчалар қанчалик кўп бўлса, бўёқ шунчалик барқарор бўлади.

Акварелнинг баъзи бир ранглари сувда яхши эрийди, баъзилари эса аксинча қийин эрийди.

Енгил эрийдиганлари: қора, сепия, сариқ, лазур, зумрад, яшил.

Қийин эрийдиганлари: ультрамарин, оч-сариқ (оранж), охра.

Қийин эрийдиган пигментлар кир ва доғларни келтириб чиқаради, шунинг учун бу аралашмаларни қоғозга ва тўғридан-тўғри керакли ранглар кучини қўйиш лозим.

Акварелдаги ёрқин бўёқларни ҳар доим бошқа ранглар билан йўқотиш, хиралаштириш, лойқалаштириш мумкин, лекин, бузилган кир ёки хира жойларини (участкаларни) оқартириш, ёритиш ва уларнинг ёрқинлигига эришиш мумкин эмас. Акварел ишларни куруқ жойда сақлаш керак, чунки улар захликдан бузилади.



Акварел учун мўйқаламлар (чўткалар)

Мўйқаламлар (чўткалар) – қаттиқ (дағал жундан, қилдан қилинган) ва юмшоқ (олмоҳон жунидан қилинган) бўлади.

Шакли бўйича – япалоқ (текис), думалоқ, ўткир учли, тўмтоқ бўлади.

Жун ва қилларининг узунлиги бўйича – калта ва узун бўлади.

Катталиги бўйича – катта, ўртача ва кичик (майда) бўлади.

Катта мўйқаламлар (чўткалар) йирик фарматли, катта сиртли ишларни бажариш учун зарурдир.

Ўртачаси аудиторияда, узоқ давом этувчи характерга эга бўлган ишларни бажариш учун зарур.

Кичкина, майда мўйқаламлар (чўткалар) майда деталларга ишлов беришда фойдаланилади.

Ўқув ишлари учун №10, №6, №3 рақамли мўйқаламларга (чўткаларга) эга бўлиш лозим.

Акварел учун олмоҳон жунгидан қилингани яхши мўйқалам ҳисобланади. У эластик, юмшоқ ва шу билан бирга мустаҳкам, чидамли ва ишда қулайдир. Мўйқаламнинг (чўтканинг) жунлари агар сув билан ювилганда ва силкиганда биргаликда бир тўп бўлиб йиғилса, демак шу жундан қилинган мўйқалам (чўтка) яхши ҳисобланади.

Иш тугатилгандан сўнг чўткачаларни иссиқ сувда хўжалик совуни билан ювиш керак бўлади. Мўйқаламни (чўткачани) сувли банканинг ичида учи билан пастка қаратиб қолдириш ярамайди. Бундай ҳолда мўйқалам (чўткача) қайирилиб (эгилиб) қолади ва ҳар тарафга ёйилиб кетади. Япалоқ, текис мўйқалам (чўтка) ювилгандан кейин юмшоқ қоғозга ўраб қўйилади, бундай ҳолда унинг куракчали шакли ўз ҳолида яхши сақланади.

Иш учун мўйқаламлардан ташқари хира доғларни қириб тозалаш учун пичоқча, босма қоғоз, латта, губка ва унга ўхшаш нарсаларга эга бўлиш лозим. Губкани қоғоздаги яхши чиқмай қолган жойларни ювиб ташлаш ёки уни намлаш учун ишлатиш яхши иш беради.

Акварел учун қоғоз

Акварел учун асос сифатида қоғоз хизмат қилади. Унинг кашф этилишигача акварел билан папирус, пергамент, фил суяги ва зиғир тоалсидан тўқилган матолар ҳ.к.

Қоғоз тайёрлаш учун зиғир толаси, пахта, дарахт, поҳол ва ҳ.к. лардан фойдаланилади. Қоғозга оқ тус бериш учун унга – шпат, гипс, каолин, бўр, кўрғошинли оқ бўёқ (белила), ҳаво ранг, ультрамарин, лазур каби турли хил бўёқлар ва тулдирувчилар қўшишади. Унинг ёпишқоқлиги учун унли елимлагич (клейлагич), крахмал, хайвонлар елими, желатин ва ҳ.к.

Акварел учун энг яхшиси зиғир толасидан тайёрланган турли хил навли (сортдаги) ватманлар ёки давлат белгиси сувли қоғозлар ҳисобланади. Қоғознинг юза-сирти ҳам турли хил фактураларга, яъни донадорлик, ғадир-будирликка эга.

Қоғознинг фактураси акварелга рангтасвирли ифода, жило, равшанлик беради. Силлиқ, ялтироқ, кўп миқдорда елимланган навли қоғозлар акварел учун яроқсизроқ ҳисобланади. Унда бўёқ яхши ёпишмайди ва сирпанади.

Бундай қоғозларни, улардаги ортиқча елимликни кетказиш учун бир мунча вақт сувга солиб қўйилади.

Юпқа, юмшоқ, бўш, уваланувчи навли (сортли) қоғозлар ҳам акварел учун яроқсиз ҳисобланади, яъни улар сувни тез шимиб олади.

Иш бошлашдан олдин қоғознинг юза сирт қисмини сув билан ювиб олинади, ёғ ва мойли доғлардан, кирлардан тозалаш учун эса сувга бир неча томчи нашатирли спирт қўшиш мумкин. Сарғая бошлаган қоғозни кам концентрацияли водород перекисли аралашма билан ювиш мумкин.

Акварел билан ишлаш учун, қоғозни яхшиси 40x50 см ўлчамли планшетга жойлаштирган маъқул. Қоғознинг юза ёки ички томони губка ёки тампон ёрдамида намланади ва планшетга тортилади, бунда унинг четларини қотириб маҳкамлаш учун ПВА елими (клей) ёки кнопкалар фойдаланилади.

Акварел учун палитра

Плитра қоғознинг оқ сирти билан мослаштириш учун унинг туси (тони) ҳам оқ бўлиши зарур, чунки у палитрадаги танланган рангларга қўйилади.

Палитра сифатида оқ қопламали керамикали плиткалар, тарелкалар, эмал билан қопланган металл пластинкалар, пластмассали палитралар фойдаланилади. Сирт силлиқ ва қаттиқ бўлиши лозим, чунки бўёқ унга сингиб кетмаслиги керак. Баъзи ҳолларда қоғознинг ўзи ишлатилади, бироқ у камроқ наф беради, яъни у тезда намланиб қолади, асосийси рангли бўёқ аралашмасидан – пигмент ва боғлаб турувчиларни (елимни) ўзига тортиб олади.

Палитра сифатида ойна ҳам хизмат қилиши мумкин, бунда унинг остига оқ қоғоз қўйилади. Бўёқ аралашмаси палитрадан (плиткадан, тарелкадан, ойнадан) сирпаниб кетмаслиги учун уларни саримсоқ пиёз (чеснок) ёки оддий пиёз билан енгилгина суртилади.

Гуаш

Гуашли рангтасвир елимли рангтасвирдан деярли ҳеч нарсаси билан фарқланмайди, фақатгина бўёқлар оддий елим билан эмас, сувда гуммиарабика билан ўчирилади. У шиша банкачаларда сотилади, энг яхши гуаш тури – “художественная”. Акварелни гуаш билан боғлаш мумкин кўплар шундай чизишади. Бундай ҳолда яхшиси акварел билан бошлаш, сўнгра эса гуаш қўшиб, кейин чизиш керак, бироқ шундай қилиш керакки, бунда рангтасвир қавати бир турга (яъни бир хилга) ўхшаш бўлиши зарур. Ва албатта гуаш сув билан ювилади. Моҳиятига кўра у ҳам сувли бўёқ. Гуашни хира тусли катламда берилади, уни каймоқ куюқлигига кадар сувда эритилади.




Аввал чизилган (ёки берилган) нинг устидан қора ранг билан ҳақ, оқиш тусли ранг билан яна чизиш мумкин. Бироқ ҳар бир қаватни эҳтиёткорлик билан ошириб бориш лозим: рангтасвир қуриганда кўчиб, тўкилиб тушиши мумкин. Қуриган бўёқ жудаям оқариб кетади. Шунинг учун гуаш билан ишлаганда намлик билан ишлашни, рангтасвирни доимий тарзда ҳўллаб, ивитиб, намлаб туришни маслаҳат беришади. Акс ҳолда янги чизилган (берилган) чизгилар эскилари билан мос тушмаслиги мумкин. Гуаш учун ишлатиладиган қилқаламларга эгилувчан мўй, туклардан – колонок, бўрсик ва табиий ўсимлик тукларидан фойдаланилади.

Гуашда ишлаганда қилқаламларни ўрнига мастехин ҳам ишлатиш мумкун. Бунда мастехин билан ишлаш усули худди ёғ бўёғлар билан ишлагандек. Бунда чизилган тасвирдаги рангдар мурракаб бўлиб, улар ёркинроқ бўладилар.

Пастел (Рангдор бўр қаламлар)

Пастель – бу тоза сув билан корилган бўёқлар; бирор-бир массага келтириб аралаштирилган гил-лой (асосан оқ тусли трубкачалар шаклида), уларни кўпинча куруқ қаламчалар кўринишида тасвирлашади; фақатгина таркибида гил-лой бўлмаган баъзи бир бўёқларгина сувда оз миқдордаги камеди (гумми) елими аралашмаси билан эритилади. Шундай қилиб, аён бўладики, пастель рангтасвири чизилувчи



асосда – қоғозда, картонда, холстда (бўзли асос) ва бошқалар. – механик тарзда эса, фақатгина ғадир-будур ёки дағал сиртли юзада бўлиши мумкин.

Бу эса, табиийки, пастел билан ишлаш учун худди шундай сиртга эга бўлган материални танлаб олишга ёки унга пемзоли кукун қаватини ёки бирмунча миқдорда елим қўшилган кум қоплаш йўли билан сунъий тарзда ғадир-будирлик ҳосил қилишга мажбур қилади. Пастелга мос материал танлашда шу нарсани назарда тутиш зарурки, кукунли бўёқлар берилган юза сиртдан осонгина сочилиб ёки тўкилиб кетади ва бундай бўёқлар ҳеч қандай боғлаб (ёпиштириб ёки ушлаб) турувчи моддаларсиз бошқаларига қараганда кўпроқ даражада намгарчиликлар ва газларга чидамсиз бўлади. Имкон қадар камроқ вибрацияланувчи ва етарлича қалинликдаги материалларни танлаб олиш зарур, масалан, картонни танлаш мумкин, уни икки томонидан ҳам акварелли фиксатор ёки рангтасвирлик лаки билан қоплаб намгарчиликдан сақлаш қийин эмас.

§2.2.1 Сув – бўёқ техникаси ва унинг асоси

Акварель.(сувда қориладиган бўёқ) сувли бўёқлар билан ишланадиган тасвирий сурат турларидан бири ҳисобланади. «Акварел кўзни аниқ бўёққа, кўлни тўғри ва дадил мўй қалам тортишга, ақилни эса ранг қонунларини ҳисоб-китоб қилиш ва чуқур тушунишга ўргатиши керак», -деган эди П.П.Чистяков.

Акварел билан ишлашни яхши мустаҳкам қоғозда амалга ошириш, қоғоз планшет (тахтача)га албатта тортилган (елимланган) бўлиши керак.

Акварелда кўп қатлам бўёқ суртиб уни тузатишлар қилиш мумкин эмаслигидир. Иш қатъий муайян тартибда олиб борилади. Олдин бир мунча ёруғ ранглар берилади, очик қолади. Кейин аста-секин тобора кулоқ ранглар берила боради. Тузатишлар қилмаслик учун. тасвирда аниқ чизиб иш пухта ўйланган ҳолда очиб берилиши керак. Ёруғ жойлар бўёғини ниҳоятда аниқлик билан олишга ҳаракат қилиш лозим. Ишнинг асосий ранг бўёғини тасвирини аниқлаб олиш учун кичикроқ ҳажимда бўёқда дастлабки этюд қилиб кўриш лозим. Бундай этюд узоқ давом этадиган ишда ранг ва бўёқларни бир мунча аниқ топишга ёрдам беради.

Акварелда узоқ ишни услубий олиб бориш учун ессеровкалар (қуриган жойларга юпка бўёқ риш) қўлланилади. Лессеровкалардан фойдаланиб бирмунча аниқ рангни топиши мумкин, бунда бир бўёқ қатлами устига иккинчиси усталик билан қоплаб берилади, бўёқ ифлосланмаслиги учун уч хилдан ортиқ бўёқни аралаштирмаслик керак.

Бу ҳолатда лессеровкалар ёрдам беради. Лекин лессеровкаларни ишлатишнинг махсус тартиб қонунлари бор. Лессеровка усули бўёқлар тиниқлигига асосланган, ана шу тиниқлик туфайли улар тагигача кўриниб туради. Бу ҳислат рангларни зўрайтиради. Лессеровка – бу умумлаштирувчи, ранглар ўйғунлиги усули, бой ранглар, ёрқин акс беришларга тўла қуюқ соялар усули айниқса «плерер» рассомлигида юмшоқ фазо (бўшлиқ) план (режа)лари усулидир. Этюд устида ишлаш пайтида баъзан айрим жойларни ювишга ёки рангини юмшатишга тўғри келади. Бунинг учун губка (юмшоқ ишқалагич) ишлатилади. Лекин тузатишларга ҳам эҳтиёжлик билан муносабатда бўлиши керак, акварел асарнинг янгилигича, бўёқ қатламни тиниқлигига путр етказмаслиги керакдур.

Акварел усулида ишни деталлаштириш ҳам осон эмас. У бадий тасаввурда аниқликни, ранг беришда ниҳоятда пухталиқни ва нарс ҳажимли шаклни зўр билишини тақозо этади. Тафсилотлар енгил туширилиш аниқ, ишончли чиқиши керак. Ана шундагина у нарсанинг бадий таъсирчанлигига жавоб беради. Тансилот бўёғи жуда аниқ бўлиши лозим, чунки акварел усулида тузатишлар қилиш мумкин эмас. Буюмни бир йўла бўёқ бериб ишлашга ҳаракат қилиш лозим.



Бир неча йўла қайта тузатилган жойлар ўзининг ўткир тасвирий рангларини йўқотади, бу ҳол бутун ишнинг сифатини бузади.

Қисимлаштиришнинг техник усули мўйқалам тартиб бўёқ бериш ҳисобланади, мўйқалам тортилаётган бўёқ рангидан ташқари унинг йўналишига ҳам эътибор бериш лозим. Шаклни кўпроқ таъкидлаш учун штрих (ингичка чизик) ишлатилади.

У мўйқаламнинг ўткир учида берилади, унинг ёрдамида ишдаги майда деталлар тасвирланади. Акварелдаги қисқа муддатли этюдлар учун ҳўллигида ишлаш усулини қўллаган яхши. Бу усулда тасвирланиш жиҳатидан жуда қизиқарли иш чиқади, бўёқлар таъсирчан қўйилган бўлади.

Бу усул бир бўёқ қатламини иккинчисига қўйиш қондасига асосланган бўлиб, ранг ёғдуларини жилосини мужассамлаштиради.

Гуаш. Расм солишнинг бу қадимий усули, акварелнинг турларидан бири сифатида маълум бўлиб 16 аср ўрталарида ижод қилган рассом Паоло Пано томонидан биринчи марта ишлаб чиқилган Бизнинг замонимизда у яна оммалашиб кетди, махсус гуашь бўёқлар ишлатиладиган ёки гуашь белгилари қўшилладиган акварел рассомлиги сифатида тарқалди. Гуашь акварелга ўхшаш сувли бўёқларнинг ўзи, лекин унинг бўёқлари ялтирамайди, устама-уст ишлашида қопланадиган ҳисобланади. Гуашь билан ишлашда ранг яхши чиқмаган жойларига, ранг бериб бўяб қўйиш мумкин.

Лекин гуашь таркибида белила кўп миқдорда бўлганлиги учун улар қуриганда ўз тусини ўзгартириб оқаринкираб қолади. Гуашьнинг бу хусусияти ишлашда катта қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун унинг қанчалик оқариб қолишини аниқ топа билиш лозим. Гуашьда ишлаш тажрибаси ва малака ортириши оқибатида бу вазифани уйдасидан чиқиш мумкиндир. Гуашь билан худди акварелдагидек суюқ қилиб бўяш мумкин, лекин гуашьдаги ҳамирсимон ҳолат ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб қилади, чунки бўёқнинг қалин қатлами ёрилиб кетишига мойил бўлади. Бундан ташқари ҳамирсимон ҳолатда юқори қатлам пастки қатламларни ювиб юбориши ва улар билан аралашиб кетиши ҳам мумкиндир.



Гуашь сувда осонгина кетади. Гуашнинг ана шу хусусияти учун қуриган жойларга юпка бўёқ бериши мутлақо мумкин эмасдур. Гуашь усулида ишлаб манзараларни таъсирчан чиқариш мумкин, ранг умумлашмаларидан кенг фойдаланиш мумкин. Гуашнинг расм ишлашдаги хусусиятларини тўғри нур билан ёритилган манзарали тусдаги натюрмортларда тўлиқ намоён этса бўлади.

Катта макон бўлмаган шаклга кучли бўёқ бериш ва нарсалар маконда кўмиб ташланмаган холларда ундан фойдаланиш самаралидир.

Бундай натюрмортларда гуашнинг манзаралилик имкониятлари асарнинг манзара жиҳатидан таъсирчанлиги ва мутаносиблик вазифалари аниқ ва лўнда бажарилишига мос тушади. шунингдек гуашь бўёқдан театр-рассомчилигида, плакат-графикасида жуда унумли фойдаланиш мумкин.

Гуашни асосан вақтинча безак вазифасини ўтовчи, ҳамда хомаки ишлов бажаришда, китоб графикасида унумли фойдаланиш мумкин. Ўқитиш жараёнида шу нарса яна бир-бир амин бўлдики ўқитиш методикаси, амалий ишлар билан бирга, уларни ривож ва бадиий даражаси устида ҳам фикр юритамиз, ҳозирги замон талаби бўлиб қолди. Албатта биз яратаётган ранг-тасвирлар, чизгилар, доимо безак бўлавермайди, айримларигина бу талабга жавоб бериши мумкиндир. Дизайинчи талабалар курс лойиҳаларида хилма-хил интерьерлар чизгиларини яратадилар. Агар уларга ҳар тарафлама бадиий талаб доираси кенглигини ўргатсак албатта улар ҳам иш жараёнида ижодда янги қирраларини очишга ҳаракат қиладилар. Шундай мақсад асосида рангтасвирни, ранглар муносабати, сувли бўёқлар асосини қачон, қай пайтда фойдаланиш мумкинлигини билиб олиш керакдир. Рантасвир асосан ишни кўрсатадиган тадбирлардан бири эканини унутмаслик керакдир.


§2.2.2 Акварел билан ишлаш услуби

Акварелда ишлашнинг иккита асосий услуби мавжуд: кўпқаватли ва узоқ давом этадиган лессировка услуби ва бир мартада тус нисбатлари аниқ бериладиган «Alla prima» услуби.

Ўқув жараёнда бу икки услубни қўллаш ўқув вазифадан келиб чиқган ҳолда танланади. Битта тасвирда ўзида иккала услубни қўллаш ҳам мумкун. Уш бу масалани талаба мустақил ҳал қилиши лозим.

Лессировка (кўпқаватли акварел бўёқларини бериш) бирор бир иш устида давомли кўп сеансли ишлашда кенг фойдаланилади.

Бу усулни олиб бориш рангтасвирни ўрганиш жараёнида ўта муҳим ва етакчи рол ўйнайди. Чизишинг бундай усули узоқлашган пландаги сояли жойлар рангтасвирида тез-тез фойдаланилади.



Бир қатламли бўёқ предметни кўриниш даражасида олдинги планга суради, юкпа ялтироқ бўёқлар билан кўпқатламли лессировка қилиш предметни фазовий муҳитга узоқлаштиради, уни сояга киритади. Лессировка бархатли, бронза, олтин ранг ва бошқа тўйинган предметларни тасвирлашда фойдаланилади.


Услубнинг моҳияти – шаффоф, тиниқ, равшан бўёқ қатламларининг бирини бошқаси устидан кетма-кет тарзда беришдир. Лессировкалар билан ишлаш услуби аввал йилиқ ва интенсив тонларни беришни, сўнгра эса совуқ ва камтўйинган тонларни беришни талаб этади. Биринчи чизишни анча шаффофрок, равшанроқ бўёқлардан бошлаш керак. Улар қоғозни яхшироқ ўзлаштиради, қоғоз билан мустаҳкам бирлашади ва навбатдаги бўёқни беришда ювилиб суркалиб кетиши камроқ бўлади. Тўқ ва тўйинган ранглар биринчи навбатда бериледи.

Ишни яхшиси йирик рангли доғлардан бошлаган маъқулроқдир, масалан, ишнинг фонида. Дастлаб бўёқлар тони ва рангги бўйича кучсизроқ ва бир-бирига тўғри келувчи ранглари бўйича берилади. Бироқ бўёқни жудаям оқарган тарздаги рангсиз тусда бериш ярамайди. Бир жойни бўёқ билан имкон қадар 3 мартадан ошмаган ҳолда ишлов бериш лозим, акс ҳолда кўп мартали ишлов бериш қоғозни эритиб юмшатиб юборади, акварел эса аниқлик, шаффофлик ва равшанлигини йўқотади, чапланган ва кўпол тарзда чиқади.

Ранг ва тонларни такрорий кучайтириш бўёқнинг қуриганидан сўнггина амалга оширилади. Кўпқатламли бўёқ бериш билан ҳажмли шакллارни ёпиштириш амалга оширилади.

Алла-прима услубида бўёқ бериш – бу услуб акварел бўёқларда ишни тез бажаришдан иборат. Керакли ранг ва тонлар бир қатламга олинган бўёқларнинг интенсивлигидан келиб чиқади. Бу услуб асосан натура, эскизлардаги қисқавақтли этюдларда фойдаланилади.

Ишни қўйилган натурадаги энг интенсив рангдан бошланади. Ишни бошлашдан олдин бўёқ яхши сингиши учун қоғоз сув билан енгилгина намланади. Бир рангдан бошқасига енгил ўтишга эришиш учун имкон қадар



тўқ ранглар тусини ёрқинларига киритиш лозим. Иш мазка ва заливкалар билан ишланади. Ранг тўшамаси бир қатламда, қайта такрорий ишлов бермасдан бажарилади. Предметларнинг шаки деталларисиз, умумлашган ҳолда ёпиштирилади. Соялар интенсив тарздаги рангда, сувли мазкада ишланади.

Рангтасвирда яна бўёқ қатламларини хом (ишлов берилмаган) тарзда ҳам фойдаланилади.

Бу услуб енгил, равшан тиниқ ранглар ва рангларнинг енгил ўтишига эришиш учун ёрдам беради. Рангларнинг хом (ишлов берилмаган) тарздаги услуби бўйича фойдаланиш айниқса булутли кунлар, туманли тонглар каби ҳолатларни чиқариб бера олишда ўта қўл келади. Ишни бошлашдан олдин қоғознинг юз қисми сув билан намланади, сўнгра янаям намланган сиртга керакли ранглар туси берилади.

Қоғознинг намлиги предметларнинг чегараларини юмшатади. Чизишни қоғознинг устида намлангандан кейин ортиқча сув намлиги қолмагандан кейин бошлаш керак. Ишри яхшиси тепа қисмдан, тон ва рангларнинг муносабатларини аниқлаган ҳолда бошлаш лозим. Ҳали берилган ранг қуримасдан туриб, унинг ёнидан, унга мос тушувчи, уни қамраб олувчи бошқа ранг берилади. Агар берилган рангга ўзгартириш киритиш зарур



бўлса, у ҳолда улар ҳали хом рангли қатламлар шаклида киритилади.

Қоғознинг қуриш имконияти даражасида уни яна бошқатдан намланади ёки унинг остига намланган латтани ёки аввалдан намлаб қўйилган тоза

қоғозни ойнага қўйилади, бу эса унинг намлигини узоғроқ муддат сақлаб туришга ёрдам беради.

Иш пайтида кераксиз берилган бўёқларни ювиб юбориш ёки сиқилган чўтка ва губка билан олиб ташлаш мумкин.

Акварел рангтасвирида ушбу кўриб ўтилган чизиш усуллари бир-бирлари билан мос келиши учун фойдаланилади.

Ушбу усулларнинг бир-бирларига мос келиши рангтасвирни бойитади, уни уйғунлашган ягоналикка олиб келади.

§2.3 Рангтасвирда ранг уйғунлиги ва колорит

§2.3.1 Ранглар доираси

Ёруғлик, айниқса қуёш ёруғлиги рангтасвир учун ўта муҳим аҳамиятга



Спектрдаги ранглар маълум бир қатъий тартибда жойлашади:

1. қизил;
2. тўқ сариқ;
3. сариқ;
4. яшил;
5. ҳаво ранг;
6. тўқ кўк;
7. бинафша ранг.

эга. У табиатнинг рангдорлик бойлиги ва колоритлигини белгилаб беради.

Ёруғлик нуруни қоронғу хонага уч қиррали шиша призма орқали киритсак, оқ рангли экранда кўп ранглардан иборат бир бутун рангли тасма пайдо бўлади. Ушбу бир бутун рангли тасмани **спектр** деб аташади.

Ҳар бир ранг биридан бирига ўтади ва ўтувчи рангларни ҳосил қилади.

Агар спекторнинг рангларини бир чизигга эмас, бинафша ва қизил рангни улб айлана ҳосил килсак, бундай айлана ранг доираси деб номланади.

Рангларнинг асосий хусусиятлари


Юқорида санаб ўтилган қизил, тўқ сариқ, сариқ, яшил, ҳаво ранг, тўқ кўк, бинафша ранглар **хроматик** ранглар дейилади (яъни, рангдор, рангли ёки рангга эга).

Табиатдаги барча кўринувчи: оқ, кул ранг ва қора рангларни **ахроматик** ранглар деб номлаш қабул қилинган (яъни, рангсиз).

1 ранг тони



2 Ранг ёрқинлиги



3 ранг ёриғлиги

Хроматик ранглар бир-биридан қуйидагилар билан фарқланади:

Ранг тони (ранг туслари мавжуд) деганда шу предметнинг ранги тушинилади, яъни масалан, қизил, яшил, бинафша ранг ва ҳ.к.

Ёриқинлиги — бу хроматик рангнинг кул рангдан фарқланиш даражасидир.

Бирон бир ранг кул рангдан қанчалик кучли фарқланса, у шунчалик тўйинганликка эгадир.


Кам тўйинган рангларга мисол тариқасида қуйидаги ранглар хизмат қилади: оч-сариқ, оч-қизил, оч-ҳаво ранг, оч-жигар ранг ёки тўқ-жигар ранг, тўқ-кўк ранг ва ҳ.к.

Амалиётда кам тўйинган рангларни ҳосил қилиш учун хроматик рангларга оқ ёки қора рангни қўшиш (аралаштириш) йўли билан эришилади. Мойли рангтасвирда бунини — **тонни (ранг тусларини) лойқалантириш** дейилади, акварель рангтасвирда эса рангнинг тўйинганлиги мўйқаламга (чўткага) сувнинг, пигментнинг шимилиш миқдориغا боғлиқ.

Ёруғлиги (очроқ ранг, ёруғроқ) – бу рангларнинг оқ рангга яқинлашиб келиш даражасидир. Масалан, сариқ ранг жигар ранг, кўк ранг, бинафша рангларга нисбатан анчагина очроқ (ёруғроқ).

Ахроматик ранглар бир-биридан фақатгина ёруғлиги бўйича фарқланади, яъни бир ранг бошқасидан нисбатан ёруғроқ ёки тўқроқ бўлади. Бироқ уларнинг орасида ҳам оқ, кул ранг, қора тусли рангларнинг кўп турлари мавжуд. Энг тўқ бўёқ сифатида газ курумани ҳисоблаш мумкин. Оқ бўёқлардан энг ёрқини – цинкли оқ бўёқдир (белила).

Энг кўпроқ акс эттириш хусусиятига эга бўлган нарсалар – бу тоза оқ рангли предметлардир. Қора рангли предметлар эса ёруғликни кучли даражада ютувчидир.



Хроматик доирадаги баъзи бир ранглар қуёш ёруғлигида янаям ёрқинроқ тусга киради, агар унинг ўз ранги ёруғлик ранги билан мос тушса, у ҳолда янаям интенсивроқ (жадалроқ) тусга киради.

Ахроматик ранглар, аксинча ўзидаги тўйинганлик хусусиятини йўқотади, тўқроқлашади ёки қоралашади. Баъзи бир рангга эга бўлган рангдор предметлар спектр нурларининг баъзи бир қисмларини ютади, бошқаларини эса акслантиради. Бу эса рангларни **танлаб** ютиш дейилади. Масалан, қизил ранг яшил нурларни кўпроқ ва қизил нурларни камроқ ютади. Яшил ранг эса қизил нурларни кўпроқ ва яшил нурларни эса камроқ ютади.

Сунъий тарзда ёритиш доирасида спектр нурларининг сариқ-қизил қисми кўпроқ рол ўйнайди. Ўзаро мослашган (бир бирига мос тушган) рангга эга бўлган предметлар ёрқинроқ, тўйинганроқ тусда кўриниш беради,

аксинчаси эса (қарама-қарши), яъни ранглари бўйича ёруғлик нурларига тескари бўлса, у ҳолда рангсизланади (ҳиралашади).

§2.3.2 Ранг контрастлари (ранглардаги кескин фарқланиш)

Табиатда ранглар ҳар доим бошқа ранглар билан ёнма-ёнликда жойлашади.

Демакки, ранглар бир-бирларига ўзаро таъсир этади. Бу эса ранг туслари, ёруғлигини ва ёрқинлигини ўзгаришига олиб келади, бу ҳолат – **контраст** (рангларнинг кескин фарқланиши) дейилади.

Шундай экан, тўқроқ ранглар қўршовида бўлган ранг – ёрқинлашади, аксинча ёрқинроқ ранглар қўршовида бўлган ранг – тўқлашади.


Ушбу ҳодиса хроматик рангларга ҳам, ахроматик рангларга ҳам ҳос. Бу ҳолат умуман олиб қараганда (моҳиятан) иллюзиядир, яъни кўришнинг алданишидир. Бироқ, иш пайтида бу ҳақида, яъни оқариш ва қорамтирликни албатта ҳисобга олиш лозим.

Рангларнинг бир-бирларига ёнма-ён жойлашувлари туфайли нафақат ёрқинлик ўзгаради, ва балки ўзрао таъсирлашиш оқибатида улар янгича тусли рангларга эга бўлади. Масалан, қизил ранг қўршовида қолган кул ранг бирмунча яшиллаган тусга киради, яшил фонда эса, аксинча, қирмизи рангли, қизарганроқ тусга киради, яъни ахроматик рангларда рангларнинг тусланиши (оттенка) юз беради. Кул ранг тусли ранглар эса ўзлари келиб чиққан ўша фонларнинг (аксинча) қарама-қарши (қўшимча) тусларига эга бўлади.

Айнан шундай ҳолатни хроматик рангларда ҳам кузатиш мумкин.

Масалан, агар сариқ ранг қизил ранг қўршовида жойлашган бўлса, у ҳолда у бирмунча яшиллаган тусда кўринади, яшил фонда эса у қизарганроқ тусда кўринади. Қизил ранг яшил ранг қўршовида янаям тўйинганроқ кўринади. Ушбу ҳолатлар рангларнинг ўзгаришида **хроматик контрастлик** дейилади.

Спектр рангларидаги – **қизил, сариқ, кўк** ранглар – **асосий ранглар** деб қабул қилинади.



Уларни бошқа рангларнинг аралашувида олиб бўлмайди. Агарки, спектрнинг иккита четки қизил ва бинафша рангларини аралаштирсак, у ҳолда янги оралиқ ранг – тўқ қизил ёки қирмизи (пурпур) ранг ҳосил бўлади. Натижада биз кўпроқ муҳимроқ бўлган саккизта рангга эга бўламиз – булар: сариқ, тўқ сариқ (оранжевий), қизил, қирмизи (пурпур), бинафша ранг, кўк (синий), ҳаво ранг ва яшил.

Агар ушбу ранглар тасмасини бирлаштирсак, у ҳолда ўзгача ранглар доирасига эга бўламиз. Ранглар доираси у ерда мавжуд бўлган ранглар миқдори бўйича турлича бўлиши мумкин, масалан: 8, 16, 24 ва ҳ.к.

Бизнинг кўзимиз тахминан 150 тусдаги рангларни ажрата олади.

Яшил, ҳаво ранг, кўк ранглар – **совуқ ранглар**; сариқ, оч-сариқ (оранжевий), қизил ранглар – **иссиқ ранглар** дейилади.

Иссиқ ранглар қуёш билан, олов билан ассоцияланади, совуқ ранглар эса муз (ях), осмон ва ҳ.к.лар билан.

Иссиқ ранглар ранглар доирасининг ўнг қисмида, совуқ ранглар эса чап қисмида жойлашади. Қарама-қраши жуфликдаги ранглар контрастли бўлади. Масалан, сариқ ва бинафша ранг, ҳаво ранг ва қизил, кўк ва оч-ранг, ва ҳ.к..

Контраст рангларнинг маълум бир пропорцияда аралашидан ахроматик рангни (кул ранг) олиш мумкин. Шу каби иккита хроматик рангни **қўшимча ранглар** дейилади.

Булар шундай қуйидаги ранглар жуфтиликдир:

- қизил – яшил;
- сариқ – кўк;
- яшил – қирмизи (пурпур);



Ҳар бир қўшимча ранглар бир-бирлари билан ёнма-ён жойлашувидан ўзаро кучайишади.

Иссиқ ранглар – чиқувчи (намоён бўлувчи), яъни яқинлашувчи, совуқ ранглар эса – узоқлашувчи, яъни чуқурликка, ичкарига, қаърига кетувчидек қабул қилинади.


§2.3.3 Ёруғ-соялар (светотень)

Ёруғлик туфайли биз предметларни нафақат рангли, ва балки ҳажмли тарзда ҳам кўрамиз. Ёруғлик билан ёритилган думалоқ ва қавариқ предметларда энг ёрқин доғ ажралиб чиқади бу – **шуъладир**. У айниқса силлиқлаштирилган шаффоф, ялтироқ ва ҳ.к. юза сиртларда аниқроқ билинади (масалан, металл, керамика, глазурь, ойна ёки шиша ва ҳ.к.).

Шуланинг рангги ёруғлик манбайига боғлиқ.

Осмондан – совуқ тусли ранг; сунъий тарзда ёритилганда эса – иссиқ ранг тусига киради.

Рангтасвир ва акварелда шуланинг ўрнига кўпроқ холларда қоғознинг оқ доғини қолдириб кетилади.



ёрқинроқ бўлади.


Предметларнинг бошқа сиртлардан аксланаётган ёруғлик нурларининг таъсирида уларнинг рангларининг ёрқинлашиши ва ўзгариши – **рефлекс** номи билан юритилади. Рефлекслар туфайли соялар тиниқлашади, равшанлашади, шаффоф кўринишда фазовийлашади.

Предметнинг ўз рангига бундай таъсирни бошқа предметнинг ёки драпировканинг ранги кўпроқ таъсир кўрсатади. Масалан, оқ рангли кўзада (ёки хум) унинг атрофини ўраб турган қизил ва кўк рангли драпировкадан таъсир этаётган қизилроқ, ҳаворангроқ тусдаги ранглар кўринади.

Ўзаро рефлекс алоқаларсиз предметнинг ранги “қуруқ” ва “ўлик” тарзда кўринади, тасвир эса текис, пластик ва рангдорлик маъносида камбағал кўринади.

Предметнинг сояли томонини – **ўз сояси** деб юритилади. Предмет ва юза сиртга тушаётган сояни – **тушаётган соя** дейилади. Тушаётган соянинг шакли уни тушираётган предметнинг шакл-шамойили ва қирраларига боғлиқ бўлади.

Предметдаги ёруғлик ва соя ўртасидаги жойни **яримсоя** ёки **яримтон** дейишади. Яримсоя ёритилган қисмига нисбатан тўқроқ, бироқ **ўз соясидан**



Ёруғ-соя тусининг градациялари бўлган – ёруғлик, шула, ўз сояси ва тушувчи соя, ярим соя, ҳажмли предметларда рефлекс берилган ҳолда предметларнинг ҳажмли-пластиклик, рангдорлик, материаллик (моддийлик) фактуралик характеристикаларини, уларнинг ёритилганлиги ва жойлашган жой муҳитини акс эттирилади.

§2.3.4 Масофага нисбатан ранглarning ўзгариши.

Ёруғлик-фазовий перспектива



Расм чизувчига яқин масофада жойлашган предметларда, уларнинг катталиги, шаклнинг характери, ҳажми, материали, фактураси, деталлари, ёруғ-соялар, ранглари ва бошқа сифатлари яхши кўринади. Ушбу предмет имкон қадар узоқлаштирилган сари ундаги ушбу сифатлар аста-секин ўзгаришга юз тута бошлайди, яъни сезиларсиз, ноаниқ ҳолга келади. Айнан мана шунинг ўзи ёруғлик-фазовий

перспективанинг вужудга келиш ҳолатидир.

Ҳолбуки, ёруғлик-фазовий перспектива текислик, юза-сирт, яссиликни, натуранинг ҳажмий-пластик ёруғ-соялар, рангдорлик, материаллик

(моддийлик) хусусиятларини кўрастиб бера олиш, узатиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Фазовий перспективанинг хусусиятлари нимада ?

Фазо (ҳаво) – бу газсимон моддий (материалли) муҳит бўлиб, унда чанг, намлик, қурумлар ва ҳ.к. лар каби кўпгина аралашмалар мавжуд.

Буларнинг ҳаммаси ёруғликнинг ўтишига тўсқинлик қилади, унинг рангдорлигини сочади (тарқатади) ва ўзгартиради. Натижада атмосферанинг ҳолатига, предметгача бўлган масофага, предметнинг (локал) ўз рангига таъсир кўрсатади. Предметларнинг ранги яқиндагига нисбатан узоқдан янаам нейтрал бўлиб кўринади. Ёрқин рангли предмет узоқлашганда тўқлашади, тўқ ранг эса – ёрқинлашади.

Узоқдан предметлар ҳаворангрок, бинафша ранглирок бўлиб кўринади. Узоқлашган сари предметларнинг шакллари ва қирралари ҳам ўзгара бошлайди, қийшиқ, эзилган, ноаниқ, ёйилган кўринишга киради. Предметлар узоқдан қараганда умумлашган, юмшоқ, текис (ясси) доғ кўринишида кўринади.

Сунъий ёритилганда ёруғлик манбайига яқин жойлашган предметлар ундан узоқроқ жойлашган предметдан кўра сезиларли равишда ёрқинроқ, ранглари бўйича ёруғроқ кўринади.

Ёруғлик преспективасини натюрмортлар, тематик постановкалар устида ишлашда ҳисобга олиш ва ушбу ишда очиб бера олиш ўта муҳимдир.

Натуранинг умумий тонли ва рангдорлик ҳолатлари


Предметларнинг моддий-фазовий сифатларини очиб беришдан ташқари *ёруғлик* масаласи ҳам ҳал қилинади. Ёруғликнинг шарт-шароитлари ва характери (қуёшли, ойли ва булутли кунлар) натурали предметларга маълум бир тарзда эмоционал кайфият беради. Айниқса бу, пейзажларда аниқ намоён бўлади. Ҳар қандай ёруғлик манбайи предметларни англаб олиш учун шароит яратади. Масалан, ёруғликнинг кучи кам бўлган ғира-шира ёки булутли кунларда предметлар сезиларли тарзда тўқроқ тусга киради, шунинг

учун куннинг турли пайтларида ёруғликнинг ёрқинлиги эрталаб ва кечкурун турлича бўлади.

Сутканинг турли вақтларидаги ёруғликнинг ўзгариши билан предметнинг ранглари ҳам ўзгаради. Масалан, хонада дераза ёнидан узоқлашган сари ранглар ғиралашади, булутли ёки қуёшли кунларда ёруғшлик интенсивлигининг ўзгариши билан рангларнинг ёрқинлиги ва тўйинганлиги ҳам ўзгаради.

§2.3.5 Ранглар ягоналиги, натура рангларининг уйғунлиги (колорит)

Ёруғлик манбайининг ёруғлик нурлари предметли моддий дунё бўёқ



рангларини бирлаштиради, уларни яқинлаштиради, турдошлик ҳолатга келтиради. Натуранинг бўёқлари қанчалик турлича бўлмасин, унинг барча деталларида мавжуд бўлаётган ёруғлик ранглари уларни *колористик* тарзда бирлаштиради.


Ўзида деворнинг, шипнинг, полнинг, предметлар, деразалар ва ҳ.к. ларнинг ёруғлигидан иборат бўлган хона ёруғлиги – у ёки бу ранглар тусига (оттенкага) эга бўлади. Предметлардаги ушбу ранглар туси натуранинг рангдорлик ягоналигини, яъни *колоритликни* яратади.



Колоритликни тушиниш учун рангли шишалардан фойдаланиш мумкин.

Агар, масалан, натурага сариқ-қизил шиша орқали қараладиган бўлса, кечкурунги ҳолатга яқин бўлган таассурот ҳосил бўлади.

Сунъий ёруғлик ёрқин намоён бўлувчи иссиқ ранглар туси (оттенка) билан, яъни тўқ тусли соялар ва ёруғлик манбайи яқинидаги ёрқин ёритилган предметлар билан ажралиб туради.



Кун ёруғлиги совуқ, бирмунча ўткир колорит эффектани беради. Ҳеч қандай ранг ёки рангли доғни бирон бир тасвирга уни умумий ранглар ҳолатига мос келтирмай туриб киритиш ярамайди. Предметларнинг ранглари ундаги ранг ва сояларга, ранглар умумийлигига турдош бўлиши зарур. Ҳолбуки, бўёқларнинг умумий ёруғлик рангига табиий тарздаги ранглар бирлашуви ишдаги уйғунлашган рангдорлик тузилишини яратишнинг асоси ҳисобланади.

§2.3.6 Фазовий – йиғимлик ечими

Ҳар бир топшириқ қўйишни натюрмортнинг асосий мавзусига аниқ жавоб бериши, ўзига тегишли вазифаларга ўқитиладиган рассомлик санъати дастурига мувофиқ бўлиши керак. Натюрмортларни тузишга таъсирчанлиги асос қилиб олиши керак; натюрмортни ташкил қилувчи ҳамма нарсаларни иложи бориша шакли ва муносабатлиги жиҳатидан хилма-хил қилиб олиш, унинг ҳамма таркибий қисмлари бир-биридан кескин фарқ қилиши керак. Таъсирчанликнинг асосий воситаларидан бири аниқ ва пухталиқдир.

Натюрмортнинг ҳар бир белгиси ўз олдида қўйилган вазифаси, у ҳоҳ асосий бўлсин, ҳоҳ иккинчи даражали вазифа бўлсин, унсурлар талабга мувофиқ ўрнашиши керак.

Натюрмортда нарсалар кўпайиб кетмаслиги лозим, чунки ортиқча унсур асосий муҳим нарсанинг қабул қилинишини сусайтиради, умумий композиция уйғунлигини беради. Натюрмортни тузиш қарама-қаршиликларнинг кескин фарқ қилишининг ўзаро таъсири асосига яхлит уйғунлиги бирга бўлган ҳолда қурилиши керак.. Натюрморт композицияси асосида унинг алоҳида қисмлари мувозаноти ётади, бунда натюрмортни ташкил қилувчи нарсаларгина эмас, балки у билан бирга тасвирланаётган манонинг бир қисми ҳам ҳисобга олинади. Ҳар бир натюрмортда композицион марказ бўлиши керак, яъни мазкур асарнинг моҳияти ғоясини ифодаловчи асосий нарса бўлиши керак. Ҳажмли шакллар жиҳатидан бу, одатда натюрмортнинг энг катта ҳажми ҳисобланади, у барча таркибий қисмларидан устунлик қилиб туради. Одатда бу нарса ўқи бўйлаб натюрмортнинг тик ўқи бўлиб хизмат қилади. Натюрмортнинг ёрқин тузилишида асосий марказий бўёқ доғининг ажратиб кўрсатиш унинг атрофида эса бошқа рангларни тақсимлаб т шундай тенглаштириш керакки, томошабинни эътибори аввал ана шу асосий ранг доғда бўлиши керак. Натюрмортнинг ана шундай асосий ҳажмли шакллар ва рангли маркази бўлиб фақат битта нарса эмас, балки нарсалар гуруҳи хизмат қилиши ҳам мумкин.

Натюрмортнинг бутун композицияси ранг ва ҳажмли шаклларнинг муносабатлиги муайян маромда қурилади, улар бир бўлиб натюрмортнинг асосий композицион мақсадни ифодаловчи ягона бир тизимни ташкил этади. Натюрмортларни композицион қуриш муқобиллари ниҳоятда ҳилма-хилдир. Чунончи, айтилик, натюрмортдаги ҳамма нарсалар бирон-бир геометрик шакл: учбурчак, пирамида, айлана ва ҳақозо шаклни олган бўлиши, диаганал турган бўлиши, ётиқ ёки тикроқ бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Ҳар бир натюрморт муайян ёрқин бўёқларда ишланади, у мазкур топшириққа жавоб беради.

рангларни уйғунлиги қатъий ўйланган бўлиши керак, чунки натюрмортга сингдирилган ранглар уйғунлиги талабалар ишларинг ранглар уйғунлигини белгилайди. Натюрморт ишлаш учун ўйланган муайян ёрқин ранглар вазифани яхлит жозибали чиқишини белгилайди.

Натюрмортга берилган рангларда ёрқин бўёқ таъкидлари яққол кўриниб туриши керак, шунингдек бу ишдаги энг иссиқ ва совуқ ранглар икки қутб сифатида барча оралиқ рангларни ушлаб туриши керак.

Натюрмортнинг энг ёрқин рангларидан энг қорасигача бўлган ранглар тузилиши худди шундай тақсимланади. Бу ранг ва тусларнинг бутун товланиши натюрмортнинг умумий композицион қурилишига чамбарчас боғланиб бир текисдаги муайян таъкидларни ҳосил қилади, чизикли ва ҳажмли шакиллар билан узвий боғланиб кетади. Натюрмортнинг ҳамма ранглари аниқ «ўқиладиган» бўлиши, яъни ранг ва бўёқларни ажралиб туриши керак. Нарсаларнинг яққол кўринишига натюрморт туси таъсир қилади, масалан ёрқин нарсаларни янада ёрқинроқ кўрсатиш учун қора фон (тус) ёрдам беради ва аксинча. Қўшимча ранг фони (туси) нарса рангини таъкидлаб кўрсатади, яқинлаштирилган ранг фони (туси) нарсани бўшлиқда узоқлаштиради. Фон (тус) иштирокида натюрмортларни қўйишда унинг мазмун ифодаси катта роль ўйнайди, у натюрмортни ташкил этган нарсаларнинг ранг ва тус хусусиятларини кўпроқ бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Натюрмортни қўйишда макон вазифалари ўқитиладиган рассомлик дастуридан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Масалан; айтайлик узоқ маконда кўрсатиш нур-ҳаво муҳитини оқилона топиш қойдаси асосида бўлади, манзарали тусдаги натюрмортлар эса одатда чекланган маконга эга бўлади. Ҳар қайси нарса (беистисно ҳамма топшириқларда) маконда ўзининг муайян жойига эга бўлади. Шундай қилиб, натюрмортнинг ҳамма таркибий қисми бутун натюрмортнинг текис композициясига бўйсиниб, нарсаларнинг изчил равишда жойлаштирилишида қатнашади.

Ёритиш ҳам натюрмортни қўйишда муҳим роль ўйнайди, хилма-хил ёритиш нарсалар ранги ва тусини талқин қилишда туб ўзгариш киритади. Чунончи, ён томондан тушадиган ёруғлик нур оқимтир ва қорамтир бўёқлар воситасида нарсаларнинг ҳажмини кўрсатиб бериш учун кўпроқ шароит яратади, тўғридан тушадиган ёруғлик манзарали тустдаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради, қарши нур талабалар олдида нур-ҳаво муҳити вазифаларини қўяди.

Натюрмортларни яратишда тагкурси сатҳини паст-баландлиги баъзида хилма-хилликлар яратади, яъни натюрморт қўйиладиган тагкурси турлича баландликда нарсаларни ҳар хил узоқликдан кичрайтириб кўриш имконияти талабаларнинг ишларида янги композицион муқобилларни яратади. Рангли ва ҳажмли шакллардан ташқари натюрмортлар ўзининг мавзулари билан ажралиб туриши мумкин.

Уларнинг буюмлари ўсимлик ва мевалар, амалий-манзарали ва халқ санъати асарларини, одамларнинг уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари ва ҳоказолардир.

Ўқув натюрморти мавзулари, ижодий натюрмортга солиштирганда бир мунча шартли тусда бўлади.

Ўқув натюрмортларида нарсаларни танлаш ва уларнинг ҳажмли шакиллар алоқаси ўқув мақсадидан келиб чиқади, улар асосан мазкур топшириқда қўйилган муайян касб вазифаларини ҳал этишга талабаларнинг касб саводи кўникмаларини ўзлаштиришларига қаратилган бўлади. Бироқ бу топшириқларда ҳам нарсалар алоқаси бузилмаслиги керак. Натюрмортни ташкил этувчи ҳамма таркибий қисмлар ягона услубда сақланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Натюрмортларни яратишда ўқувчилар сонини ҳисобга олиш керак ва талабалар иши учун иложи борича кўпроқ композицион жиҳатидан қизиқ нуқталар яратишга ҳаракат қилиши лозим. Натюрмортлар тузаётганда улар тушириладиган қоғоз ҳажми тўғрисида, уларнинг ушбу ҳажмига тўғри келиши ва камрови тўғрисида ўйлаш керак, ранг ва туси хилма-хил бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ранглар

уйғунлиги билан бирлашган ягона ажралмас яхлит куй таратувчи нарсанинг жозибасини ташкил этиши лозим.

Сиз ҳар хил муסיқа асбобларидан таралаётган умумий куй сеҳрига бир эътибор бериб кўрингчи. Шунга мувофиқ натюрморт рангини умумий оҳанги бир мақсад, умумий ранг аслининг моҳияти жилва сочиб туриши керак. 15 асирнинг ўрталаридаёқ флоренциялик рассом Ченнино Ченнини рассомлик санъати бўйича асарида ўзига қараб ишлашнинг биринчи даражали аҳамияти тўғрисида ёзган эди: «Эсингда бўлсин, санъатга зафар дарвозаси орқали киришда энг яхши етакчи йўл-бу ўзига қараб расм чизишдир. У ҳаммасидан ҳам муҳимроқдир: унга астойдил меҳр қўйсанг бўлади. айниқса расмдан биров қониқиш ҳосил қилаётган бўлсанг. Мунтазам, ҳар куни бирон нарсасиз, чунки бу мақсад йўлида сира арзимас бўлиб туйиладиган нарсани ўзи йўқ, бу сенга катта манфаат келтиради».

Ўқитиладиган рассомлик дастури ўзига қараб чизиладиган расмларнинг узлуксиз қатори тарзида тузилган, шакли, ранги ва маконни ҳал этиши бўйича бир мунча оддий топшириқлардан бўёқлари, ҳажмли шакллари ва маконни кўрсатиш жиҳатдан анча мураккаб вазифаларга томон мантиқий изчиллик бўлиши назарда тутилган.

Композиция, ранг ва тус қонунларини, шунингдек ҳажмли шакл ишлаш вазифалари - нарсаларнинг шакли ва мунтонасиблиги, бўёқ билан шаклни бўйаш бўёқ ва шаклнинг узвий боғлиқлигини ўргана боради.

Талаба олдида манонни кўрсатиш ва нур-ҳаво муҳитини тасвирлаш вазифалари туради. Ўзига қараб ишлаш тажрибаси орқали ўқувчи касб маҳоратини буюмни аниқ тасвирлаш услубини ўзлаштира боради. рассомликни машқ қилиш талабада уйғунлик ва манзарани тасвирлаш лаёқатини, мунтоносаблик ҳисси, ижодий-хаёл (тахайюл) юргизишни ривожлантиради. Рассомлик таълимини талабада яхлит кўриш қобилиятини тарбиялашга ёрдам беради. «Биз муайян қонунлар асосида қурамиз. Кўришга ўрганиш ана шу қонунларни ўрганишдир, -деган эди Гёте – Нарсани тасвирий манзарага айлантиришни, яъни кўринаётган нарсани

тасвирда сатҳни тўлдирган манзара сурати (картина)га айлантиришни ўрганишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси расмларнинг ўзига хос тасвирий тилини ташкил этади, бу санъатнинг алоҳида туридир».

Ўзига қараб чизиш бу, буюмнинг расмни шаклини ўхшатиш эмасдир, бу натюрмортни бўшлиқдаги бадиий ҳолатини сезиш сезиш – шу сезгини ички ҳиссиёти орқали тасвир тилига кўчиришдир. Тасвир тили у шундай тилки, бу тилни нутқини фақат ижодкор шахс онгли ҳиссиёти, бадиий руҳи кучигина билиб олиши мумкин.

Сиз муסיқа эшитаётганда, ҳеч ҳам уни ёзилган «нота»сига эътибор бермай тинглайсиз, фақат шу соҳани мутахассислари уни ҳар бир нотасига эътибор бериб тинглашади. тасвирда ҳам ана шундай жараён мавжуддир.

Реал борлиқ, унинг рангли ҳажмини шакллари ва хилма-хиллиги –бу асосий уйғун жозибалилик доимо таълимнинг асоси ҳисобланади. унинг ёрдамида тасвирланаётган нарсанинг сурат ҳолатининг ҳаққоний хомаки нусхаси (этюди)ни яратади.

«Сурат чизиш нур-соя, мутаносиблик ва узоқдан кўриниш билан бирга энг зарур ҳисобланган бўёқни тасвир ифодасини ўз ичига олади. Ҳайкалтарошликка мутаносиблик худди рассомликдагидек қўлланилади. Узоқдан кўриниш шакллари белгилаб беради: нур-соя тусга мувофиқ берилган ёруғлик ва қоронғуликни жойлаштириш йўли билан аниқлашни билдиради, бўёқ тасвирга жонли ҳаёт кўринишини бағишлайди» (Э.Делакруа)

Бўёқ сурат чизиш . уни ифодалашнинг асоси, муҳим воситаси ҳисобланади. бўёқ тушунчаси ранглар тушунчасидан ажралмасдир ва ҳажмли шакл яшаш вазифалари билан чамбарчас боғлангандир. Хомаки тасвир устида ишлаш жараёнида, амалда, рангларнинг иссиқ, совуқликларига қараб ўзаро таъсири вазифаларини ўрганади, кескин фарқланадиган, яқинлаштирилган ва қўшимча ранглар тушунчалари билан танишади, маконда бўёқларнинг ўзгариши, нарсанинг ўз рангига ва муҳитнинг таъсирини ўрганади.

Ҳажмли шакл материал ва маконни рангида тасвирлашга бўёқ ва ранг муносабатларини аниқ ифодасини бериш билан эришилади. Ранг материалга сирли тарзда сингиб кетиб, нарсанинг яхлит уйғунлигида ўз ўрнини олган пайтидагина, у бўёқ бўлишдан тўхтайдди. Умумий бўёқ қурилишини аниқлаб олиш учун жуда фойдалидир.

Қизиқарли композицион кўринишни топгач, талаба ишнинг навбатдаги босқичи расм чизишга киришади.

Рассомлик дастури бўёқ ва шаклнинг узвий боғлиқлигини назарда тутиб тузилган. Ҳажмли кўринишни ривожлантириш масаласи рангларни кўриш билан чамбарчас боғлиқдир.

Расм чизиш асосий қисмдан бошланади, катта предметларнинг ўйланган композицияга мувофиқ жойлаштириб, нарсаларни бир-бирига мутаносиб қилиб ва буюмларнинг ичидаги мувозанатни сақлаб чизилади, нарсаларнинг мавқеини хусусиятлар ва тузилиш чизиқли қисқариш тасвири очиб берилади. Ишда тажрибага эга бўлиб, муайян кўникма ҳосил қилгач, талабалар мўйқаламда чизишлари мумкин, бундай расм кегинчалик асарнинг бўёқ ранг тузилишига узвий боғланиб киришиб кетади.

Юқорида айтилганлардан ташқари қаламда чизилган расм яна бир муҳим вазифани –натюрморт композициясини бажаради. Реалистик рассомлик санъати табиатнинг ўзи мукаммал яратилган деган қоидадан келиб чиқади. Табиат бирдан-бир илҳом манбаидир. Лекин бу деган сўз табиатдан нусха кўчириш кераклигини билдирмайди. Табиатнинг мукаммал қилиб яратилганлигини нимадан иборатлигини тушуниш ва уни рассомлик ёрдамида ўз асарига кўчириш керак бўлади. Табиатда ҳеч нарса алоҳида бўлмайди, ҳаммаси бир-бири билан боғлангандир, ана шу яхлитликни тушуниш ва буюмларнинг тасвирий алоқасини кўрсата билиш керак. Аслини чизиш керак, яъни бутун ўша мураккаб тизимни туза билиш лозим, лекин аввал кўриш, кейин эса ана шу кўрганлардан рассомлик воситасида яхлит уйғун асар ярата билиш талаб қилинади.

«Рассомлик катта ақлий меҳнатни талаб қилади, -деб ёзган эди Леонарда да Винчи, - чунки зарурий рассом аҳлини табиат ўзининг ақлини гавдалантиришга ва акс шу табиат билан санъат ўртасида воситачи бўлишга мажбур этади, бунда биз нарсаларни қандай асбоблар асосида кўришимизни, бу қандай қонунлар асосида юз беришини ўрганиб борамиз».

Рассом воқеликни кўради, лекин уни ўз эстетик идрок қилиш орқали, ўзининг гўзалликни англаши орқали тасвирлайди. Рассом бўлиш учун «кўзга эга бўлиш», яъни рассомлик мактабидан билим олиб ўтиш керак. Кўриш, билиш ва ишлай билиш – ташқи оламни билишнинг бу уч босқичи, бевосита кузатишдан умумлаштиришга ва ундан асосий жараён ҳисобланган амалиётга ўтишдан иборат. Рассомлик санъатининг эгаллаш - ҳар қандай шакл, ҳар қандай ранг ва материални, ҳар қандай маконда тасвирлай билиш демакдир. Яхлит кўра билиш рассомликни моҳиятини ташкил этади. Кўра билиш ва кўрганларни асарда бера билиш қобилиятини эгаллаш – ўзига қараб расм чизишнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Композицияни топиб ва қаламда расм чизгач, талаба асари бўёқда ишлашга киришади, лекин ишлашдан олдин асарнинг расм тузилишини кўриш ва ишни бўёқда қандай чиқишини ўйлаб кўриш керак. Аслида кўрилган нарсанинг тасвир ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур этиш, рассом тасаввурида тасвирнинг тўғри, аниқ моҳияти ранглар уйғунлигида ҳосил бўлади. Аслидаги ранглар уйғунлиги нарса ёки ҳодисанинг тасвир ҳолатининг берадиган бўёқлар йиғиндисидир. Э.Делакураа ўз кундаликларида бўёқ устида ишлашни шундай таърифлаган эди: «Рангларнинг ёрқин берувчилар, яъни тасвирнинг ҳамма жиҳатларини бир бутун яхлит қилиб бирлаштирувчи рассомлар дарҳол ва аввал бошдан ўз санъатларига хос бўлган ҳамма муҳим нарсаларни белгилаб олишлари керак. Улар меъмор лой, мармар, тошни қандай ёпиштира бўёқни шундай беришлари керак; уларни ишлаган хомаки ишлари меъмор хомаки режасига

ўхшаб мутаносиблик манзара жозибаси таъсир (эффект)ни ва бўёқни ўз ичига олиши керак».

Дастлабки босқичда манзара ва бўёқнинг ўзаро таъсиридан иборат тасвирлар (расм) рассомнинг маҳорат даражасига қараб охирги якунига бир мунча ёки биров яқинлашиб қолади: лекин мана шу бошланиш палласидан кегин бажарилиши керак бўлган нарсаларнинг деярли ҳаммасига аниқ замин қўйилади!

Талаба аввал нарсани ҳаёлида «ўйлаб» қандай ишласам экан дея кўриши, умумий ранглар уйғунлигига бўйсундирилган бўёқларнинг хилма-хил жилваларини тасаввур этишга уриниб кўриши керак.

Рассомликнинг асосий ифодаси воситачи ранг ҳисобланади. Ранг устида ишлаш-рассомликка ўрганиш жараёнида энг муҳим ҳисобланади. Делакура шундай деб ёзганди: «Картина (расм)нинг биринчи фазилати шундай бўлиши керакки, томоша қилинг, у кўзни қувонтирадиган бўлсин».

Ҳар ким рангни ўзига алоҳида қабул қилади: баъзиларни иссиқ ранглар ёқимли туйилади. баъзиларга совуқроқ. Талаба тасаввури қанчалик нозик бўлса, у ўз асарида иссиқ ва совуқ бўёқларни шунчалик хилма-хил бера олади. Бўёқлар кучи рассомлик имкониятларини белгилаб беради. Атрофимизни ўраб турган ҳар бир нарса ўз маҳаллий рангига эга (локал – лотинча «Locus» сўзидан) бироқ табиатда бу ранг ёритилишига, нарсанинг маконда узоқлашиш –яқинлашиш даражасига қараб, шунингдек атрофдаги бошқа бўёқлар таъсири остида доимо кўриниши ўзгариб туради. Ранглар ўзаро таъсирнинг муҳим жихати рангларнинг бир-бирига зидлик қонуни ҳисобланади. У шундан иборатки, ғар бир ранг ўзидан кескин фарқ қиладиган рангни, яъни ўзининг қўшимча рангини чиқаради. Рангнинг атрофидаги ранглар таъсирида ўзгариш хусусияти бизнинг олдимизга шундай вазифани қўяди: рангнинг ўзигина топиш керак эмас, балки бошқа ранглар таъсирида қандай ўзгаришини ҳисобга олиш керак.

Асарни катта ранг муносабатлари билан кўра билиш услуби, яъни асардаги ҳамма нарсаларни доим солиштира бориб бир йўла чизиш

заруратини таққослаш ана шундан келиб чиқади. Рассомликда рангларнинг тўғри берилган нисбати. бинобарин, иссиқ ва совуқ бўёқлар ўртасида топилган мувозанат рангнинг ўз аниқлигига қараганда беқиёс даражада каттароқ аҳамиятга эга.

Табиатда ҳамма нарса бир-бирига зидлик асосига, иссиқ ва совуқ ранглар кураши негизига қурилган, бинобарин рассом вазифаси, биринчидан, мазкур натюрмортда иссиқ ва совуқ бўёқлар устунлигини аниқлаш. иккинчидан, уларнинг аниқ нисбатини топиш ва бу рангларни ўз асарининг ёрқин бўёқларида мувозанатлаштиришдан иборат бўлади. Ишни ранг ва бўёқ жиҳатидан энг жонли доғлардан бошлаш мураккаброғларини ишнинг кейинги босқичларига қолдириш керак. Ранг устидаги ҳамма иш тусни ўрганиш топшириқлари билан яқиндан боғланган. «Тус – бу мазкур бўёққа сингиб кетган ёруғлик миқдори демакдир» - деб ёзганди Г.Шегаль. Тусни аниқ топа билиш маҳорати ҳар қандай рассом учун зарур бўлган биринчи шартдир. Ёрқин ранглар етишмаса иш бўш чиқади, қўполликка йўл қўйилади. Шунинг учун асарда керакли ёрқин рангни топиш аслидаги барча мураккаб муносабатлар натижасини тўғри англаш демакдир. Этюдни катта ранг ва тус муносабатлари асосига қургач, талаба ишнинг навбатдаги босқичларига ўтади; шаклни нур-соя қонунлари асосида, бўёқ бериб ишлаш, ёнидаги бошқа бўёқлар таъсирида рангнинг ўзгартириш, нарсани муҳит орасига жойлаштириш ва чизикли манзара ҳамда ҳаво бўшлиғи ёрдамида манонни кўрсатишга киришади. Ҳар қандай нарсанинг ҳаётдаги тузилишига келиб чиқиб ва унинг шаклини атроф макондан ажратиб қўйилган. Ҳажм сифатида талқин қилиб, мўйқалам билан тушириладиган ранг текисликлари билан ҳаётда мавжуд ҳажмли шаклни яшаш мумкин. Бу текисликлар ҳар қайсиси ўз нозик фаркига эга бўлиб, талабаларга шаклни пухта қилиб ишлаш имконини беради, муҳими эса онгли ишлаш, у ёки бу ҳажм нима учун айнан шундай шаклда ясалишини тушуниб чизиш имконини беради.

Мўйқалам тортиб бўёқ беришнинг ўзи бўёқли текисликни кўрсатади, унинг катталиги мўйқалам ҳажмига боғлиқ. Рангтасвир устида ишлаётганда талаба ҳажмли шаклдаги ранг беришни аввал атроф муҳит шароитидаги нарсаларнинг шаклини кўрсатиб беришга хизмат қилиши кераклигини ёдда тутиши лозим. Рассом буюмни тасвирлар экан унинг шакли, ҳажмини ҳис этиши ва мўйқалам билан ана шу шакл сиртидан юргандек бўлиши керак.

Шундай қилиб мўйқалам тортиб бўёқ бериш шакли, йўналиши ва характери нарсанинг шакли ва унинг сирти тузилиши феъл-атворига боғлиқдир. Рассомликда нур катта аҳамиятга эга, совуқ рангли нур булутли кунда, иссиқ ранглиси эса бўёқ- нур қуёшли ва иссиқ кунда қуёш ботаётганда аҳамиятли ва ҳоказо.

Нур ҳар бир нарсанинг ўз рангига жонли таъсир қилади. Буюмни совуқ нур билан ёритаркан, у бир-бирига зидлик қонуни бўйича унинг соясига иссиқ ранглар бахш этади, борди-ю иссиқ нур билан ёритилса унинг сояси совуқ кўламча ҳосил қилади.

Шаклни рассомлик воситаларида кўрсатишнинг асосий қонуни иссиқ-совуқлик, яъни икки манба - иссиқлик ва совуқликнинг тўхтовсиз кураши ҳисобланади, уларни сезиш қийин бўлган қарама-қарши кураши бир-бирига оқиб ўтади.

Нурланиш акси таъсирида жозибалашадилар. Иссиқ-совуқлик шаклини бўёқ билан беришнинг асосий қонуни ҳисобланади, чунки ҳар бир нарсанинг ранги ёруғда, сояда бир хил эмас, оч рангда акс эттирилганда у шакл билан чамбарчас боғланган бўлади ва шакл билан бирга ўзгаради.

«Рассомликнинг бутун сири – соя ва оч рангларда. Ёруғлик умумий ранглар уйғунлигини фақат тўлдиради. Соя ва ярим соялар олтин ва кўмиш балиқлар жилва қиладиган аквариумдир. Рембранут соя ва оч ранглар аҳамиятини тушуниб, уларга ишлов беришга алоҳида эътиборни қаратган.

Ундаги ранглар уйғунлигининг сири ана шундадир». Натюрморт бирга алоҳида бўёқларнинг тасвирий мувозанатида ёритишнинг мавқеи (характери)да катта роль ўйнайди. Ёритиш энг кўп акслар беришга ёрдам

килиши керак. Бўёқлар акс бериши туфайли нарсалар муайян нур-хаво муҳитига чўмибгина қолмай, ўзаро узвий боғланиб кетади ҳам. Бу ҳол ҳар қандай композиция учун зарурдир. Нрсалар жойлашган муҳит, у ёки бу ҳолда ёритиш, ён-атрофидаги нарсалар акс бериши туфайли рангга таъсир килиши бу шароитларнинг ҳаммаси қўшимча рангларнинг ўзаро таъсирида янада бойиб мураккаблашади. Ён-атрофдаги нарсанинг рангли акс этиши сифатида акс бериш рассомликда уйғунлик ва яхлитликка эришишнинг энг зўр воситаларидан бири ҳисобланади. Узоқдан кўриниш қонунларига кўра натюрмортни ўлчам (режа)лари бўйича тўғри жойлаштириши, маконда бўёқнинг ўзгаришини ва нарсаларнинг муайян муҳитда жойлашишини бера билиш керак.

Натюрморт устида ишлашда туснинг рангларини ифодалаш катта аҳамиятга эга, тусни тасвирланаётган нарса бўёғига қарама-қарши қўя билиш ҳажмли шаклни кўрсата олиш имкониятгагина эмас, шунингдек макон узоқлигини тасвирлашга ҳам боғлиқдир.

Шаклни бундан кейинги бўёқ бериш ишлашни ҳисобга олиш иш бошида натюрмортга танланган қуюқроқ ранглар, шунингдек маконга оид ва бошқа вазифалар чизиш жараёнида мураккаблашиб боради. Бўёқ қай вақтда бўёқ деб аталиши мумкин? У қачонки яхлит нарсанинг уйғунлигида ўз ўрнини тасвир таркибида эгаллаб, хомашё (материал)га ўтган пайтда.

Бутун иш давомида тасвирланган ранг ва бўёқларнинг тўғрилигини доим текшириб бориши керак. Топшириш таққослаш йўли билан амалга оширилади, яъни ҳамма соялар, соялар билан, ҳамма оч ранглар оч ранглар билан солиштирилади ва ҳоказо.

Солиштириш учун яқинлаштирилган рангларни танлаб олиш керак. Одам ўз кўзини машқ қилдириши керак, бунинг учун ёруғлик кучига ва рангга бўялганлигига қараб бир-бирига яқин ранг бўёқ алоқаларини нозик боғлаб унинг ҳамоҳанг тафаввутларини ахтариши лозим. бунинг учун яхлитликни текшириш мақсадида доимий машқ қилиш зарур бус-бутун

нарсани кўра билиш керак. Кўрганда ҳам бир вақтда асли (натура)ни ва унинг нусхасини кўра билишдир.

Ҳамма тузатишларни бажариб бўлгач ишнинг охириги босқичига умумлаштиришга киришади, ўзининг ранг ва бўёқлари жиҳатидан уйғун бўлган тасвирни яратишга киришади, бунда айрим бўёқлар ранглар яхлитлигига келтирилади ва бир-бири билан яхлит боғланади. Умумий нарсанинг бундай ва уйғунлигига бўлакларни пухталаб ишлаш, таҳлил орқали умумийлик жозибалилик (синтез)га келиш йўли билан иш охирида эришилади. Бутун ишнинг услубий қондаси умумийдан алоҳидага ва яна умумлаштиришга келишдан иборатдир.

Бутун санъатнинг асоси унинг уйғунлигидир. Тасвир устидаги ишнинг якунловчи босқичида бўёқли ва пластик уйғунлигини яратишга интилиш лозим, бундай уйғунлик асарни бадиий ифодали чиқишини таъминлайди.

Поль Гоген ўзининг «Аввал-кегин» китобида шундай деб ёзган эди: «Зиддиятни эмас уйғунликка, тўқнашувни эмас ҳамаҳилликни изланг... Сизда ҳамма нарса осойишталик ва руҳий тинчлик билан нафас олсин».

Ҳамма ранглар нисбати топилганда, асарда бўёқларнинг жонли жилваси пайдо бўлиши – мусикий оҳангдошликка ўхшаш уйғунлик бўлиши керак. Натижада қоғозда аслининг айна нусхаси эмас, балки бадиий ифодаси бўлган иккинчи ҳаёт жонланади. Натюрмортга ишланган муайян ёрқин ранглар яхлит бўёқлар жозибасини беради. Натюрмортнинг ёрқинлиги аслидаги ранглар бойлиги ва талабанинг ана шу аслидаги бой рангларни кўра билиши ҳамда тасвирлай билиши билан белгиланади. Нафислик, келишганлик, мутаносиблик ранг-тасвирни асосий либоси бўлмоғи керакдир.

Иш тамом қилингандан сўнг талабалар ишларидаги ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилувчи кўриш ўтказилади. Ўқитувчи мазкур топшириқ бўйича талабалар билан яқинловчи суҳбат ўтказди. Тугалланган ҳамма ишларнинг кўздан кечирадилар, айрим ишларнинг фазилати ва

камчилиги ҳар қайси ўқитувчининг умумий услубий йўналиши муҳокама қилинади. Инсон- деган азиз номга урғу беришимизнинг боиси шуки, улуғ инсон , улуғ ижодкор деган номга содиқ бўлиши керакдир. Шу тарзда маданият саройларининг юксак савияда қурилиши оддий кишиларнинг дид ва тафаккурларининг ривожини учун манба бўлади, бу ижоджорларнинг юксак парвозлари учун ҳам аҳамиятлидир. Ҳалқимизда бир ибора бор, «Бирини кўриб шукр қил, бирини кўриб фикр қил». Ўқитиш жараёнида шу нарсага яна бир-бор амин бўлдикки, ўқитиш методикаси, амалий ишлар билан бирга, уларни ривожини ва бадиий даражасини устида ҳам фикр юритишимиз ҳозирги замон талабини бўлиб қолади. Чунки тараққиёт юзидан кун ривожланиб юксалиб бормоқда.

§2.4 Ўқув фанининг вазифалари

§2.4.1 Натюрморт – рангтасвирнинг мустақил жанри сифатида.

Натюрморт тузиш ва уни тасвирлаш усуллари.

Натюрморт – тасвирий санъатнинг ўзига хос мустақил жанридир. «**Натюрморт**» (натуре морте) французча сўздан олинган бўлиб, «жонсиз табиат» деган маънони билдиради.

Натюрмортда кўпинча уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари, сабзавот-мевалар, гуллар ва шу каби нарсалар тасвирланади.


Натюрморт санъати инсон маиший ҳаётининг зарур буюмлари дунёсини акс эттиради. Натюрморт санъатининг намуналарини қадимги Мисрда деворларга ишланган суратларда, Қадимги Юнонистоннинг мозаикаларида учратиш мумкин. Хитой санъатида X-XII асрларда натюрморт мустақил жанр сифатида ривожланган. Бу даврда ижод қилган мусаввирлардан Чжао Чан, Суй Бо ажойиб асрлар яратганлар.

Европада натюрморт санъати XVIII асрга келиб Голландия. XVIII асрда Франция тасвирий санъатида кенг тарқалди.

Голланд мусаввирларидан Питер Класс, Ян Ван Гейсум, Ф. Снайдерс ва франсиялик Жан-Батист Шарденларнинг натюрморт асарларида рангтасвир санъатининг нодир намуналарини кўрамиз.



РАСМ Игорь Грабарь. Саранжон
бўлмаган стол.



Питер Клас. Ветчина билан нонушта. 1

Рус мусаввирлари И.Хруский, И.Репин, В.Серов, И.Машков, Н.Кончаловский, И.Гробарь ва бошқаларнинг натюрморт асарлари намуна бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек мусаввирлари Р. Аҳмедов, Ж. Умарбеков, А. Юнусов, С. Абдуллаев, Л. Салимжоновлар натюрморт жанрида самарали ижод қилмоқдалар.

Натюрморт тузиш – ижодий ишдир. Унда мусаввирнинг диди ва лаёқати, композицияни фикрлай олиш маданияти намоён бўлади. Тасодифан териб қўйилган нарсаларни натюрморт деб бўлмайди.

Мазмунли натюрморт асари яратиш фикри мусаввир ҳаётида узоқ давом этган кузатишлар ёки бирор нарсадан таъсирланиш натижасида пайдо бўлиши мумкин. Ижодкорнинг кўз ўнгида бўлажак асар – натюрморт гавдаланади.

Унга мос нарсалр танланиб, хомаки эскизлар чизилади. Эскизлар асосида композисия яратилади.

1. Мавзу танлаш
2. Натюрморт мавзусига мос нарсалар ва газмол матолар танлаш.
3. Буюмларнинг шакл тузилиши, ранг ва тусларини бир-бирига монанд жойлаштириш.
4. Нрсаларнинг катта-кичиклиги, хажми, модели ва ёритиш хусусиятларига ижодий ёндошиш.



Р.Ахмедов. Натюрморт.

Натюрморт тузиш мақсадига қараб ўқув ва ижодий бўлиши мумкин. Ўқув натюрмортлари ижодий натюрмортдан, албатта, фарқ қилади. Ўқув натюрморти маълум дастур талабини ўрганиш учун бажарилади.

Рангтасвир асари буюмларнинг барча хусусиятлари, шакли ва ранг, каттиқ-юмшоқлиги, сиртининг ялтироқ ёки хиралигига қараб тасвирланади. Ҳаққоний тасвирланган натюрморт асарларидан меванинг мазаси, гулларнинг ҳиди келиб туради. Бунга эришиш учун рангшунослик назариясини, бўёқларнинг хусусиятларини яхши билмоқ керак. Тасвир ва натура ўртасида нисбат уйғунликларини тўла ифодалай олиш талаб этилади.

Натюрмортда нарса, буюмларнинг ёруғ-соя кучларини фарқлашни ўрганишда, бир хил рангдан фойдаланиб (гризайл) усулида бажариш мақсадга мувофиқдир.

Гризайл усулида акварел, гуаш, мойбўёқ ва бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин. Гризайл учун одатда тўқ ранглар танлаб олинади. Натюрмортнинг қалам эскизига мувофиқ, нарса ва буюмларнинг чизиқли расми бажарилади.

Қоғоз юзасида композиция аниқлаб олингандан сўнг энг ёруғ ва энг соя жойлари аниқ чегараси белгилаб чиқилади. Башарти расм кир бўлиб қолса уни янги қоғозга бирор ёритиш мосламаси орқали кўчириб олиш мумкин. Бу босқичларнинг вазифаси, нарсанинг энг ёрқин жойи, соя, ярим соя, рефлекс, буюмнинг тушувчи соялари аниқ чизиқлар воситасида белгилаб олишдан иборат.

Натюрмортда ранг муносабатларини аниқлаш. Нарсанинг асл ранг тусларини тоза-ёрқин бирлиги қатлами бўялади. Юзада ҳар бир буюм шакли майда бўлақларсиз умумий яхлит хажми бўяб борилади. Сувбўёқ билан ишлашда оқ бўёқ сифатида қоғознинг ўзидан фойдаланилади.

Натурадан рангтасвир ишлаш жараёнининг ўз қонуниятлари мавжуд бўлиб, бу ишни тартиб билан олиб бориш талаб этилади. Кетма-кетлик тартибини англаган ҳолда бажарилган иш махсули муҳим аҳамиятга эгадир. Ишни нимадан бошлаш, унинг орасида қандай талабларга жавоб бериш ва қай ўринда тугаллаш кераклигини яхши билмоқ зарур. Рангтасвир бажаришни зарур бўлган қуйидаги талаблар махсулидир. 1) натурада мужассам умумий ёруғ-соя, ранг-туслар ва муштарак ранглардан ёруғ-сояни,

ранг-тусли уйғунликлар мавжуд бўлган катта бўлақларни аниқлаш; 2) ёруғ-сояли, ранг-тусли уйғунликлар катта бўлагида, ёруғ-соялар ва ранг йўналишлари, айрим нарса сиртига ранглар Билан муттасил ишлов бериш; 3) умумлаштириш, бутун тасвирнинг яхлитлигига эришиш, композиция марказини ажратиб кўрсатиш. Қўйилган талаблар моҳиятини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Рангтасвирнинг тўлақонли ифода этилганлигини ёруғ-соя, ранг-тус контрастлари, натуранинг асосий ранг бўлақларига ўзаро уйғунликлари билан белгиланади. Бу жараён натюрмортда—фон билан стол юзаси, қўйилган мажмуа буюмлари орасида, манзарада эса осмон билан ер юзи ва дарё сувининг сатхи, шунингдек олдиндаги план, ўрта план ва охириги планлар орасида содир бўлади. Агар асосий ранг-туслар уйғунликлари этюда ҳаққоний акс этмас экан, кейинчалик зўр бериб ишланган қисмлар, рефлекс, буюм сиртлари ёки манзара майдонларига берилган ранглар мозаикаси рангтасвирнинг ҳаққонийлигини бера олмайди. Чизги сиртларда ҳам айнан шу талаблар бажарилишини яхши биламиз: биринчи галда буюм конструкциясининг асосий мутаносибликларини (пропорсия) ифодаловчи умумий ката шакл чизиб олинади. Чизаётган киши натурани умумий ва яхлит тасаввур қилар экан, бу вазифалардан четлаб ўта олмайди.

Рангтасвирни бошлашдан аввал натуранинг умумий ранг ифодаларини диққат билан ўрганиб олиш зарур. 5-10 дақиқа вақт сарфлаб бўлса-да натуранинг асосий ранг уйғунликларини кузатиб, уни англаб олиш зарур: энг тўқ ва энг оч ранг доғларининг қаерда жойлашганлиги, ранг тусларининг кучдаги фарқларини кузатиш шу жумласидандир. Масалан, сариқ олмаларнинг фонидаги сариқ матога солиштирганда, уларнинг фонга нисбатан очроқлиги, сариқлиги эса кучлироқ эканлигини тасаввур қилиш зарур. Шундай экан, натура мажмуаси нарса-буюмларнинг асосий ранг тафсилотлари, ранглрнинг уч хусусияти бўйича намоён бўлади.

Айрим объектлардан умумийликни қидириб топиш, натуранинг қатор иккинчи даражали аломатлари қисмларидан рассомни ҳалос этади ва ундан

фақат ранг муносабатлари бўйича талаб этилагн вазифаларга, етакчи ранг, ранг ва тус уйғунликларини келтириб чиқариш, ранг-туслар уйғунликларини ва ранг ҳолатларига эътиборни жалб қилишни талаб этади. Шу тариқа натурада рангларнинг жойлашиши қонуниятларини эгаллашга, этюнинг кейинги қисмларига ишлов беришга замин яратилади.

Ранглар уйғунлигини аниқлаб олиш учун аввало, натурадан энг ёрқин ва интенсив ранг билан энг тўқ ранглар топилади, қолган барча амалларни уларга таққослаб аниқлангани афзал. Кейинги ранг-туслар камроқлиги, ёрқинлиги, оч-тўқлигига қараб тартиб борилаверади. Энг сўнггида мураккаб ранг ҳисобланган кулранг ва унинг туслари берилади.

Бошланғич ранг-туслар ҳар қачон ҳам энг оч ва энг тўқ қилиб олинмайди. Энг тўқ ранглар ҳам ҳар доим ҳам учрайвермайди. Масалан, натюрмортга қўйилган қизил помидор учун қизил кадмийни олмасдан, унинг ёрқинлигини эҳтимол 50%га пасайтириш зарур бўлади, шунингдек баҳор фасли яшил оламни тасвирлар экансиз, ёрқинликни ошириб юборишдан эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда этюд ола-була бўлиб қилиши мумкин. Шу боис, ишни бошлашдан олдин умумий ранг-туслар, уларнинг кучи, қаннақа ранг гаммасига мансублиги, қай даражада очроқ ёки тўқроқ эканлигини аниқлаб олинадибошқача қилиб айтганда, натуранинг умумий ранг-туслари ҳолати аниқланади. Бу ҳолатни сақлаб қолиш учун балким, вазминроқ ранглардан фойдаланиш мақсадг мувофиқ келар. Башарти ишни биров очроқ ёки тўқроқ ранг-туслар билан бошлар эканмиз, палитранинг бутун кучини оқ билан энг тўқ, энг ёрқин билан кескин рангларни сафарбар қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ранг-туслар уйғунликларини қидириб топишда умумийликдан қисмлар томон бормоқ лозим. Авваламбор асосий объектлар оралиғидаги ранг-туслар фарқи фниқланади. Масалан, натюрмортда фон билан стол ялтираб турган жойи орасидаги фарқлар билан таққослаб қидирилади. Манзара тасвирлашда биринчи галда осмон билан ер сатхи, айрим нарсаларнинг бир-бирларига ва

умумийликка уйғунликлари аниқланади. Портрет ва одам қоматларини тасвирлаб ҳам шу тариқа бошланади.

Рассомчилик амалиётида «катта ёруғ», «катта соя», «катта сирт», «катта ранг уйғунликлари» деган касбий тушунчалар мавжуд. Мазмунан, натура объектларини яхлит кўриш ва яхлит тасвирлаш демакдир. Натурани яхлит идрок этишда унинг ёритилган яхлит бўлаги ичида мавжуд ранг-соялари, яхлит соя қисмига нисбатан тенглашадиган бирор жойи бўлмайди. Шунингдек бу тушунча «ўзининг сояси» (хусусия соя) ва «тушувчи соя»ларга ҳам тегишлидир: чунончи соя ярим сояга нисбатан шубхасиз кучлидир, ярим соя эса тасвирнинг ёритилган қисми билан куч жиҳатдан тенг бўлмайди. Соя ичидаги рефлекс ярим сояга нисбатан очроқ бўла олмайди ва у хусусий соянинг умумий ранг-туслари кучига бўйсунди. Буюмлар сиртларида яхлит ранг-туслар, ёруғлик кучининг тўғри тақсимоти, тасвирнинг яхлитлиги ва ҳаққонийлигини акс эттиради. Катта ранг уйғунликлари ва шу каби барча омиллар натура тафсилотини бериб турган колоритга мос равишда олиб борилади. Кам тажрибали, натурага қараб чизишни етарлича машқ қилмаган рангтасвирчилар натюрморт, манзара, портрет ва шу кабилардан этюд ишлар экан, натура характериға монанд колорит ва ранг уйғунликларини ҳам доим ҳам ҳаққоний бера олмайдилар.

Рангларни палитрада бир маротаба топиб олиб уни фақат очартириб ёки тўқартириб бутун нарсани тасвирлаш мумкин эмас, балки нарса-буюм юзасининг ҳар бир қисми учун махсус ранг тусларини қидириб топиш керак бўлади. Асл ранглар (буюмларнинг ўз ранги) ярим сояларнинг асосий ёритгичлар ва акс ёруғлар таъсирида жуда кам ўзгаришлари боис, улар ичида кўзга яққол кўриниб туради.


Хажмли нарсалар ва натура мажмуаларининг ранг-баранглигини янада кенгроқ англаш учун шуни ёдда тутмоқ жоизки, ёндош илиқ ранглар контрастлари таъсирида кўзга совуқ ранг-туслар кўринади. Бир ранг кўшимча иккинчи рангни ифодалаб туради. Бунинг натижасида натурада мавжуд совуқ рангларга доимо илиқ ранглар ҳамроҳ бўлиб юради. Агар жисм

сиртида олов рангни кўраётган бўлсак, унинг ёнида, албатта ҳаворангни ҳам учратамиз.

Илиқ ва совуқ ранг-туслар уйғунликларида бажарилган тасвир ҳар бир жисмнинг жарангдорлигини ошириб, натуранинг табиий кўринишини ифодалаб беради.



1 босқич



2 босқич

РАСМ Гризайл усулида
натюрмортни бажариш босқичлари.

Тасвирланаётган нарсалар, буюмларни бир-бирига ўхшашлиги ёки фарқларини таққослаб кузатиш ишни бир мунча енгиллаштиради. Масалан, ҳаворангли нарсани бошқа бир тус жиҳатдан бошқача бўлган ҳаворангли нарсага солиштириб кўрсак, бизнинг сезги-идрокимиз янада жиддийлаша боради ва уларнинг ранг тусларини, фарқини аниқроқ белгилай оламиз.

Нарса — буюмларни ранг жиҳатдан таққослар эканмиз, яна бир вазиятни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Мавжуд ранг контрастлари таъсирида кулранг туслар илиқ ёки совуқ бўлиб кўринади. Кулранг илиқ ранглар орасида совуқ, совуқ ранглар орасида илиқ тусда намоён бўлади. Шу боис нарса-буюмлар тусларини аниқлашда рангсизларни рангсизлар билан, илиқ рангларни, илиқ ранглар билан, совуқ рангларни совуқ ранглар билан, очларни очлар, тўқларни тўқлар билан таққослаш яхши самаралар беради. Ишнинг ниҳоясида натюрморт, манзара ёки портрет айрим жойларида талаб этилган ёрқинлик келиб

чикмадии, ёруғ-соя, ранглар бўйича ҳаддан зиёд кучли бўлиб, умумий етакчи ранг гаммасидан «отилиб» чиқиб қолди.

Баъзан соялар ичидаги нарсалар ола-була бўлиб кўзга ташланиб қолади. Бундай вазиятда барча муаммолар умумлаштириш йўли билан ечим топади: қисмларнинг кескин чегаралари юмшатилади, айрим нарсаларнинг рангини бўқикроқ ёки кучлироқ қилиб берилади, баъзи жойлар очартирилади ёки тўқлаштирилади. Иш жараёнида, қараб, яхлит кўриш-малакали рангтасвир асосининг энг асосидир. Шу малакани эгаллаган рассомгина, натурани образли кўриш у ердан асосий нарсани топа олиш, ҳар бир қисм-бўлақларнинг ўз жойини топиш, тугаллик даражаси, композиция марказига бўйсундириш каби амалларни ҳаққоний уддалай олиши мумкин.

§2.4.2 Нейтрал фонда содда шакллардан тузилган натюрморт (гризайл)

Тус рангтасвирнинг ажралмас қисми ҳисобланиб у ранг билан биргаликда тасвирланади. Тажрибасиз рассомлар ўзларининг дастлабки ишларида фақат ранг билан овора бўлиб қўйилмадаги тус яхлитлигини ёддан чиқарадилар, натижада иш сифати бузилади.

Рангтасвирни пухта ўрганишда кўпгина етук рассом ва педагоглар (оқ ва қора бўёқларда) натурани тусда тасвирлашга катта аҳамият берганлар. Бу масалада Д.Н.Кардовский шундай деган: «Тусни ёруғлик орқали етказишдан кўра рангларда бериш мураккабдир. Шунинг учун ранг тасвирга ўтишда, ёруғликдаги тусга бўлган кўникмага эга бўлиш керак...». Демак рангтасвирнинг бошланғич курсида гризайль техникасида машқлар бажаришни тавсия қиламиз.



3 босқич.



4 босқич.

РАСМ Гризил усулида натюрмортни бажариш босқичлари.

Тасвир қаламда пухта бажарилгач, ҳар бир нарса ва буюмнинг материаллиги, унинг ҳажми тус муносабатлари ранглар воситасида ҳал қилишга ўтилади.

Реалистик қаламтасвирнинг бундай сифатларига ҳар бир нарсалардаги (шуъла, ёруғлик, ярим соя, соя ва х.к.) соя-ёруғлик градацияси ва уларнинг ранглардаги ўзаро тусли фарқларини тўғри ҳал этиш орқали эришиш мумкин. Тусли фарқлар нимани англатади? Ранг жиҳатидан баъзи нарсалар натурада зич ва тўқроқ бошқалари эса очроқ кўринади. Айрим нарсаларда шахсий соя тўқроқ ва зичроқ «оғир» (масалан, чинни кўзада, чўян қозонда), бошқаларида эса соялар анча очроқ «нозик» (гипсли ваза, қоғоз рулон ва х.к.) кўринади. Бу тусли фарқларни қаламтасвирда ҳам тенг равишда мутонасибликда ифодалаш керак. Бу чоғда нарсалар орқасидаги фонни ҳам ҳисобга олиш зарур. Натура кўйилмасидаги барча нарсаларни тусга нисбатан фоннинг оч-тўқлиги муносабатларининг тўғри олинаётганлиги кенгликни кўрсатишга имкон туғдиради.

Тус муносабатларини энг тўқ нарсалардан ёки чуқур ички соялардан бошлаб кўрсатилиши тўғрироқдир. Ҳар бир нарсаларнинг тус кучини бир-бири билан солиштириш зарур,

нарсаларнинг ўзаро оч жойларини, сояни-соялар билан, ярим тусни ярим туслар билан таққослаш зарур. Қандайдир тўқ идишда шахсий соя ундан тушувчи сояга нисбатан тўқроқдир. Мевалардаги ёруғлик энг ёруғ жойига қараганда тўқроқ бўлиши мумкин. Тасвирда ва натурадаги нарсаларни бири-бири билан доимий таққослаш орқали улар орасидаги фарқларни камайишига эришиш зарур. Энг тўқ нарсалар ёки унинг сояси – бу қора бахмалда ва кўмир рангида эмаслигини, эсда тутиш керак. Қора буюмлар ва уларнинг сояларини анча юмшоқроқ... лекин жуда ҳам тўқ қора тусда ишлаш керак эмас. Ҳаттоки қора бахмални тасвирлашда ҳам қалам ёки қора бўёқни бор кучидан фойдаланиш нотўғри, акс ҳолда қоғозда ёки матода худди қора тешик пайдо бўлади. Шунингдек, натурадаги жуда оқ нарсаларни тоза оқ бўёқлар билан тасвирлашнинг иложи йўқ чунки, у оқ бўёққа нисбатан анча тўқроқ бўлади.

Ишнинг биринчи босқичида – асосий муносабатларни аниқлаш керак. Натурадаги асосий объектларнинг ёруғ-соя муносабатлари: фоннинг оч-тўқлиги, нарсаларнинг сиртидаги оч-тўқлигига ва уларнинг ўзаро бири-бирларига нисбатан аниқланади. Аввало қўйилмадаги нарсаларнинг умумий туси бир сидра қопланади. Агар умумий муносабатларни нотўғри олсак қаламтасвирнинг аниқлиги, кейинги алоҳида нарсаларнинг ҳажмли шаклларидаги ёруғ-соя ҳам, тасвир аниқлиги ва ҳаққонийлигини, материаллик ва кенгликни кўрсата олмаймиз. Ишни соядан ёруғликка қараб юритиш керак, бунинг устига соя жойларига имкон борица бўёқ қатламини юпка ва нозик бериш, ёруғликни эса уларга нисбатан қуюқ бўёқда анча тўқроқ қатламли, ва аниқ суртмалар билан қоплаш зарур.

Гризайл техникасида соя, яримсоя, рефлексларни бирда-нига керакли тусда мос бўёқлар билан қоплаш, (иложи борица бўёқни қайта-қайта беришни такрорламасдан) бўёқ суртмала-рини шакл йўналиши бўйича ҳаракатлантириш керак. Маса-лан, цилиндрсимон шаклга эга бўлган нарсага турли тасодифий йўналишда суртмалар берилса, ушбу шаклнинг айланалигини кўрсатиш мушкулдир.

Натурадан тасвирлаётиб нарсаларнинг муносабатларини нафақат тус кучи бўйича балки унинг аниқлигини ҳам, нарсалар сиртларининг контрастли чегараларини ҳам кузатишимиз керак. Ҳар бир нарсанинг кўриниб турган ташқи кўриниши ўзининг кўламида турлича: қандайдир нарсанинг ёритилган чап томони ёруғлик кучи бўйича фонга нисбатан яқинроқ бўлиши мумкин. Шу нарсанинг ўнг томонидаги чегараси тус жиҳатдан фон билан деярли қўшилиб, унинг юқори қирраси фонда яққол ажралиб туради.

Асосий нарсалар ва уларнинг сиртлари орасидаги тус муносабатларини тўғри кўрсатишдан ташқари, ҳар бир нарсанинг ҳажмли шаклини соя-ёруғ билан ҳам пухта ишлаш керак. Гипсли нарсаларнинг шарсимон ва цилиндрсимон шакллар (ёруғликдан сояга бора туриб) юзасини ҳар бир миллиметри аста-секин тўқлаштирилади, бунинг устига шахсий соясининг энг тўқ жойи соя томонидаги нарса чегарасида эмас, аксинча бир оз ичкари томонида бўлади. Ташқи кўринишнинг ўнг томонидаги шахсий сояси рефлекс туфайли ёритилади.

Текисликлар билан чегараланган (призма, куб ва х.к.) нарсаларнинг ёруғ-сояларини бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш изчиллигининг хусусияти шундан иборатки,-- ҳар бир текислик бошқа текислик тусидан фарқланиб ўзининг маълум тусига эга бўлади. Бундай нарсаларнинг ҳажми - ҳамма томонлари текислик билан чегараланган кенгликдир. Ёруғликка қаратилган текисликлардаги ёйилиб тушаётган текисликларга нисбатан, ёрқинлик равшан ёритилган бўлади. Шаклларни турлича тусли текисликлар билан яшашнинг бундай тартиби катта қисмларга ҳам... кичик шаклларга ҳам тегишлидир.

Тусли тасвирлаш мобайнида тасвирловчидан нарсаларнинг узоқлигини ҳисобга олиш зарур бўлади. Агарда бир қаторга бир хил нарсаларни турли масофада жойлаштирсак, яқиндаги нарсаларнинг майда бўлаклари ва материаллик фактураси анча аниқроқ кўринади. Узоқлашган сари бу аниқлиги йўқолиб хиралаша боради.

Узоқдаги объектлар силуетли ва текис (ясси) бўлиб кўринади. Олд кўринишдаги буюмларнинг соя-ёруғ қисмлари олисдагидан равшан ва аниқроқ ўқилади.

Нарсаларнинг ҳажмли шаклига пухта ишлов берилгандан сўнг, уларни умумлаштиришга ўтиш зарур. Ҳар бир нарсани тасвирлаш жараёнида алоҳида майда бўлақларни, уларнинг ёруғ соясини маромига етказиб ишлаш лозим. Нарсалар гуруҳини яхлит бир бутун тасвирлаш учун, ҳаммасини бир вақтда кузатиб, ҳар бирининг ёруғ ва соя жойларини барчасига нисбатан таққослаш керак. Нарсалар гуруҳини яхлитлигини сақлаш-ҳаққоний тасвирлашнинг асосий шартидир.

§2.4.3. Бир-бирига яқин бўлган ранглардаги (битта колоритдаги) содда натюрморт

Бу ўқув дарс жараёнида қўйилган нарса, предмет ва драпировка, яъни материал билан рангда бир-бири билан боғланган ҳолда ишлаш методикаси ўргатилади.

Натюрморт тасвирий санъат мактабининг асоси десак, муболаға бўлмайди. Натюрморт (ф.р натуре морте - ўлик, натура - табиий франсуз тилидан сўзма-сўз таржимаси) - тасвирий санъатда бир мақсадга хизмат қиладиган жонсиз нарсалардан композитсия саҳналаштириб тасвирлаш жанри.



Аслида натюрморт рангтасвир ва қалам тасвирни ўзлаштиришнинг қатъий қонунлари (конструктив ва ҳаво перспективаси) учун мутаносиблиги, ҳажми (материальность) (нарсадан ишланганлиги) учун жойланиши, ранг уйғунлигининг умумийлиги, тасвирланаётган нарса ва ўртанинг ўзига хос ўзгаришлигини тасвирлаш учун эстетик хусусиятлари ва жозибадорлигини акс эттиришдир.

Натюрморт рассомнинг моҳирона кўриш идрокли ("кўзнинг ўткирлигини") кўришни тўғри қўйиш маҳоратини оширилади. Натюрморт ҳамма жанрларнинг дебочасидир.

Унинг учун ўсма моҳир рассомлар жиддий асар яратишдан олдин бошқа жанрларда: манзара, портрет ва ҳоказо натюрмортларни чизадилар.

Натюрморт ғоявий санъат мактаби бўлиб, бўлғуси ижодкорда тасвирий дид ва рангтасвир санъатидаги хусусиятни тарбиялайди. Кўриб турган ҳаёт борлиқни, буюмларни саралаб, дид

билан натюрмортлаштириш сирларини ўргатади.

Натюрморт орқали ҳақиқий дунёнинг кўп қирраллиги ўрганилади. Даврнинг тарбиявий-эстетик талабларига мослиги билан бирга натюрмортдаги замондошимизнинг дунё гўзаллигига қараш тасавури ва ички дунёсининг бойлиги, шу билан бирга одамнинг кенг қалбий ҳис-туғулари акс

этирилади. Унинг ўзини кўриб турган дунёга бўлган муносабати ҳам намоён бўлади.

Рангтасвирнинг пластик ва колористик маҳорат қирралари яққол кўринади. Натюрмортни кўр - кўрона механик тарзда жонсиз нарсаларни кўчиргандек қоғоз юзасига кўчириб қўйиш керак эмас. Фаол муаллифлик муносабати бўлиши керак, натурага нисбатан унинг ўхшашлиги билан бирга ундаги ўзига хос нафислигини ғоявий - санъат асари даражасига олиб чиқиш зарур.

Ҳар бир буюм ҳаётда ўзининг "яшаш жойи" ва бирор бир мақсадда



ишлатилади. Уни бошқача шароитдан ўртага жойлаштира, у бошқа буюмларнинг уйғунлигини бузади.

Шунинг учун натюрмортни қўйганда ҳар бир буюм ўз жойини топиши саҳналаштирилган тўпланган буюмлар орасида ва ўзаро бир-бирини тўлдириб, маънавий бойитиши ва умумий кўзланган ғоявий мақсадни аниқ очиб беришга хизмат қилиши керак.

Натюрморт дағал, қўпол нарсалар йиғиндиси бўлиши керак эмас. Сужетли - тематик йўналишли нарсаларни саралаб танлаб, натюрморт ташкил қилишда унинг пластик - рангтасвир ечимдаги хулқ-атворини аниқлаб беради, ойдинлаштиради.

Ўқув-методик натюрмортларда ҳамма натюрмортларда бўладиган мажбуриятлар бараварига берилмаслиги мумкин ва аста-секинлик билан берилади. Масалан: бир натюрмортда карама-қарши рангларнинг

уйғунлигини бериш, буюмларнинг қўшничилигидаги лекин рангтасвири - пластик умумийлик, маънонинг бирдамлиги йўқолмаслиги керак.

Натюрморт қимматбаҳо ва жуда чиройли буюм бўлиши шарт эмас, аксинча у буюм шакли шамойили оддий одамлар ишлатган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади. У мисол учун самовар, чой идиши, идишлар мажмуаси, гуллар, тош ойна, сиёсдон, картошка, қора нон ва ҳоказо.

Шу нарсаларни оддий ва жозибадор, жарангдор қилиб натюрмортлигини ташкил этиш ва тасвирлаш зарурдир. Бу эстетик дид, ғоявий фантазия (тасаввурини), ижодий маънони топа билиш, муаллифлик, ўзига хосликни талабалардан талаб қилади.

Бир-бирига ўхшаш буюмлардан ҳам натюрмортни чиройли ташкил қилиб, ҳар бир нарсани шунақа жойлаштириш керакки, буюмлар ўзига хос жозибасини очиқ кўрсатиб бериш маъқул. Тез бузиладиган (мева, сабзавот, балиқ ва ҳоказо), узоқ вақт чизиладиган рангтасвирларни ишлаш қийин, шу сабабли бу саҳналаштирилган натюрмортларнинг тез бир ёки икки сеансли этюд - чизмаларига ишлаш маъқул. Лекин ҳозир ҳар хил нарсалар ишлаб чиқарилган, тўғри бу эстетик тарбиявий кучини сусайтиради. Шу сабабли ҳаққоний, мева, сабзавот, гуллар, нон, тузламалар, ошхона анжомларидан натюрмортлар тасвирланади.

Табиий гўзаллик инсонга бошқача бир ўзига хос ҳис-туйғу ва илҳом бағишлайди. Кундалик ҳаётимиз учун зарур анжомларнинг ўзига хослигини илғаб олиш ва уларни тасвирлашга ҳаракат қилинг.

Натюрмортни: кундузги ёруғликда ҳамда манзарада ҳар хил хусусиятли ёритиш шароитида уюштириб тасвирланг.

Натюрмортни қўллашда биринчи галда бошланишига бир-икки буюмлардан саҳналаштирилганлиги мақсадга мувофиқ, аниқ пластик ва ранг мулоқотида кейин унча катта бўлмаган бир гуруҳ буюмларга ўтинг. Биринчи композитсион-пластик ечимига аҳамият бериш, шаклга рангда ишлов беришда ранглар бирлиги ва чуқурлиги характерини, ўзига хос хусусиятини, нимадан ясалганлигини бериш керак.



§2.4.4 Кўшимча рангда берилган мураккаб натюрморт

Талабалар кўшимча ранглarda берилган мураккаб натюрмортни ишлашганда нималарга эътибор бериш кераклиги хақида умумий суҳбат, яъни сувбўёқ билан ишлашганда кўшимча ранглardan натюрмортда ҳам



бўлиши ҳамда улардан қандай фойдаланиш ҳақида тушунча берилади. Акварел тез ва тоза ранглар билан ишланиши керак.

Қўшимча рангларда берилган мураккаб натюрмортни ишлаш учун ўқув жиҳозлари, яъни акварел, сув учун идиш 3-10 ўлчамли мўйқалам, ўчирғич, торшон қоғози 75x55 смли планшетга тортилган ҳолда, ранг аралашмаси учун тоза қоғозларни олиб келишлари шарт бўлади. Талабалар учун рангтасвирда натюрмортни бошлаш босқичлари шундан иборатки, натюрмортни чизишдан аввал талабалар ўзи ўтирган жойдан уфқ чизиғини топиши, "ТМ" қалами билан нозик чизгилар билан бошлаши, планшетнинг тепа қисмидан кам, пастки қисмидан кўпроқ жой қолдириши шарт.

Қоғозларга натюрмортни чиройли қилиб жойлаштириш ва предметларнинг бир-биридан фарқини топиб куриш керак бўлади. Тўғри ва яхшитопилган натюрмортни энди нафис ранглар билан бошлаш керак. Қоғозларгарангберганди нам ҳолатда

бўлишига эътибор берилади. Санъат буюмларидан ташкил топган предметлар, меваларни ва материалларни енгил ранглар билан умумий қилиб олинади. Ишни доимо ёруғ тарафидан бошлаш керак.

Ойнадан тушаётган ёруғлик - "блик" оч рангларда қолади. Ёруғлик, ярим соя, тўлиқ соя, рефлекс, биринчи ва иккинчи планлар, иссиқ ва совуқ ранглар (дарс жараёнида буларни талабаларга натюрморт орқали кўрсатиб, тушунтириб борилади) секин-секин кучайтирилади. Ҳар бир талабага алоҳида эътибор бериб, сув бўёқда қандай ишлаш, нималарга аҳамият бериш ва уларга рангда ишлаш услубини кўрсатиб берилади.

Ранг кўриш қобилияти ҳаммада ҳар хил бўлиши табиий эканлиги сабабли талабаларнинг ранг сезиш, кўриш, тафаккур қилиш тез ва секин ишлаш қобилиятларини ҳисобга олиш керак. Ҳаётда предмет, мева ва нарсаларни доимо кузатиб, мустақил ишлашни доимий тарзда давом эттириш, тез-тез этюдлар ишлаш, яъни ранг сезиш, кўриш қобилияти ўсиб, кучайиб боришини қаттиқ талаб қилган ҳолда тушунтирилади.

Кўшимча рангларда берилган мураккабнатюрмортни ишлаш жараёнида предметлар, мевалар ва материал драпировкаларини рангда бир-бири билан қандай боғлаш, уларнинг рангда таъсири, ранг уйғунлигини топиш вазифалари қўйилади.

Натюрмортда ранг муносабатларини аниқлаш. Нарсанинг асл ранг тусларини тоза-ёрқин бирлиги қатлами бўялади. Юзада ҳар бир буюм шакли майда бўлақларсиз умумий яхлит хажми бўяб борилади. Сувбўёқ билан ишлашда оқ бўёқ сифатида қоғознинг ўзидан фойдаланилади.

Натурадан рангтасвир ишлаш жараёнининг ўз қонуниятлари мавжуд бўлиб, бу ишни тартиб билан олиб бориш талаб этилади. Кетма-кетлик тартибини англаган ҳолда бажарилган иш махсули муҳим аҳамиятга эгадир. Ишни нимадан бошлаш, унинг орасида қандай талабларга жавоб бериш ва қай ўринда тугаллаш кераклигини яхши билмоқ зарур. Рангтасвир бажаришни зарур бўлган қуйидаги талаблар махсулидир. 1) натурада мужассам умумий ёруғ-соя, ранг-туслар ва муштарак ранглардан ёруғ-сояни, ранг-тусли уйғунликлар мавжуд бўлган катта бўлақларни аниқлаш; 2) ёруғ-сояли, ранг-тусли уйғунликлар катта бўлагида, ёруғ-соялар ва ранг йўналишлари, айрим нарса сиртига ранглар билан муттасил ишлов бериш;

3) умумлаштириш, бутун тасвирнинг яхлитлигига эришиш, композиция марказини ажратиб кўрсатиш. Қўйилган талаблар моҳиятини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Рангтасвирнинг тўлақонли ифода этилганлигини ёруғ-соя, ранг-тус контрастлари, натуранинг асосий ранг бўлакларига ўзаро уйғунликлари билан белгиланади. Бу жараён натюрмортда – фон билан стол юзаси, қўйилган мажмуа буюмлари орасида, манзарада эса осмон билан ер юзи ва дарё сувининг сатхи, шунингдек олдиндаги план, ўрта план ва охириги планлар орасида содир бўлади. Агар асосий ранг-туслар уйғунликлари этюда ҳаққоний акс этмас экан, кейинчалик зўр бериб ишланган қисмлар, рефлекс, буюм сиртлари ёки манзара майдонларига берилган ранглар мозаикаси рангтасвирнинг ҳаққонийлигини бера олмайди. Чизги сиртларда ҳам айнан шу талаблар бажарилишини яхши биламиз: биринчи галда буюм конструкциясининг асосий мутаносибликларини (пропорция) ифодаловчи умумий ката шакл чизиб олинади. Чизаётган киши натурани умумий ва яхлит тасаввур қилар экан, бу вазифалардан четлаб ўта олмайди.

Ранглар уйғунлигини аниқлаб олиш учун аввало, натурадан энг ёрқин ва интенсив ранг билан энг тўқ ранглар топилади, қолган барча амалларни уларга таққослаб аниқлангани афзал. Кейинги ранг-туслар камроқлиги, ёрқинлиги, оч-тўқлигига қараб тортиб борилаверади. Энг сўнггида мураккаб ранг ҳисобланган кулранг ва унинг туслари берилади.

Бошланғич ранг-туслар ҳар қачон ҳам энг оч ва энг тўқ қилиб олинмайди. Энг тўқ ранглар ҳам ҳар доим ҳам учрайвермайди. Масалан, натюрмортга қўйилган қизил помидор учун қизил кадмийни олмасдан, унинг ёрқинлигини эҳтимол 50%га пасайтириш зарур бўлади, шунингдек баҳор фасли яшил оламни тасвирлар экансиз, ёрқинликни ошириб юборишдан эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда этюд ола-була бўлиб қилиши мумкин. Шу боис, ишни бошлашдан олдин умумий ранг-туслар, уларнинг кучи, қаннақа ранг гаммасига мансублиги, қай даражада очроқ ёки тўқроқ эканлигини аниқлаб олинади бошқача қилиб айтганда, натуранинг умумий ранг-туслари

ҳолати аниқланади. Бу ҳолатни сақлаб қолиш учун балким, вазминроқ ранглардан фойдаланиш мақсадг мувофиқ келар. Башарти ишни бироз очроқ ёки тўқроқ ранг-туслар билан бошлар эканмиз, палитранинг бутун кучини оқ билан энг тўқ, энг ёрқин билан кескин рангларни сафарбар қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ранг-туслар уйғунликларини қидириб топишда умумийликдан қисмлар томон бормоқ лозим. Авваламбор асосий объектлар оралиғидаги ранг-туслар фарқи фниқланади. Масалан, натюрмортда фон билан стол ялтираб турган жойи орасидаги фарқлар билан таққослаб қидирилади.



§2.4.5 Гипс розетка иштирокида натюрморт

Бу натюрморт қўйилмасини ишлашдан мақсад — гипсли нақш розеткасини, бутқлка ва чинни идиш ранглавҳасини қисқа фурсатда ранглар воситасида бажаришдан иборат.

Вазифанинг асосий мақсади гипсли розетка буюмларнинг шакли, ранги, тузилиши, фазовий ҳолати жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишига алоҳида аҳамият беришдир.

Қўйилмадаги буюмларнинг ўлчами турлича бўлганлиги учун кичикроқ буюмлар олдин, йириклари эса орқада тасвирланади.

Натюрморт композициясини тўғри тасвирлаш мақсадида алоҳида кичик ўлчамдаги қоғозда хомаки расми чизиб кўрилади. Тасвир композицияси рангда ҳал этилгач асосий ишга ўтилади.

Қўйилмани чизганда барча буюмларни бирйўла тасвирлаш лозим. Акс ҳолда расмда бир буюмнинг ўлчами каттароқ ва иккинчиси эса кичик бўлиб, тасвир композицияси бузилади. Шунинг учун қўйилмадаги барча буюмларнинг умумий баландлиги ва эни қоғозда ёрдамчи чизиқлар билан белгилаб олинади.


Сўнг қўйилмадаги ҳар бир буюмнинг ўлчами жиҳатдан ўзаро фарқи, ораларидаги масофа, соя ва ёруғлик кучи ҳамда ранглари кўз билан чамалаб аниқлашга ўтилади.

Қўйилма уфқ чизиқидан пастроқда жойлаштирилган бўлиб, унинг горизонтал текислиги аниқланади. Гипсли нақш розетка орқароқда баландликда бўлиб, бутилка ва чинни идиш олдинги қаторда жойлашган.

Чинни идиш ва шиша бутилка умумий шаклини билдирувчи чизиқлар, симметрик ўқлар ва нақшли гипс моделнинг асоси белгилаб чизилади. Сўнгра пиёла ва мис қумғоннинг устки, пастки асослари ва нақшнинг ён томон йўналишлари перспектива қонуниятига асосланиб белгиланади. Нақш гулининг турган жойини аниқлаш учун тахтача асоси ўртасидан ёрдамчи профиль чизиқ юритилади.

Шиша бутилка симметрик шаклдаги буюм ҳисобланиб, у цилиндр шаклдан ташкил топган. Ўтказилган симметрик ўқдан бутилкани баландлиги ҳамда энининг ўлчами топилади. Бутилка уфқ чизиқидан бир оз пастроққа қўйилганлиги учун унинг устки ва остки асослари эллипс шаклда кўринади. Сўнгра бутилка бўйи ва энини белгиловчи чизиқларни туташтириш орқали умумий шакл топилади.

Қўйилма қаламда мукамал чизиб бўлингач, ранглаш учун ҳозирлик кўрилади. Аввал қоғоз мўйқалам билан намлаб олинади. Сўнгра тасвирнинг оппоқ жойидан бошлаб ҳаммаси суяқ бўёқ эритмаси билан қопланади. Сояларни бирдан қорайтирмасдан, аста секинлик билан бир қатлам қуригач иккинчисини суртиш керак. Айниқса гипс розеткани бўяшда соя қисмларини хаддан зиёд тўқлаштирмасдан, иложи борича енгил ранглар билан бўяш тўғри бўлади. Гипс розеткага тушаётган иссиқ ва совуқ ранглар шуъласини ҳис этиб кўрсата билиш рассомдан катта маҳорат талаб этади. Тасвирлашда методик кетма-кетликка риоя этиб бўяш мақадга мувофиқдир.



Охирги босқичда кичик мўйқалам билан ҳар бир бўлакка пухта ишлов бериш, нарсаларнинг асослари ёнидаги сояларни бир оз тўқлаштириб, қўйилмани яхлит ва ҳамоҳанг кўринишига эришиш керак.





§2.4.6 Портрет рангтасвири



Р.Ахмедов Портрет.

Маълумки одам қиёфасини ишлаш тасвирий санъат соҳасининг энг мураккаб қисмидир. Бу вазифани уддалаш жуда кўп назарий ва амалий билим ва кўникмаларни, қонун-қоидали қилиб адо этишни талаб этади. Портретга, айниқса ижодий портретга одам бошини яхши тасвирлашни ўрганиб олингач киришилади. Чунки портретда одамнинг нафақат боши, юз қисми, балки унинг бўйни, гавдаси, баъзида эса бутун

гавдаси акс эттирилади. Портрет ишлашда композиция яратишнинг барча муҳим қонун-қоидаларини ҳам мукамал, атрофлича билиш талаб этилади.



Н.Қўзибоев Портрет.

Портрет оддий, мураккаб кенг маъно ташувчи, воқеани акс эттирувчи бўлиши билан бир-биридан ажралиб туради. Республикамизда ижод қилаётган кўплаб рассомлар орасида портрет усталари ҳам бор. Улар қаторида Р.Ахмедов, Н.Қўзибоев, В.Бурмакин, Б.Бобоев, А.Икромжонов, М.Нуриддинов, С.Рахметов ва бошқа кўпларни санаб ўтишимиз мумкин. Мамлакатимизнинг энг таниқли, маҳоратли портретчи рассоми эса албатта Абдулҳақ Абдуллаев деб эътироф этсак ўринли бўлади. Чунки бу мусаввир ўзбек портретчилиги санъатига улкан муваффақиятлар келтирган инсондир. Маълумки М.Набиев ҳам портрет санъати намуналарини жуда кўпини яратган рассомдир. Мусаввирнинг «Амир Темури» портрет асари ва «Бобур портрети», «Абу Райхон Беруний портрети» кўпчиликка маълум ажойиб асарлардир десак янглишмаймиз.

Академик портретини ишлашнинг ўз қонун-қоидалари бор. Улар ўқув-машқ иши эканлиги, қатъий меъзонлар доирасида, методик изчиллик асосида

бажарилишини биламиз. Аммо унинг барча талабларига мувофиқ иш олиб бориш анча мураккабдир. Бунинг учун талаба кўп машқ қилиши ҳамда назарий билимлар билан қуролланиши керак.

Портрет машқ вазифа сифатида ишланаётган бўлсада, унга алоҳида талабчанлик билан ёндошиш зарур. Чизилаётган кишининг қиёфасини ўхшатиш энг муҳим ишдир. Бу масалани ижобий ҳал этиш композиция, тасвир ранг хусусиятлари, ўзига хос хусусиятли шахсга алоқадор белгиларни топа ва акс эттира билиш билан боғлиқдир. Ўқув-машқ учун кўриниши қизиқарли, юз тузилишлари ифодали, ранги ҳам чиройли кўринишига эга бўлган киши танланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Одатда портретнинг қўл тасвири билан бирга ишланадиган хили (торс), бутун гавда тўлиқ акс этириладиган, ҳамда хонадаги бошқа уй жиҳозлари билан боғлиқ ҳолда воқеабандлик касб этувчи композициявий турлари мавжуд. Улар қандай шароитда, қандай атроф-муҳитда ишланиши тасвир маъно-моҳиятини белгилайди. Академик портрет албатта босқичма-босқич, барча қўйилган талабларга амал қилинган тарзда бажарилади. Уни ишлашдан аввал қўйилма яхшилаб таҳлил қилинади. Ранглавҳа, кичик эскизлар қилинади. Улар ёрдамида бўлажак асосий портрет рангтасвирининг тархлари композиция қонун-қоидаларига мувофиқ топилади. Босқичма-босқич ишлаш эса, умумийдан хусусийга, сўнг эса яна умумлаштиришга асосланган ҳолда тартибли қилиб олиб борилади.

Ишни сифатли олиб боришда рангтасвир технологиясига тўлиқ амал қилинса тасвир мазмундорлигига эришиш енгил кечади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, портретга қўйиладиган энг асосий талаблардан бири унинг тасвир этилаётган шахсга ўхшаши кераклиги масаласидир. Бу жиҳатни амалга оширишда акс эттираётган киши-қиёфачининг ўзига хос феъл-атворини сезиб уни ифода этиш муҳимдир. Қиёфачининг шу сифатлари унинг бош шакл тузилишида, кўз, қош, бурун, оғиз, ёнок, ияк, пешона, сочларидан сезилиб туриш маълум. Уларни шакллари, рангларини табиий кўринишига яқин қилиб олиш анча синчковликни талаб этади.

Портретда чизилаётган киши кайфияти, руҳий ҳолатига алоҳида аҳамият берилиши керак. Чунки портретда бу жуда катта роль ўйнайди. Композиция мазмунининг ечимини топиши шунга боғлиқ.

Маълумки қиёфачи қандай ҳолатда (ўтирган ёки тик), қандай муҳитда (хона ичида ёки ташқарида) тасвир этилаётганига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Чунки шунга мувофиқ унинг ранг ечими ҳал этилади. Таъсирчанлиги, қуримлилиги шунга яраша акс этади. Портрет ишлашни ўрганишнинг энг зарур шарти талабаларни уй вазифаси сифатида кўпроқ машқлар бажариши билан белгиланади. Иложи борица қиёфачиларнинг ёшлари, кўринишлари, жинслари турлича бўлиши, улар хона ичида, ташқарида очик ҳаво шароитида турли туман фонлар билан ишланиши зарур. Портретда чизилаётган одамларнинг кийим-кечаклари, бош кийимлари, кўлидаги ёки ёнидаги буюмлар ҳам маълум даражада аҳамиятлидир. Улар композицияни бойитиб, иш мазмунига мазмун, воқеабандлик бағишлаши мумкин.

§2.4.7 Одам бошини ўзига қараб ишлаш

Маълумки тасвир ишлаш хоҳ у қаламтасвир бўлсин, хоҳ рангтасвир бўлсин, академик усулда шартли босқичларга бўлиб олиб борилади. Бундай бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, методик кетма-кетликда фаолият юритиш ўқув-машқ вазифани муваффақиятли бажаришнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Бош рангтасвирини ишлаш албатта бир нечта ёрдамчи қаламлавҳалар ишлаб кўриш жой танлаш, қиёфачининг бошининг ўзига хос шаклий хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Улардан унумли фойдаланган ҳолда матога бошнинг қаламтасвири чизилади. Қуйилманинг рангдаги кўриниши қандай эканлигини ҳам бир-нечта кичик ранглавҳалар ишлаб кўриш орқали тушунилади. Бунда унинг соя-ёруғлик муносабатлари, ранг хусусиятлари, яхлитлиги, катта шаклни белгилаб тусини ортлик(фон)га нисбати қандайлиги аниқлаб олинади. Ана шу тайёрлаб, синчковлик билан машқ қилиб кўрилган

калам ва рангли лавҳалар ёрдамида асосий вазифа-академик иш муфассал бажарилишига эришилади.

Ўқув-машқ вазифа қуйидаги тартибда олиб борилади:


1.Бош ва кийим қисмларининг ёруғлик ва соясининг фонга нисбатан яхлитлигини-катта шаклини топиш.

2.Шаклни қисмма-қисм барча бўлакларини ўрганиб, батафсил акс эттириб чиқиш.

3. Умумлаштириш ва тасвирни тус-ранг ҳамда конструктив жиҳатларини яхлит кўриниш ҳолатига олиб келиш.

Юқорида келтириб ўтганимиз уч босқичдан биринчиси аввалги амалий вазифаларни бажариш пайтида анча-мунча гзлаштириб олинган бўлганлиги сабабли осон бажарилади. Кейинги икки босқич эса эндиги бўладиган машғулотлар натижасида ўрганилиши кўзда тутилган. Иккичи босқичда асосан бошнинг барча муҳим ҳисобланувчи қисмлари алоҳида-алоҳида синчиклаб, ҳажми ва шаклини чуқур таҳлил қилган ҳолда, иложи борица батафсил ишлаб чиқилади.

Аммо батафсиллик умумий катта шаклга ва катта ранг умумлашмаларига путур етказмаслиги керак. Ҳар бир кичик унсур ранги ҳамда шакли ишланар экан унинг катта ҳажмга ва умумий ранг гаммасига нисбати эътиборда ушлаб турилиши зарур шартлардан биридир.



Бош тасвири майда қисмларини, айниҳа кўз, қош, бурун, оғиз, кулок кабиларни акс эттириш жараёни жуда нозик ва кўп меҳнат талаб этадиган ишдир. Уларни тасвирлаганда кўп нарсаларни ақл ва тажриба билан ҳал қилиш керак. Масалан, баъзи талабалар кўз, қош, бурун, оғизни чизиклар билан ифодалаб ўқа қоладилар, уларнинг ўз шакли, ҳажми мавжуд эканлигига чуқур эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, ҳар бир шаклнинг бўртиб соя-ёруққа эга бўлиб ҳажми ранги ўзгача эканлигини сезиб олиш қийин эмас. Бунинг учун уларни ўзаро фарқларини солиштириб аниқлаш ва ўхшатиб акс эттириш мумкин. Бунда уларнинг рангидаги фарқларни ҳам мустасно қилиш керак эмас.

Бошнинг ортликка, унинг ранги, тўқ ёки очроқ тусга эга эканлигини тўғри, аниқ топиб тасвирлаш иши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унда бошнинг ҳар бир қисми батафсил ишланишига қарамай умумий кўриниши яхлит қабул қилинишига эришиш тақозо этилади.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, унда талаба тасвир этилаётган бош тасвиридаги соя-ёруқликларни тўғри ишламай жуда тўқ ёки оч бўлиб қўлади. Шуълаларни ҳам ортиқча бўрттириб, ёрқинлаштириб юбориб умумий ранг-тус яхлитлигига путур етказди. Ваҳоланки акс шуълалар (рефлекслар) соянинг ичида, унинг таркибида бўлиши керак. Уларни ўта бўрттириб юбориш соя қисмнинг майдалашиб кетишига сабаб бўлади.

Ишни умумлаштириш босқичида барча майдалаб, батафсил тасвир этилган қисмлар «катта шакл»га бўйсундирилишига алоҳида урғу берилиши талаб қилинади. Умумлаштирилганда улуғ педагог-рассом П.Чистяков таъбири билан айтганда «...кўзни бор аниқлиги билан онгли қилиб тасвирлаш керак, бурун ва оғизни бемалолроқ ишлаш лозим, бошқалари эса умумлашиб кўринса ҳам бўлади».

Бош тасвирини ишлаганда унинг қандай кўринишига таъсир этувчи композиция марказига ҳам кўп нарса боғлиқ. Композиция яхши топилган ва у тус, ранг, тўқ-ёруқ муносабатлари билан юзага чиқарилган бўлса, машқ-вазифа ижобий натижа бериши аниқ.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, машқлар фақат аудиториядаги ишлар билан чекланмаслиги керак. Уй ишларини тез-тез ва қунт билан адо этиш талаба билими ва тажрибасини оширишнинг муҳим омилидир.

§2.4.8 Қийинган одам қоматини ишлаш

Одам гавдаси, баданини рангтасвирини ишлаш энг мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Чунки кийим ичида турадиган қуёшда қорайиб ранг олмаган одам териси жуда нозик ранг тусларида бўлади. Уни тасвирлаш ранг-тусини ўхшатиб ифодалаш анча қийиндир. Одам гавдасини ҳар хил кўринишларини турли вазиятларда акс эттириш инсон танаси тузилиши, анатомияси, ўзига хос шакл-шамойилини ўрганишни пластик ечимини топишни тақозо этади. Шунинг учун чизилаётган одам кексами, ёшми гавдасининг конструктив тузилишини аввало қаламсуратини чизиб ўрганилиши керак. Бунинг учун майда қалам чизмалар, ранглавҳалар бажариш, шакл ва ранг-тус муносабатларини таҳлил қилиб ўрганиш лозим. Шундан сўнг энг мақбул, чиройли кўзга яхши ташланадиган жойдан туриб тасвирни матога тушириш бошланади. Унда гавданинг сатҳда жойлашиши композиция томонлари пухта ўйлаб чизилади. Рангда ишлаганда катта шакл, ранг уйғунлигига ҳам алоҳида эътибор билан қаралиши, муносабатлик барча нарсда ўз аксини топиши керак. Улар эса гавданинг ҳар бир бўлаги ранги, соя ёруқлигида намоён этилади.

Одам гавдаси унинг соя ва ёруқ жойларини яхлит қилиб ҳам тус ҳам ранг жиҳатидан ишлаб чиқишдан бошланиб, ҳажмни кўрсатишга ёрдам берувчи унсурлар-яримсоя ва акс шуълаларни белгилаш билан давом эттирилади, бунда ранг каллорити ҳам мувофиқ тарзда кўрсатилади. Айниқса гавданинг қорин ва бел қисмлари ранг жиҳатидан жуда мураккаб, нозик товланишли тусларга эгаллиги билан ажралиб туради. Уларни «нюанс»лар ёрдамида ишлаш мумкин. Бунда ҳам тус ҳам ранг ўзгаришларнинг салгина фарқи ҳам ҳисобга олинади. Одам танаси агар кийим билан тасвирланаётган бўлса, кийим тана қисмлари шаклига монанд бурмалар ҳосил қилиб туриши


ҳисобга олиб ишланади. Акс ҳолда унинг тагидаги бадан сезилмайди ва тана пластикаси бузулиб кўринади. Бунинг учун аввалдан матоларнинг қандай бурмаланиб туриши, натюрмортлар ишлаш жараёнларида ҳам яхши ўзлаштириб олингани қўл келади.

Илгариги маърузаларда биз одам боши ва юзини қандай ишлаш кераклиги устида тўхталган эдик. Гавда тасвирини бажарганда одамнинг бош ва юз қисмлари бўйин ва бошқа аъзолар билан биргаликда узвийликда тасвирланади. Шу томонига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки уларни пластик ва қурилиш жиҳатида боғлаб ифода этиш анча мураккаб бўлиб, саъй-ҳаракатлар талаб қиладиган машғулотдир.

Инсон гавдасини рангтасвирини қай йўсинда, қандай кўринишда ишланган унда албатта унда қўл тасвирнинг ўрни каттадир. Чунки қўл ҳаракатлари, туриш ҳолати орқали гавда, инсон танаси вазиятлари, ҳаракатли ҳолатлари яққол бўртиб кўринади.

Кийимли портретда қўл тасвири ҳатто инсоннинг «иккинчи юзи» деб ҳам аталиши бежиз эмас. У орқали инсон кайфияти, унинг ички руҳий кечинмалари ҳам бўрттириб кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун қўлга иккинчи портрет сифатида қараб, худди инсон юзини қандай эътибор билан ишланса уни ҳам шундай диққат билан тасвирламоқ керак.







§2.4.9 Интерьер кўринишини тасвирлаш

Интерьер—хонанинг ички кўриниши. У ўз ичига меъморлик шаклларида (эшик, деразалар жойлашуви ва х. к.) ташқари хонанинг девор ва шифтларидаги нақшлар, паркет полнинг теририлиши... парда материалларини ранги, хусусиятлари, мебелни шакли ва ранг жиҳатлари ва х. к. ҳисобланади.

Интерьер даврнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш билан бирга бўлиб ўтаётган воқеалар, инсонлар тўғрисида кўп нарсаларни ҳикоя қилади.

Интерьерлар турли - туман бўлиб... уларнинг ўрни рангтасвир асарларида турлича. Бу эса рассомни у ёки бу воқеани тасвирлаётганда турли даврдаги барокко, классицизм, амбир ва, албатта, замонавий интерьерларни услуб хусусиятларини билишни ўз зиммасига юклайди. Техника тараққиётини жадал ҳаракати архитектурага бўлган янги эстетик талаблар... замонавий интерьер ҳақидаги тасаввурларни ўзгартиради...унинг қонуниятини ва йўналишини белгилайди. Москва шаҳридаги метро бекатларининг ички ва ташқи безаги (архитектура, ҳайкалтарошлик, мозаика, фреска, чеканка... витраж ҳ.к.) ўзига хос намунавий синтез бўлиб ҳисобланади.

Айрим ҳолларда интерьерларни кичик бир бўлаги уй эгасини касби ва унинг иштиёқи ҳақида кўп нарсаларни ҳикоя қилиши мумкин. Гегель ўз вақтида шундай фикрни берган яъни... интерьер -- «бу инсоннинг ўзига хос кийими» деб уни маъноли таърифлайди.

Турли даврларда ҳар хил миллатларнинг интерьерлари ҳаёт тарзига боқлиқ бўлиб, улар ўзига хос бўлади. Мамлакатимизнинг ўзида Қорақалпоқ, Сурхандарё, Қашқадарё турли туман ўлкаларининг интерьерларида ёғоч уймақорлиги ва гиламлар билан безатилган безаклари шу халқнинг бой анъаналарини ўзида мужассамлаштирган.



И.Е Репин “Кутмаган эдилар”.

Ички хоналар... атроф муҳит... фазовий ҳолат билан тасвирлай олишни билиш бир неча асрлар давомида ривожланиб келди. Шартли ясси тасвирлар ўрнига перспектива қонуниятларини ўз ичига олган интерьерни безаш маҳорати эгаллади. Голланд рассомларининг асарларида интерьернинг тусли ва рангли ечимлари ажойибдир.

XIX-XX асрда рус реалистик

рангтасвир мактаби интерьерни тасвирлашда юксак натижаларга эришди.

И.Е.Репиннинг «Кутмаган эдилар» ва В.И.Суриковнинг «Меншиков Березовада» картиналаридаги интерьер тасвирларини эслаб кўринг. У ерда ҳаммаси аниқ перспектива кўрилишига бўйсунган, кенгликдаги кўринишлар



В.И.Суриков ”Меншиков Берёзовада”.

тғўри тасвирланган. Бу эса персонажлар ҳаётини ҳаққоний кўрсатади ва хонанинг ёруғлик ҳолатини тус ва ранг жиҳатдан маҳоратли тасвирлайди.

Бу картиналардаги интерьерни тасвирлашда юкори маҳоратга эришилган.

Интерьерни тасвирлаш мобайнида чизиқли ва ҳаво

перспективаларини қурилиш қонуниятларини, нисбатлар методи билан тусли ва рангли тасвирлаш имкониятларини тўлақонли билиш керак.

Кўриш нуқтасини танлашда ва ёруғлик (кундузги ва сунъий) манбаини тасвирлашда моҳирлик маҳорати жуда муҳимдир.

Акварель интерьерни тасвирлашдан олдин тўлиқ бўлмаган бўёқлар тўплами билан бир нечта иш бажариш фойдалидир... битта жигарранг ёки қора ранг билан тусли қаламтасвирнинг техникасидан сўнг рангли тасвирга ўтишни енгиллаштириб диққат эътиборни маълум оч-тўқлик муносабатларига йўналтиради. Тусли тасвирлаш композициясига Н.И.Куприяновнинг «Рояль» мавзусидаги иши муваффақиятли намуна бўлиб хизмат қилади. Рассом йирик тусли муносабатларни самарали ҳал қилиб мураккаб интерьерни ишончли тасвирлаган: ўтирган қоматга чирокдан ёруғлик тушиб, дераза, девор, пол устида қуюқ соялар, қуюқ тўқ ранглар рояль сояларига кўмилган. Рассом-график Д.А.Шмаринов оқ-қора тусда Ф.М.Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романига иллюстрациялар яратишда жуда кўп сермазмунли интерьерлар ишлаган.

Интерьерда ёруғ ҳаво перспективаси орқали ҳал бўладиган кенглик муҳим аҳамиятга эга. Интерьернинг олд кўринишдаги нарсалар ёрғин ва уларга таалукли ранглар равшан кўринади: соя томонлари контрастли ёритилгандан мебелни у ёки бу қисмларидаги ишланган материал ранги аниқ кўриниб шакллари яхши ўқилади.

Рассом стол устидаги натюрморт яъни қуёш ёритиб турган жойини композиция маркази деб ҳисобласа...улар ёрқин рангларда тасвирланади атрофидаги нарсалар эса енгил-елпи кўринишда хирароқ тасвирланади.

Табиат рангларини кўриб идрок этиш хусусиятлари қуйидагича, бир қарашда нарсаларни тусли ва рангли томонларини, иссиқ-совуқ ранг турини, уларнинг муносабатларини аниқ сезамиз. Дастлабки қисқа вақтли этюдда майда-бўлақларга эътибор бермасдан, асосий ёруқ-соя ва ранг фарқларининг муносабатини бажарилиш фойдалидир. Бундай этюдларни бажаришдан мақсад асосий ранг муносабатларини тушуниб олишдир.

Интерьерни тасвирлашда энг ёруқ жой бу чироқ манбаи: дераза оралиқи (кундузги ёритгичда) шам ёки чироқ (сунъий ёритгичда). Бу ҳолда хонанинг оқ деворлари чироқ манбаига нисбатан қоронғироқ бўлади. Хатто тошойнадаги акси ҳам чироқ манбаига қараганда тўқроқ. И.Е.Репиннинг «Кечқурунчилар» картинасида ёруқлик масаласи қандай тасвирланганини кўрайлик. Хона деворлари, дераза ва бут четларидаги ромкалар, уйинчиларнинг кўйлаклари ҳам оқ рангда. Бироқ ёниб турган шам ёруқлиги оқ тусларга нисбатан анча ёрқинроқ. Бунинг ҳаммаси тусли муносабатларни аниқ топилганлиги билан эришилган. Агарда картина юзасига оқ қоғоз вароқи кўйилса оқ бўлиб турган (деворлар, сочиклар) нарсалар тўқроқ бўёқларда бажарилгандай туюлади. Чунки биз ёруқликни идрок этишда абсолют ёруқликка эмас ёруқлик муносабатларига нисбатан таянамиз, шунинг учун ҳам картинада ёрқин объектлар оқ ёки ёрқин кўринадди.

Кўп ҳолларда ёш рассом интерьердаги ёритилганлик ҳолатини тўлақонли тасвирлай олмайди: ўша битта хона қуёшнинг кунботар нурлари билан ёритилганда ҳам ёки кузги ёмғирли кунда ҳам бир хил бўёқларда тасвирланади. Бундай хатоликларга йўл қўймаслик учун ҳар бир ранг ва тусни у ёки бу ёруқлик билан умумий ранглار гаммасида кўриш керак.

Бажариладиган этюддан олдин энг тўқ ва энг ёрқин доғларни аниқ тасаввур қилиш лозим, бу билан энг ёруқ жойига оппоқ ва энг тўқига энг қуюқ бўёқларни ишлатиш деган сўз эмас. Ҳира-шира ёруқлик тушаётган хонанинг оқ деворлари ҳам қуюқ соя бўлмайди, ўз навбатида деразанинг олдидаги энг ёрқин доғ ҳам тоза оппоқ ранг эмас. Ҳар бир ҳолатда ҳам рассом чуқур фикрлаши, таҳлил этиши ва моҳирона тасвирлай олиши зарур.

К.Ф.Юоннинг «Август оқшоми. Сўнгги нур» картинасидаги интерьер жуда моҳирона ишланган. Бу асар ранг жихатдан жозибали ва ёрқин тасвирланган. Мавзу мураккаб эмас: дала ҳовли хонасининг бурчаги, дераза, оппоқ дастурхон билан ёпилган стол, оддий стуллар хонага файз бериб турибди. Қуёшнинг олтин заррин нурлари хонани ниҳоятда жозибали

ёритмокда, рассомнинг бу ҳолатни ўз асарида ўта моҳирлик билан тасвирлай олгани томошабинни лол қолдиради


Бу асарни кузатар эканмиз осойишталик ва сукунатни ҳис этамиз.


Экстерьер интерьерга қарама-қарши бўлиб бинонинг ташқи кўринишини ифодалайди.

Шаҳар кўринишларини тасвирлашда перспектива қонун-қоидаларини чуқур билиш билан бирга, катта кўриш майдонини қоғоз юзасида жамлай олиш, энг муҳими кўриш нуқтасини аниқ танлай олиш жуда муҳим.

Шаҳар манзарасини энг яхшиси офтобсиз кунларда, ёруқлиги анча барқарор бўлганда ва архитектурали манзаралар ҳам ранг ва ёруқлик муносабатлари жиҳатдан кам ўзгарадиган вақтда тасвирлаш керак.

Интерьер ва экстерьерни тасвирлаш қаламтасвир, рангтасвир ва композиция курсларининг ўқув дастурларидан жой олган. Бошланғич курсларда уларни натурадан бажариш вақтида катта эътиборни перспективали қурилишига, нисбатларини тўғри топишга, ёритилиш даражасини маромига етказишга қаратилади. Юқори курсларда интерьер ва экстерьерлар композицияни таркибий қисми ҳисобланиб рангтасвирнинг ўқув қўйилмаларида қўлланилади.





§2.4.10 Манзара чизиш жараёнида ранг хусусиятларидан фойдаланиш

Рангтасвирнинг энг асосий ифода воситаси - бу ранг. Ранглар рангтасвир асарига тасвирий санъатнинг бошқа турларига қиёслаганда алоҳида ҳаётийлик бағишлайди, тасвирнинг тўлалиги ва ишончилигини таъминлайди. Рассомнинг ғоявий мақсади ҳамда тасвир жараёнидаги кайфиятига мувофиқ равишда манза-рада рангларёркинлашиши, нур ва ҳаво етакчилик қилиши, бу орқали тасвир жараёнида рассом руҳий ҳолатидаги кўтаринкилик, ҳаётсеварлик ва келажакка ишонч туйғуларига ишора қилиниши мумкин. Ёки аксинча, совуқ ранглар орқали тушкун кайфият, безовталиқ кабилар ифодаланган бўлади. Рангнинг асосий хусусиятлари унинг ёркинлиги (оч-тўқлиги) туси ва тўйинганлиги билан белгиланади

Ранг борасида гап кетганда бир нарсани унутмаслик керак соялар ҳам рангли бўлади. Бунда рассом бир рангнинг нур ва соя ҳисобига тусланишини кўра олиши ва шунга мувофиқ акс эттира билиши керак бўлади (валёр рангтасвири). Шунингдек, манзарада рефлекслардан фойдаланиш тасвирланаётган предметнинг бошқа буюмларнинг ёруғлиги ёки ранги таъсирида ўзгаришини тўғри белгилаш ва акс эттириш ҳам муҳимдир. Бу эса манзаранинг рангдорлигини таъминлайди

Манзара рангтасвирида ҳар бир ранг суртмасига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Манзарани профессионал даражада маҳорат билан ишлаш ундаги ранглар муносабатини реал ҳолатини натурада кўрилганидек тасвирлай олиш билан белгиланади. Манзара ишлаш жараёнида рангларнинг ўзаро муносабатини ҳис қилиш ва акс эттириш малакасини ҳосил қилиш учун манзара кўринишларининг ёруғ-соя таъсиридаги ўзгаришларини зарурий пландаги кўринишларда кузатиш, ўзаро қиёслаш яхши самара беради. Натурадаги манзараларнинг кўриниши уларнинг ёритилиш даражаси ва бошқа манзаранинг соялари таъсирида ҳам ўзгаради. Тонгда натура сариқ-олтин рангида кўринади, ой нурида кулранг мовий рангга, булутли кунда эса тўқроқ кумуш рангига киради. Ўрмонда ҳамма нарса илиқ яшил рангга мойил бўлади.

Манзара чизиш жараёнида рангтасвирнинг пластик воситаларидан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун натурадаги ранглар динамикасини диққат билан кузатиш зарур. Шундагина ёруғ ва соя доғларининг картина бўйлаб тарқалишидаги табиийликка, асарнинг жонли ва таъсирли чиқишига эришиш мумкин бўлади.

Умуман, тасвирий санъат асарини идрок қилишдаги ўзига хосликдан келиб чиқилса, тасвирий санъат асари, энг аввало, алоҳида қисмлари орқали эмас, балки бир бутунича идрок этилади, шундан сўнг секин-аста картинадаги қисмларга, деталларга эътибор қаратилади. Шунга кўра, рангтасвир асарида биринчи навбатда кўзга ташланадиган, томошабин диққатини жалб қиладиган жиҳат ранг ундаги колоритидир.

Колорит манзара чизиш жараёнидаги рассом эътибор қаратиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Колорит деганда тасвирий санъат асаридаги рангларнинг ўзаро уйғунлиги ва бирлиги тушунилади. Колорит рангтасвирдаги бадиий образнинг эмоционал ифодавийлигини таъминлайдиган муҳим воситаларидан бири бўлиб, рангларнинг ўзаро уйғунлигига кўра у илиқ ёки совуқ, ёруғ ёки хира бўлиши, шунингдек, хотиржамлик ёки безовталиқни ифодалаши мумкин.

Манзара чизиш жараёнида кўпинча ва айниқса бошловчи рассомларга предметнинг ранги ҳақида илгаридан шаклланиб қолган тасаввурлар ҳалақит бериши мумкин. Предмет қандай ёруғлик муҳитида жойлашганига қарамай, унинг ранги ҳақида илгаридан шаклланган тушунча хотирада сақланиб тураверади. Натижада тажрибасизроқ рассомлар этюд ишлаш жараёнида жиддий хатога йўл қўядилар манзара кўринишини илгаридан шаклланган тасаввурларига кўра тасвирлайдилар. Масалан, майса-ларнинг ранги кузатувчидан узоқлашиши, шунга мувофиқ равишда муҳитнинг ўзгаришига ўзгаришини ҳисобга олмасдан бирдек яшил рангда тасвирлайверадилар.

Манзара чизишдаги муҳим жиҳатлардан яна бири картинада об-ҳавони, фаслни, куннинг турли вақтлардаги ҳолатларини тасвирлай олишдир. Бу нарса картинада умумий тус ва ранг кайфиятини бера олиш дейилади.

Табиатнинг тез ўзгарувчан ҳолатлари – эрта тонг, пешин, кеч, нам ҳаво, куруқ ҳаво, булутли кун, қуёшли кун ва бошқалар ўзига хос ранг гаммасини талаб қилади. Куннинг турли вақтларида ва турлича об-ҳаво шароитида ишланган этюдлар бундай пайларда табиатнинг ёритилиш ҳолатидаги ўзгаришларга мувофиқ тарзда ўзининг умумий туси ва рангига кўра фарқланади.

Табиатнинг турлича ёритилганлик ҳолатларидаги фарқларни ўрганиш учун битта натуранинг ўзини булутли тунда об-ҳавода, қуёшли кунда, ёзда ва қишдаги кўринишларини кузатиш, тасвирлаш фойдалидир. Манзарада умумий тус ва рангдаги уйғунлик, яхлитлик йўқлиги бир неча хил ранг-тус ҳолатларини бзага келтиради. Бундай асар табиат гўзаллигини ифодалай олмаганидек томошабин туйғуларига ҳам таъсир эта олмайди.

§2.4.10.1 Манзара чизиш бўйича амалий тавсиялар

Очиқ ҳавода манзара чизишнинг хусусиятлари Очиқ ҳавода расм чизишнинг бошланишида оддийроқ сюжетни танлаган маъқулроқ. Масалан, ҳовлининг бир қисми, уй ёнидаги ёки девор олдидаги дарахт, кўприкли ариқча, характерлироқ кўчани бир қисми, дарвоза олди ва ҳоказо. Очиқ ҳавода этюд ишлаш бўйича бир мўлжал малака ҳосил қилгач, сўнг вазифасини секин-аста мураккаблаштириб бориш мумкин.

Одатда манзара ишлашнинг икки хил типи мавжуд:

Биринчиси; давомли, яъни тугатилган манзара.

Иккинчиси; қисқа муддатли бир сеансли этюдлар.

Узоқ муддатли манзаралар ишлашда фазони ишончли тасвирлаш об-ҳавони ҳолати, ёруғликнинг нозик қочиримлари ва манзара кўринишининг шакли-шамойили анча аниқликда ишланади. Узоқ муддатли давомли этюдларда натуранинг тўлиқ ифодалаш қобилияти ва дастлабки фикрни тўлатўқис рангтасвир асарига айлантира олиш тарбияланади. Узоқ муддатли ишларни бир неча сеансда куннинг (бир пайти) ўша вақтида ҳавонинг бир хил ҳолатида ёзиш чизиш керак.

Ривожлантириш ва рангтасвирни қуруқ ва камбағал бўлиб қолишдан қутулиш учун давомли тасвирлардан ташқари қисқа муддатли этюдлар бажариш зарур бўлади. Бу этюдлар манзарачи учун ўта зарурий босқич бўлиб, рассомнинг ўзига хос кундалик дафтариدير. Этюддаги энг аҳамиятли нарсаси бу натура ҳақида жонли нигоҳ ва жонли тасаввурдир.

Очиқ ҳавода ишланар экан, табиатнинг тез ўзгарувчанлигини кузатиш мумкин: бўронли булут ва момақалдирок, қуёшнинг чиқиши, булутларнинг ҳайратли алмашилишлари ва рангдор ёритилишини кузатиш мумкин. Бундай ўзгаришлар 5-10 дақиқа ичидаёқ содир бўлади: кун ботиш бутунлай бошқа рангга киради, булутларни ҳам шакли бузилиб кетади. Бундай пайтда жуда тез ишлаш талаб этилади, бошланғич чизматасвирни тўлиқ бажариш ҳам шарт эмас ёки умумий ҳолда кист билан белгилаб олиш кифоя қилади. Сўнгра тезда зарурий тусдаги бўёқларни танлаб йирик мазеклар билан ишлаш керак. Қисқа вақт ичида умумий ранг тусининг ҳолатини ҳосил қилиш ранглар гармониясини, планли боғланишларни юзага чиқариш зарур бўлади.

Бу ерда албатта яхлит кўриш зарур ва асосий объектларни таққослаш вароқда асосий ранг муносабатларни жойлаштириб олиш: осмон, ер, дарахтлар, сув ва ҳоказо. Агар, умумий тус ишончли олинса, ёруғлик кучи, ранг ва унинг тўқлиги (тўйинганлиги) натуравий нисбатларга мос бўлса, ҳар хил планларни муносабати тўғри илғаб олинган бўлса шуларни ўзи этюд-коралама учун етарлидир. Яхлит кўришни билиш ва катта шакл нисбатларини топа олиш кўникмаси келажакда манзара ишлаш маҳоратини эгаллаш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

§2.4.10.2 Давомли этюд ишлаш жараёни ҳақида тўхталиб ўтамиз

Манзара кўринишини танлаб олинган, тасвир юзасида тайёргарлик чизмалари ишланади. Чизматасвир албатта, шубҳасиз, перспектив қурилиш ва турли манзара кўринишларини планли ва нисбатларини сақлаган ҳолда чизилади.

Манзаранинг чизиқли тасвирини тўғрилиги бошиданок ишнинг сифатини белгилайди. Мободо рангларни муваффақиятсиз қўйилсада, чизиқли тасвир этюднинг қимматини сақлаб туради. Машҳур итальян рассоми Тициан ўзининг ўқувчиларига такрорлар эдики: - “на соя-ёруғлар, на ранглар эмас, балки тасвирни тўғри чизилган шакл ва чизиқли тасвир гўзал қилади”.



Тажрибасиз рассомлар кўпинча бошиданок кўпол хатога йўл қўядилар, осмонни барча тавсифлари билан чизиб оладилар, сўнг ернинг тасвирига ўтадилар. Бундай қилиш ярамайди. Манзарада аввало асосий объектларнинг тўқлиги ва рангининг кучини тасвирлаш: осмон, ер, сув ва бошқа ва сўнгра босқичма-босқич этюдни тугаллаш ҳолатигача олиб бориш зарур.

Буёқлар билан ишлашдаш аввал натурага кўзни қисиб қараб, натуранинг энг ёруғ ва энг тўқ жойларини чамалаб олиш зарурдир. Айтайлик, энг ёруғ блик жой сувнинг чекка қирғоғида, энг тўқ жой эса-дарахтнинг шохлари дейлик. Бошқа барча тўқликларни шу икки бош нуктага нисбатан таққослаймиз. Бундай таққослашда ҳатто оғир қора булутлар ҳам тўқлиги жиҳатидан албатта ердаги объектларга нисбатан енгил эканлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, фақат чуқур фикрлаб, предмет ва планларни тўқлиги ва рангдаги фарқларни аниқ тасаввур этиб олиб, сўнг ишга киришган маъқул.

Иш жараёнида манзаранинг умумий тўқлиги ва ранг ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Куннинг турли вақтида ва ҳат хил об-ҳавода ёзилган этюдлар умумий туси жиҳатдан турлича бўлиши керак.

Шуни яхши англаб олишимиз керакки, предмет ва жисмларни очик ҳавода тасвирлашнинг асосий ўқув вазифалари турлича ёруғлик муҳитида, умумий ёритилганлиги турлича бўлган, сут-канинг турли вақтига, фаслга, об-ҳавонинг ўзгаришига боғлиқдир.



Айниқса, асосий ёруғлик манбаига нисбатан предмет ва объектларнинг рангли кўриниши кучли равишда ўзгариб кетади: эрталаб, кундузи, кечки пайт. Масалан, дарахт соясидаги натура билан баланд девор ёнидаги соядаги натуранинг, ўзининг соясининг рангига нисбатан бир хил бўлмаган ранг

гаммасини ташкил қилади. Бир хил вақтда, барчаси яшил сояланади, баъзида осмон таъсирида кўкиш бўлиши мумкин.

Олдинги дарахтларнинг ранги нафақат ёрқинроқ ва иссиқроқ, шу билан бирга узоқроқдаги дарахтлар тобора хиралашиб, совуқ соялар бўлиб боради ва ҳолангки, яшил-сарик ўрмонзор горизонтда, кўк рангдаги чизикқа айланади. Дарахтларнинг бундай ўзгариши маълумки, кўкиш рангга эга бўлган ҳавонинг биздан узоқлашган сайин қуюқлашиб бориши эвазига рўй беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаво перспективасининг бундай қонуниятини ҳар қандай манзарани тасвирлашда қўлланади деб ўйлаш тўғри эмас. Ёруғлик ҳолатининг об-ҳавонинг шундай вазиятини учратиш мумкинки, анчайин аниқроқ ва ёрқин ранглар туси ва ранги билан олдинги планда эмас, балки ўрта ёки ҳатто узоқ планларда бўлиши мумкин.

Шу ўринда манзараларда кўпинча учраб турадиган сувни тасвирлаш хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Тинч об-ҳавода сув қирғоқдаги барча нарсаларни аксидаги рангларни ёрқинлиги ва майинлиги, сувнинг устидаги ўзига нисбатан сустроқ бўлади. Аксиинг ранги сувнинг рангига ва сув тўлқинлашига қараб ўзгаради. Тўқроқ предметлар аксида натурадагига нисбатан ёруғроқ, ёруғлари тўқроқ кўринади; предметларнинг чегаралари ноаниқроқ, хиралашади, деталларнинг сони ҳам юқоридагига қараганда камайиб боради.

Сув юзаси доимо блиklar ва томчилар билан белгиланади, шунингдек, сувдан чиқиб турган ва унда сузиб турган предметлар кўринади. Ёруғ кунда сув одатда қирғоқдан ёруғроқ булутла кунда тўқроқ бўлади.

Натурада бир хил бир текис ранг бўлмайди, қайсики матода бир хил ранг билан қоплаб ҳам бўлмайди. Ҳар қайси ранг рангтасвирда ўзининг кўплаб рангли жилоларини кўрсатади.

Осмон бир қарашда тўлиқ тўқ рангда кўринади, лекин, осмонни горизонт билан бўлган қисмини бошимиз устидаги жой билан таққосланса, дарҳол рангларнинг бир хил эмаслигини пайқаймиз. Қуёшнинг ёруғида ранг

анчайин ёрқин-жилоли нур тушган жойда, уфққа яқинлашган сари осмон ранги очлашади, иссиқлашади, горизонтни ўзида кучли туманда кўринади. Агар ёзда яхши майсазорга қаралса, яшил ранг турли-туман товланишларини кўриш мумкин. Майсаларни бир хил яшил билан чизиб, тасвирлаб бўлмайди, худди осмонни кўк бўёқ билан ишлаб бўлмагани каби.

Бироқ, шуни унутмаслигик керакки, манзаранинг ранглари қанчалар ранг-баранг бўлмасин, ёруғлик нури, умумий тус унга таъсирини ўтказди, барча жисмларда барча бўёқлар унга бўйсундирилади.

Натурадан ҳар куни этюдлар бажариб бориш билан албатта рассом катта зафарларга эришиши мумкин.



Х О Т И М А

Олий ўқув юртида архитектура йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун рассомчиликка ўргатиш бир ярим йил давомида, дизайн йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун тўрт йил давомида олиб борилади. Лекин шакл, ранг композиция ва ҳокозо қонунларини билиб олган талаба рассом ижодкор бўлиб қолмайди. Ижодкор шахсни камолатга етказиш масаласи анчайин мураккабдир.

Маҳорат тушунчасига фақат расм чизишни билиш, ранглар уйғунлиги тушунчасига эга бўлиш ўзигина крмайди. Ижод тушунчаси ҳам қўшилади. Ижод деганда: маданият, истеъдод, ирода, дид, ҳаётий материални билиш, ўз даври вазифаларини тушуниш ва албатта тинимсиз ўз устида ишлаш назарда тутилади. Таълимнинг бу алоҳида қирраларининг ҳаммаси шахснинг эстетик камолатини шакллантиради.

Санъат асарининг кучи шундаки, у оддий нарсаларга гўзаллик бағишлаб муҳим юксакликка кўтаради. Ўқитувчининг вазифаси бутун ўқитиш давомида талаба атрофни ўраб турган ҳаётдаги гўзалликни кашф қилишга ўргатиш, унинг ўзига хос қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, талабанинг гўзал туйғуларини қўллаб-қувватлаш, ижодкор шахсини вояга етказишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдан иборатдир. Шу билан айна бир вақтда ҳар кунги суҳбатлар натижасида талабанинг диди, маданиятини ривожлантириш, санъат ва замонавийлик вазифаларини тушунишга ёрдам бериш, ундан келгусида мохир архитектор-дизайнер тайёрлаб чиқаришга кўмаклашиш керак. Рассомлик таълими курсини ўтгач, талаба рассомлик саводи қонунларини ўзлаштириш ва ўз билимларини амалиётда эркин қўллай олиши керак. Бу унинг бундан кейинги ижодий ишига асос бўлиб, керакли шарт-шароит яратади. Бироқ рассомлик тилини билиш унга ўз олдида қўйган вазифаларига ижодий ёндошиш имкониятини беради.

Архитектор – дизайнер сиз ва бизнинг келажакда яшайдиган гўзал юртимизнинг янги кўринишини яратадиган, ҳаётда доимий равшда янгиликга ва таррақиётга интиладиган, таффакури бой ижодкор Инсон. Айнан шу

Рассомлик таълими бошқа махсус ва умумий таълим фанларини ўқитиш билан бирга айнан шу йулда архитектор-дизайнерга ижодий эркинликга эришиш йулида асосий омиллардан бири.

ГЛОССАРИЙ / GLOSSARY

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Штрихлаш	Hatching	Штриховка	Тасвирда ишлатиладиган чизиқлар бирдамлиги ёки бир-бири устига ётқизилган нуқталар ёки чизмага тус беришга ишлатиладиган чизиқлар йиғиндиси.
Соус	Sauce	Соус	Расм чизишга мўлжалланган юмшоқ материал бўлиб, таркиби лой, бўр, елим ва рангли кукунлардан иборат. Улар қора, оч қорамтир ва оқ рангларда бўлади.
Капитель	Capital	Капитель	(лотинча <i>caput</i>) - устун ёки, плястрни боғловчи қисм. Капитель устундан бўртиб чиқиб, устунга ўзгача кўрк беради.
Сангина	Sangin	Сангина	(фр. <i>sanguine</i> , лотинча - <i>sanguis</i>) — расм чизишга мўлжалланган қаламча шаклидаги юмшоқ материал бўлиб, таркиби каолина ва темир оксидларидан иборат.
Тушувчи соя	Drop shadow	Падающая тень	Ёруғлик манбаи билан бир хил йўналишда жойлашган бошқа буюмнинг нур манбаидан яширин томони майдони.
Қараш нуқтаси	Observation point	Точка обзора	Расм чизувчининг жойлашган ўрни ёки кузатиш нуқтаси
Қараш бурчаги	Vision angle	Угол обзора	Жисмнинг чекка нуқталарига қараб кузатувчидан чиқаётган нурлар йўналиши.

Ўз сояси	Own shadow	Собственна я тень	Предметнинг бир тарафи ёруғликда, бошқа томони сояда жойлашганидаги пайдо бўладиган соя.
Ёруғ -соя	Checkered light and shade	Светотень	Бирон-бир буюмнинг соя-ёруғини аниқлашдаги график муносабат.
Экорше	Ekorshe	Экорше	(франц. Écorché – “шилип олинган” écorce – “жилд”) – ўқув жумла, одамнинг мускуллари юзага чиқарилган терисиз қомати
Туслаш	Stump	Растушовка	Тасвирнинг аниқ бир қисмини соя- ёруғини кўрсатиб бериш учун қўлланиладиган услуб
Портрет	Portrait	Портрет	(франц. Portrait - тасвир) – тасвирий санъат жанри, бир ва ундан ортиқ одам тасвири
Натюрморт	Still life	Натюрморт	(французчадан «натюрморт» сўзи “ўлик нарса” деган маънони англади). Бу тасвирий санъат жанридир. Бу жанр асарларида асосан инсонни ўрап турган буюмлар аксини топади – кўзалар, вазалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, гуллар ва бошқа маиший буюмлар шулар жумласидандир. Ижодий натюрморт – бу рассомнинг инсонни ўрап турган буюмлар аксини ўз замони ва маконидагидек килип тасвирлаши ҳисобланади.
Ҳомаки нусха	Etude	Этюд	(французча «etude» - ўрганиш) – хаётдан ишланган иш. Кўпинча этюд мустақил маъно касб этади. Баъзида у чизувчининг профессионал малакасини ошириши билан бир қаторда оламни чуқурроқ ва ҳаққоний ўрганишга хизмат қилади. Шу билан бирга этюд ишланадиган асарга ҳам ёрдамчи, ҳам тайёрловчи материал бўлиб ҳам хизмат қилади. Этюд ёрдамида

			рассом асар ғоясини аниқлайди ва майда қисмларига ишлов беради.
Гризайл	Grisaille	Гризайл	(французчадан <i>Grisaille – gris</i> сўзидан «кул ранг» маъносини англатади) – бу рангтасвир тури ҳисобланиб, бир ёки икки рангда ишланадиган, кўпинча жигарранг ёки кул рангларда тасвирланади ҳамда бу архитектура ва ҳайкалтарошлик элементларини қоғозга тушириш техникаси ҳисобланади. Гризайлда буюмнинг фақат туси ҳисобга олиниб, рангини эса аҳамияти йўқ.
Абрис	Outline	Абрис	Ҳажмнинг чизиқли шакли
Ракурс	Foreshortening	Ракурс	Буюм шаклининг перспектив қисқариши воситасида унинг доимий кўриниши ўзгариши; буюмнинг тепа ёки пастдан қаралгандаги тўсатдан берилган қисқартмалари.
Нисбатлар	Proportions	Пропорции	Буюмлар қисмларининг бир-бирига ва асосига бўлган ўлочамлар муносабати
Яримсоя	Penumbra	Полутень	Ҳажмли буюмнинг юза қисмидаги соя-ёруғнинг, соя ва нурнинг ўртасидаги ранг бирлиги
Ҳажм	Volume	Объем	Тасвирнинг текисликдаги уч ўлчамли шакли.
Буюм формаси	Shape object	Форма предмета	Буюм, объект ҳамда чизиқлар жойлашуви чегараларининг нисбий ҳолати
Композиция (тасвирий санъатда)	Composition (visual arts)	Композиция (изобразительном искусстве)	Бу бадий шаклни мужассамлаштирадиган, асарга бирдамлик ва яхлитлик берувчи, рассом ғояси элементларини бир-бирига жипслаштирувчи нарса.

Қоралама	Sketch	Эскиз	Бадий асар ғоясини белгиловчи дастлабки чизма.
Пейзаж	Paysage	Пейзаж	(<i>фр. Paysage</i> , <i>paɥs</i> дан — ўлка, атроф) – тасвирий санъат жанри (ҳамда бу жанрнинг алоҳида асарлари) бўлиб, тасвирнинг асосий буюми у ёки бу даражада инсон томонидан ўзгартирилган табиатдир.
Перспектива	Perspective	Перспектива	(<i>фр. perspective</i> , <i>лат. perspicere</i> — <i>орқали кўриш</i>) – фазовий объектларнинг бирон- бир текисликдаги зохирий қисқартирилишига мувофиқ уларнинг шакли ва соя-ёруғлиги ўзгаришини ифода этувчи тасвир техникаси.
Панорама	Panorama	Панорама	Айлана подрамникда ишланадиган тасмасимон асар.
Мато	Canvas	Холст	Рангтасвирда – махсус ишлов берилгандан сўнг мой бўёқ ёрдамида устига ишланадиган қалин зиғир ёки пахта мато.
Акварель	Watercolor	Акварель	(<i>фр. Aquarelle</i> — сувли; <i>итал. acquarello</i>) – рангтасвир ашёси бўлиб, махсус сув бўёқларидан фойдаланувчи, сувда эриган ҳолатида юпқа шаффоф суспензия ҳосил қилиш орқали тасвирга енгиллик, қулайлик ва нозик ранг ўтиш таъсирини яратиб беради.
Гуашь	Gouache	Гуашь	(<i>фр. Gouache</i> , <i>итал. guazzo</i> сув бўёғи, шовуллаш маъноларини англатади) – акварелга қараганда қалинроқ ва хира бўлиб, сувда эрийдиган елимли бўёқлар турига киради.

Рангтасвир	Painting	Живопись	Тасвирий санъат тури бўлиб, кузатувчининг кўриб турган ёки ҳаёлий воқеликни қалин ёки эгилувчан юзага бўёқлар ёрдамида тасвир тушириладиган тушунчадир.
Блик	Hotspot	Блик	Тасвирланаётган нарсадаги энг ёруғ шуъла, қисм. Айниқса ҳажмли нарсаларнинг бўртириб чиққан қисмларида шуъла яққол кўринади.
Бадийлик	Artistic	Художественный	Санъат асарларининг мезони, ўлчови.
Интерьер	Interior	Интерьер	Бино ичкарасининг кўриниши бир бурчаги, қисми. Интерер тасвирий санъатнинг жанри бўлиб бионинг ички кўринишлари тасвирланади.
Колорит	Coloring	Колорит	Бадий асар мазмунини тушунарли бўлишида ранглар нисбатидан фойдаланиш, бадий асарлардаги рангларнинг умумий туси, тузилиши.
Рефлекс	Reflection	Рефлекс	нарсанинг шахсий ва тушувчи соясида акс шуъласи, у теварак атрофдаги нарсаларни таъсири натижасида содир бўлади.
Фон	Background	Фон	фон, замин, таг; (кўм-кўк осмон фонида, рангли мато фонида) суратларда энг охириги орқа план рангини билдирувчи ибора.
Колористика	Colouristic	Колористика	ранг ҳақидаги фан бўлиб, ранглар табиати, асосий, таркибий (ташқил этувчи) ва қўшимча ранглар, рангларнинг асосий характеристикалари, ранг контрастлари, ранглар аралашуви, колорит, ранглар уйғунлиги, ранглар тили ва

			ранглар маданияти ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. Ранглар дунёси қонунлари ранглар билан дўстлашиш ёки дўстлашмасликни аниқлаб беради.
Чуқурлик	Depth	Глубина	ранглар тоналлигининг ёрқин ёки хиралик даражаси.
Ёрқинлик	Light Coloured	Светлый	бу ярқираётган (ёки нур сочаётган) жисмнинг характеристикаси бўлиб, қандайдир йўналишдаги ёруғлик кучининг ярқираётган сиртнинг шу йўналишга перпендикуляр бўлган текисликка тушаётган проекциясининг (тасвирининг ёки аксининг) майдони нисбатига тенг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч – Тошкент, Маънавият,- 2008й.- 176 бет.
2. Бобомурадов З.Р. “Қаламтасвир, рангтасвир” Ўқув қўлланма.
3. Гильманова Н.В “Ёруғлик ва ранг” Ўқув қўлланма- А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2012й. - 217 бет
4. Халилов Р.Ш. “Акварель” Ўқув қўлланма - Низомий номидаги ТДПУ – 2009й. - 150 бет
5. М.Тошмуродов “Чизматасвир” Ўқув қўлланма Тошкент “Ношир” -2012 й- 125 бет
6. Р.Худайбергандов “Тасвирий санъатда ранг” Ўқув қўлланма –К.Бегзод номидаги МРДИ – 2004й. 88 бет
7. Соибов Т.З., Гильманова Н.В., Слугин А.П., Бородин М.Р., Тё А.В. ” Чизматасвир, рангтасвир, хайкалтарошлик” Дарслик.- ТАҚИ. 2010й.
8. Б.Бойметов “Қаламтасвир”Дарслик – “Музыка” Тошкент 2006й. - 216 бет
9. Т.З.Соибов “Рангтасвир” Ўқув қўлланма. ТАҚИ Тошкент.- 2007й.-65 бет
10. Л.С. Корнева «Пейзаж, натюрморт». – Современный литератор. Минск. 2002й. – 39 бет
11. Х.Харрисон «Энциклопедия техник рисунка»-Москва Астрель- 2005 й. 164 бет
12. С.Краморов «Конструктивный рисунок» - ОМСК - 2005й.
13. Осмоловская «Рисунок» Учебное пособие – Москва МАРХИ – 2008й.
14. Ли Н. «Основы академического рисунка» - Москва ЭКСМО – 2003й - 239 стр.
15. Н.М.Сокольникова «Основы живописи»- «Титул» Обнинск
16. David Bellamy – Watercolour Landscape Cours- London – 2011 148
17. Claire Watson Garcia – “Drawing for the Absolute and Utter Beginner” New York 2003у.
18. Gwen White - Perspective - A Guide for Artists, Architects and Designers
19. М.Хемптон “Фигура чизиш. Дизайн ва ихтро” Хитойда нашр этилган 2009й. 241 бет.
20. Г.Ронин “Интерьер дизайнини чизиш” А&С BLACK Лондон. 2010й – 91 бет
21. E.Lloyd. “Watercolour. Still life” Dorling Kindersley. London 1994й - 76бет
22. Хосе М. Паррамон «Как писать натюрморт» - АРТ Родник Испания – 2000й. 116бет
23. Хосе М. Паррамон «Как рисовать» - АРТ Родник Испания – 2001й. 114бет
24. Т.Батталини «Рисуем акварелью» - Москва ЭКСМО – 2007й – 130 бетт
25. Х.Харрисон «Энциклопедия техник рисунка»-Москва Астрель- 2005 й. 164 бет

*Талабаларнинг ижодий
ишларидан намуналар*






Югай Елена



Бородина Кристина



Ким Александр



Стукаленко Вера





Урмонов Б




Курбатова Любовь




Курбатова Любовь



Стукаленко Вера



Камилова О.






Саломова Зарина



Турдиев Елёр



Алиев Тему́р



Хамилова Зилола



Хамидова Зилола





Орипов Елёр






Бородина Кристина



Рахимов М.








Джумабаева Фарид





2-10 Ду Абдуллаева
Абдуллаева Зульфира





Kenjaeva Lazizaxon



МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ.	ҚАЛАМТАСВИР БЎЙИЧА ИШЛАНМА ВА АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАР.....	7
§1.1.	Архитектуравий таълимда қаламтасвирни ўқитиш мақсадлари.....	8
§1.2.	Қаламтасвир бажарганда қўлланиладиган жиҳозлар.....	9
§1.2.1	Графит қаламни қўллаш, Штрих чизиқни тушириш машқлари.....	16
§1.3.	Ўқув фанининг вазифалари.....	17
§1.3.1	2-3 геометрик шакллардан иботат натюрмортнинг ёруғлик- соя тасвири.....	18
§1.3.2	Геометрик шакллардан иботат мурракаб композиция.....	29
§1.3.3	Гипс капительнинг ёруғлик-соя тасвири.....	33
§1.3.4.	Одам черепини икки кўринишда чизиш.....	38
§1.3.5.	Антик гипс ҳайкалининг ёруғлик бош қисмини чизиш.....	45
§1.3.6.	Одам калласининг юмшоқ материалда бажариш.....	50
§1.3.7.	Одам скелетини чизиш.....	68
§1.3.8.	Гудоннинг анатомик одам қоматини тасвири.....	71
§1.3.9.	Одам қоматини ўзига қараб чизиш.....	81
§1.3.10.	Хона интерьер кўринишини тасвирлаш.....	92
II БОБ.	РАНГТАСВИР БЎЙИЧА ИШЛАНМА ВА АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАР.....	105
§2.1.	Архитектуравий таълимда рангтасвир ўқитиш мақсадлари.....	106
§2.2.	Рангтасвир ишларини бажарганда қўлланиладиган жиҳозлар.....	106
§2.2.1	Сув – бўёқ техникаси ва унинг асоси.....	115
§2.2.2	Акварел билан ишлаш услуби.....	120
§2.3	Рангтасвирда ранг уйғунлиги ва колорит.....	124
§2.3.1	Ранглар доираси.....	124

§2.3.2	Ранг контрастлари.....	127
§2.3.3	Ёруғ-соялар (светотень).....	129
§2.3.4	Масофага нисбатан рангларнинг ўзгариши.....	131
§2.3.5	Ранглар ягоналиги, натура рангларининг уйғунлиги (колорит).....	133
§2.3.6	Фазовий– йиғимлик ечими.....	
§2.4.	Ўқув фанининг вазифалари.....	147
§2.4.1	Натюрморт тузиш ва уни тасвирлаш усуллари.....	147
§2.4.2	Нейтрал фонда содда шакллардан тузилган натюрморт (гризайл).....	155
§ 2.4.3.	Бир-бирига яқин бўлган ранглардаги натюрморт (колорит)...	159
§2.4.4	Қўшимча рангларда берилган мурракаб натюрморт.....	163
§2.4.5.	Гипс розетка иштирокида натюрморт.....	167
§2.4.6	Портрет рангтасвири.....	171
§2.4.7	Одам бошини ўзига қараб чизиш.....	174
§2.4.8	Қийинган одам қоматини ишлаш.....	178
§2.4.9	Интерьер кўринишини тасвирлаш.....	183
§2.4.10.	Манзара чизиш жараёнида ранг хусусиятларидан фойдаланиш.....	190
§2.4.10.1.	Манзара чизиш бўйича амалий тавсиялар.....	192
§2.4.10.2	Давомли этюд ишлаш	193
	ХОТИМА	198
	ГЛОССАРИЙ.....	200
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ.....	206
	Талабаларнинг ижодий ишларидан намуналар.....	207